



Санжар АБДУРАҲМОНОВ

МИЛЛАТГА ХИЗМАТ

Ҳозирги кунда ёшларни миллий мафкурамиз асосида ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. Ёш авлодда ватан, миллат қайғусини шакллантириш, уларда юртга содиқлик, унинг тараққиёти учун жонбозлик кўрсатиш туйғуларини барқарор этиш давлатимиз сиёсатининг энг олий мақсадидир. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун кўпгина дастурлар ва тизимлар ишлаб чиқилган. Айниқса, илм-маърифатга интилувчан ёшларни излаб топиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшларимизнинг ақлий ва ижодий салоҳиятларини, қувватларини бир мақсадга жам қилиб, ватан тараққиётига йўналтириш энг оқилона ва изчил танланган йўлдир. Албатта, буни улуг мақсадларга етакловчи ғояларсиз амалга ошириб бўлмайди. Бу тажриба тарихда кўп синалган.

Узоққа бормасдан XIX аср охири ва XX аср бошларидаги тарихий жараёнларни таҳлил этиб кўрайлик. Жаҳон тараққиётдан ортда қолаётган Туркистонни тараққиёт йўлига олиб чиқишни ўз олдидларига мақсад қилиб олган маърифатпарвар жадидларимиз, миллий зиёлиларимиз ватан ва миллат равнақини фақат илму фанда, маърифатда кўрдилар. Жадидларимиз ўз мақсадларини амалга ошириш учун миллат вакилларини бир ғоя, бир байроқ остида бирлашишга, бир тану жон бўлиб куч-ғайратларини шу ватан, шу халқ, шу миллат учун сарф қилишга даъват этувчи мафкурасини яратдилар. Туркистон жадидларининг отаси маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг "Дин ва Миллатга хизмат илм ва ақча билан бўлур" деган ғояси зиёлиларимизни, давлатмандларимизни, миллат ёшларини улуг мақсадни амалга оширишга сафарбар этганди.

Бу ерда мен миллатимизнинг энг олд қатламларини бежиз таъкидлаб ўтмадим. Зеро, улар орзу-истаклари, мақсадлари, интилишлари билан бир-бирига занжирдек боғланган, бир-бирини тўлдириб турувчи халқимизнинг илғор кучи эдилар.

Бу ўринда, албатта, зиёлиларимизнинг, жадидларимизнинг роли беқийс. Улар халқимиз тафаккур тарзига янгича дунёқараш, янгича фикрлаш, янгича яшаш шакллари олиб кирдилар. Зеро аллома Абдурауф Фитрат бундай деган эди:

"Яшасин илмий, адабий, ижтимоий ўзгариш. Мия ўзгармагунча бошқа ўзгаришлар негиз тутмас!.."

Мажозий маънода айтганда, зиёли жадидларимиз халқимизнинг онги, тафаккури эди. Улар шу нарсани

жуда яхши билар эдиларки, жамиятдаги барча ўзгаришлар тафаккурдаги, дунёқарашдаги ўзгаришларсиз амалга ошмайди, шу сабаб улар энг асосий этиборни миллат ёшларига қаратишди. Мақсад ёшларни илм-фанга, маърифатга ошно этиб, Ғарб илм-фани ютуқларини ўзлаштириш орқали ўз салоҳияти ва иқтидорини ватан равнақига йўналтириш, миллатимиз манфаатларига хизмат қилдириш эди. Аммо шу нарса аёнки, тарихда кўпгина илм-фан кишилари барча шарт-шароит яратилган ҳукмдорлар саройида ёки махсус ташкил этилган илм-фан масканларида ўз ёрқин истеъдод ва салоҳиятларини намоён эта олганлар, илм-фанда кашфиётлар қилганлар. Масалан, араб халифалигидаги Богдода ташкил этилган "Донишмандлар уйи", Хоразмшоҳлар давлатидаги "Маъмур академияси", Темурийлар давридаги Самарқанд ва Ҳирот каби илм-фан марказлари, хусусан, Мирзо Улуғбекнинг Самарқанд расадхонасида гуркираб ўсган илму урфонни эслашимиз мумкин.

Агар уларга шундай имкониятлар, шарт-шароитлар яратилмаганда эди, ўз ёрқин истеъдод ва салоҳиятлари билан турмуш ташвишлари домига тортилиб, тарихда изсиз кетган бўлар эдилар. Иккинчидан, ҳукмрон мафкуралар таъсиридан холи равишда эркин ижод қилолмас эдилар.

Жадидларимизнинг амалий қадами шунда эдики, улар ўз фаолиятларини амалга ошириш учун қулай мафкуравий муҳит яратган бўлиб, кўпчилик миллатдошларимиз уларнинг чақиригига "лаббай" деб жавоб берган эдилар. Ана шундай кишиларнинг кўпчилиги миллий буржуазиямиз вакиллари эдилар. Улар иқтидорли ёшларимизни моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаб, чет элларда ўқиш имкониятларини яратиб беришиб ватан, миллат олдидаги ўз бурчларини сидқидилдан адо этдилар. Бу жадидларимиз томонидан қўлга киритилган энг катта муваффақиятлардан эди. Ана шулар тўғайли Туркистон ёшлари чет элларда (Туркия, Германия) илм олиш имконига эга бўлдилар, илм-фан ҳўққиларини эгаллаб қайтдилар ва ватан равнақи йўлида хизмат қилдилар. Аммо уларга ўз улуг ишларининг самарасини кўриш насиб этмади. Қаттол тузум уларни — миллатимиз гулларини аёвсиз қаҳратон каби ўз домига тортиб кетди.

Мен шу нарсани комил ишонч билан айта оламанки, жадидларимиз олиб борган ишларнинг самарасини мазмун-моҳияти худди уларникига ўхшаш сиёсат олиб борган Шарқнинг илғор давлатлари бўлмиш

Япония, Жанубий Корея, Хитой мамлакатлари қисқа вақт ичида қўлга киритган муваффақиятлари тимсолида кўришимиз мумкин. Ҳозирда бу давлатлар жаҳон майдонида виқор билан тараққиёт сари шахдам қадам ташлаб бормоқдалар. Нима бўлганда ҳам тарих филдираги айланаверади, унда бўлган воқеа-ходисалар ҳеч қачон изсиз кетмайди. Ўзидан муайян даражада из қолдиради, ибрат, намуна қолдиради.

Шундай экан, ёшларимизни ўз истеъдод ва интеллектуал салоҳиятлари билан миллий мафкурамизнинг асосий ғояси "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш"га даъват этар эканмиз, уларни умумий сафарбарликка чақирувчи жадидларимиз олға сурган ғояларга ўхшаш ғоялардан фойдаланишимиз керак.

Демак, жадидларимиз амалга оширган ишларнинг узвий бир давоми сифатида давлатимизнинг юритаётган сиёсатини кўришимиз мумкин. Лекин бу борадаги ишларни фақат давлатимиз амалга ошираётган ишлар билан чеклаб қўйиш мутлақо ноўрин деб ўйлайман.

Бундай фаолиятга ўзига тўқ тадбиркорларимизни ҳам кенг жалб этиб, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириб турувчи, миллий жамғармалар тузиш керакдир (худди жадидларга ўхшаб). Улар ҳам бу борадаги хизматлари учун муносиб тақдирланиб боришлари лозим.

Аммо бу масала ҳозирги ўтиш даври шароитида муаммоли бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам келажакда бундай фидоий ватандошларимиз ўз зиммаларидаги ватанимиз, миллатимиз, бутун халқимиз олдидаги бурчларини сидқидилдан бажаришларига ишончимиз комил.

Мен шу ўринда фикрларимни машҳур жадид, миллатимиз жонкуяри А.Фитратнинг қуйидаги халқимизга қилган қуйидаги хитоби билан тугатмоқчиман: "Қўлни қўлга берайлик, халқ йўлинда, дин йўлинда, ватан йўлинда, миллат йўлинда жадидимиз, қадимимиз, мулламиз, бойимиз ва авомимиз бир ерга тўплайлик, бир-биримизга қўмакчи ва мадакдор бўлайлик!"

НАЗМ

Дилором ЎРМОНОВА

Хоқонлигинг унутма

ЮРАГИМ

Ўзбекистон отли юртининг,
Байроғи бўл, юрагим.
Адашганинг йўлчи Юлдуз,
Маёғи бўл, юрагим.

Ошиқ дилнинг ўтли-ўтли,
Сўроғи бўл, юрагим.
Саҳродаги Мажнунларнинг,
Булоғи бўл, юрагим.

Гўзалларнинг киприкдаги,
Титроғи бўл, юрагим.
Дарвеш ила девонанинг
Кўноғи бўл, юрагим.

Йўқсилларнинг олов ёнган
Учоғи бўл, юрагим.
Чегарада турган марднинг
Яроғи бўл, юрагим.

Оналарнинг иссиқ, юмшоқ,
Кучоғи бўл, юрагим
Вафоси йўқ номарднинг
Дил доғи бўл, юрагим.

Қаро кўзли ўзбегимнинг
Қароғи бўл юрагим.

Ўзбегимнинг дўпписию,
Белбоғи бўл, юрагим.

Ватанфуруш, хоинларнинг
Йироғи бўл, юрагим,
Юртин соғинганда дилин,
Қўйноғи бўл, юрагим.

Дилоромнинг дил қалъасин,
Чироғи бўл, юрагим.
Шеърү ғазал дарёсининг
Ирмоғи бўл, юрагим.

УНУТМА

Азизим, бу дунёда,
Меҳмонлигинг унутма.
Худо севиб яратган,
Инсонлигинг унутма.

Худо сени севмаса,
Яратмасди ҳеч қачон.
Жаннати шу юртинга,
Посбонлигинг унутма.

Қаён боқсанг боғ, бўстон,
Бўстон ичра хур, филмон.
Қадру қиймати баланд,
Осмонлигинг унутма.

Еру кўк кафт, кифтингда,
Худо севиб, сийлаган.
Номус-ору юртинга
Қалқонлигинг унутма.

Қимирлаган қир ошар,
Ният қилиб интилсанг.
Ҳар муродга етайсан,
Хоқонлигинг унутма.

Нон-чун нокас, номардга
Хорланиб бошинг эгма,
Сен ҳазрати инсонсан,
Султонлигинг унутма.

Дилором, Оллоҳ сийлаб,
Яратган бир бандасан.
Ўзи хону ўзи бек,
Жаҳонлигинг унутма.

Қадринг биллиб яшагил,
Ўз битта бетакрор.
Ўзбекистон боғига,
Боғбонлигинг унутма.

Ватан сенинг қўлинда,
Бугун, эрта ва кейин.
Оллоҳ берган бу неғмат,
Эҳсонлигинг унутма.

Шайтон йўлига юрма,
Ҳаром нондан қил ҳазар.
Сен бу дунё уйига,
Мезбонлигинг унутма.


КЎРИНГАЙ

Мажнун кўзига дунё,
Лайло бўлиб кўрингай.
Сандиқдаги Тоҳирга,
Зухро бўлиб кўрингай.


Отабек, Қумушисиз,
Ғамгин, ғамнок, ғамбода.
Баҳор боғларга кирса,
Сахро бўлиб кўрингай.

Балиқ сувсиз яшолмас,
Тўлғониб жон бергувчи.
Анинг-чун нулли ҳаёт
Дарё бўлиб кўрингай.

Менга ёр нуқсонларин,
Сўзлама эй Дилором,
Парвонага кемтик шам,
Танҳо бўлиб кўрингай.



Зебо МИРЗАЕВА



Минг йил юрагимни саклади м тоза

ДЕРАЗАМНИ ЧЕРТИБ...

Деразамни чертиб, ёмғирлар ўтди,
Кечагина бизлар қолдирган издан,
Паришон болларни туманлар ютди,
Севгилим, не кечди ҳаёлингиздан?

Ташиаб кетганида маънос турналар,
Идида йиғларкан ҳатто тоғлар ҳам.
Севгилим, нечандир бағрим тирналар,
Кўзингиз ногаҳон тортмадимми нам?

Дарахт шохларига қунади бир қуч,
Ёмғирлар тагида ивиб, жуножиккан.
Балки у менирман, кўраётиб туш,
Яни олислардан сизга кўз тиккан?

Бир гўзал ишк эди бизнинг сеvgимиз,
Брун даҳзаланинг овози тинди.
Кўчилиб келганда хазонлар сели,
Севгилим, ким билан йиғлайсиз энди?

Мен ку ўлиб бўлдим,
Шудир ишк расми,
Аммо сиз гапларга чидайсиз қандоқ?
Севгилим, сеvgилим, отир эмасми,
Бир гўзал шедини топиб-йўқотмоқ?

Севгилим, ким билан йиғлайсиз энди?

ИШК

Ҳаёт қандай гўзал,
Яшаш қандай бахт,
Олам бурканганда оппоқ нурларга.
Кўнгул қонин ичиб кўрганмисан, айт.
Кўнинг қолганида макри зўрларга?
Сенга айтиши осон,
Ўзингни эмас,
Элайсан ўзганинг қийлу қолини.
Сен қайдан биласан,

тўфонда қолган
оғиз одамларнинг
ғариб ҳолини!
Осмонлар чарсиллаб, синганда харсанг,
Бошинга келганда қиёмат куни.
Ҳеч қачон тавба, деб эгилмагансан,
Сени кўрқитмаган хатолар хуни.
Қиличга ярашар қиличдай яшаш,
Мен тўғри ҳолимдан бир маъни уқдим.
Яшайдан кўрқмадим, эй аҳли гараз,



Кўрқсам, сиздан эмас,
Худодан кўрқдим!
Жимлигим ичида
битта хурлик бор,
Сукутим ичида минг исён ва дод.
Қачонки юракда зўрлик, хўрлик бор,
Қулликка чидолмас ҳеч вақт одамзот.
Шоирнинг умри бу улкан қуюндир,
Ўзининг ичига ўзи сиғмас ғам.
Ҳаёт кимга қасос,
Кимга ўйиндир,
Менинг... қайга қўнсам куйди қўналғам!
Аммо мен...
руҳида гулнинг бўйи бор
Ёмғирлар эзилиб чалган куй эдим.
Милён йил кутдим-у, умидсиз, абгор,
Бир дилни Худони севгандай севдим!
Кейин... кўтарилди буюк бир тўфон,
Фалакни куйдирди ҳасратим, оҳим.
Ҳеч кимга бунчалик куйган эмасдим,
Балки шу бахтимдир,
Ёки гуноҳим,
Кимдир илҳом олди,
кимдир завқ олди,
Мен эса кўнгилнинг кузидан бездим.
Бир тун аламлардан жон бераётиб,
Юрагимга баҳор кирганин сездим!
У қайтди уйғотиб диллар тонгини.
Жонбахш кўзларидан чекинди Ўлим.
Ғанимим, сен агар бўлмаганингда
Севгимиз бўлмасди бу қадар сўлим!
Ҳаёт қандай гўзал,
Яшаш қандай бахт,
Олам бурканганда оппоқ нурларга.
Осмонни кўтариб қўлларингда шахт.
Айланиб кетолсанг кейин хурларга!
Ҳаёт қандай гўзал,
Яшаш қандай бахт,
Дунё гардишидан бўйламаса ғам.
Титроқ қўлларинга аста босиб лаб,
Худони севгандек севолса У ҳам!

НУР...

Вужудим дарахтин
Йиқитган қайғу.
Ёдинг умидидан инграйди бетоб.
Дардинда
юрагим - олтин қайиғу,
қалқийди бир телба денгизда шитоб!
Бемажол манзиллар саргардониди
Бефараҳ чўқади
Умр деган шом.
Бир соғинч ёнида кўнгил қонида.
Нур ва соялар қўшилган оқшом...
Ҳар янтоқ тигига
Юзи тилиниб,
Урилиб, суринган шамолдай ёлғиз.
Қирма-қир товони
куйиб, югурган
Сахро нафасидай нажотсиз, ҳолсиз.
Ваклининг араваси
босиб, узилган
Гудакнинг энг ениги ишғисидай зор.
Бергартин

Заҳарли ёмғирлар ўйиб,
Кўкламда қуриган
дарахтдай ночор...
Мен сени севаман, эй мангу азоб,
Қошимга ташнаю,
жонимга ҳузур.
Ўтқир тигларини кўксимга тираб,
Юрагимни кесиб ўтаётган нур!..

НЕГАР..

Сой бўйида телба толларнинг
Шовуллаши ўхшайди "дод"га.
Мен-ку сени унутган эдим,
Хотиралар салади ёдга.

Мана ўша балқиган ҳилол,
Ва ёввойи боғлар сўқмоғи.
Не учундир келади малол,
Синчков боққан тошлар нигоҳи...

Нима эди мени қийнаган?
Нима эди, билмайман ҳануз.
Биз асраган гуллар устидан
Лоқайдгина ўтиб борар Куз...

Йўқотганим излайман, бироқ
Учратмайман юрагимга мос.
Ҳамма нарса - ўша, эҳтимол,
Бегонаман мен бунда холос...

Нега келдим бу йўлларга мен,
Ахир дилда на ҳис, на ҳавас.
Нечун мангу ИШҚ ЭХТИЁЖИ,
Нечун севги абадий эмас?..

ИЛИНЖ

Қачондир йўлингиз тушган сўқмоқда,
Унут чашмалардай ўксик ётурман.
Илинжим: интилиб-интилиб, балки
Ёдингизга кириб бораётирман?..
Илҳақ самалардан сўраманг ёмғир,
Қақроқ кўнглингизга ўқиб жаноза.
Биз томон боқарсиз, деб бир кун, ахир,
Минг йил юрагимни сақладим тоза!

Тукилиб қарайсан...
Нигоҳингда мунг,
Юрагимга ботиб борилган хайҳот.
Севгим,
Кўзиндаги шафқат не учун?
Бахтсиз бир аёлга
Ўхшайман наҳот?

Менга бундай боқма,
Менга кулиб боқ,
Рўҳимга тўкмагил надамат ва ғам.
Ахир менда не айб,
менда не гуноҳ,
Бир ёруғ Кўнглидан
яралган бўлсам?
Сенга,
Фақат сенга бориётган бўлсам!

Сенинг
севгинг- менга
жаннатий инъом,
Ҳатто азобинг ҳам умримга гулбайт.
Шу ёниқ ишқ билан,
Мукаррам, шодком,
Бахтсиз бир Аёлга ўхшайманми, айт?

ЭШИК

Бир ҳафтаки, чиқмадим уйдан,
Менга таниш узлатнинг бўйи.
Ўзим билан ўзим яшадим,
Мискин дилни овутган кўйи.
Йўқ эдим бу дунё ичинда,
Рўҳим билан қайларни кездим?
Юрагимнинг бир чеккасида
Ҳали тирик эканим сездим.
Яна ошно тушларим қайтди,
Баланд учдим болалигимдай.
Тирикликнинг деворларини,
Бузиб ўтиб, англадим бирдай...
Қанотларим ўсганин кўрдим,
тор уйимга олам бўлди жам.
Ўғлим кириб келган эшикдан
Кириб келди фаришталар ҳам...
Чиқиб бордим ғайб дарахтидан,
Мевасини еб,
билдим таъмини,
борлиқ ичра биздан ҳам юксак,
олий руҳлар бор эканини!..
Ажратолмай асл ҳаётни
Тун кечалар қийналди юрак
Сирли туйнук бўлиб туюлди
Осмон узра Ой солган йўлак.
Мен бир йўлни қидирдим узоқ,
Юлдузлар жим куйдирди кўзим.
Етиб келдим. Ва кўрдим ногоҳ,
ЭШИК эдим Ўзимга ЎЗИМ!



"МУНИР ЛАҲЗАЛАР"ДАН СЎНГ...

Укам Бобур Комиловга

Биз севган ёрлар ўзганинг ёри,
Ёра умримизнинг "оҳ"лари, Бобур.
Биз-ку яшаб ўтдик кўнгул кўкида
Нечун ёр кўксига доғлари, Бобур?

Дил ерга адашиб тушган қушимиди?
Балки тақдир бизни алдаган, Бобур.
Асл ёр самода ё севиб, бизни
Бир буюк ғам учун танлаган, Бобур?

Ишқ не - олислардан бўйлаб ўтган нур,
Ким кўрди, кўрмади жон талошидир.
Кимки севса - ўшал Худонинг ёри,
Севгисиз юрак бу дунё тошидир.

Кўз ёш ҳам аслида олий неъматдир,
Бедардлар ўз-ўзин тигласин, Бобур.
Биз севиб, севгимиз билан бахтлимиз,
Сева олмаганлар йиғласин, Бобур!

ТУШ... (РУҲ)

Нигоҳлари ёдимда қолди,
У ғамдан-да эди ғамгинроқ.
Ниманидир сўрамоқчийдим,
Лабларимга босди у бармоқ.

Юзимга жим қўйиб юзини,
Аста қучди-оловда куйдим.
Умримда ҳеч туймаган бир дард
Билан, ё Раб, мен уни суйдим!

У биларди...
жоним қайдаю,
Рухим қайда қафаслигини.
Ва ногаҳон ҳис қилдим, кўзим
қайтиб уни кўрмаслигини!
Мени бир дам бахтиёр этиб.
Кейин ўтли ўйларга ташлаб.
Кетди... оппоҳ руҳлар билан У!
Кўзларини жимгина ёшлаб...

Мен ортидан узоқ югурдим,
Осмоқлардан излаб изини...
Қайтарай деб,
чақирай дедим,
Мен билмасдим Унинг исмини!..

У ИШҚ ВАДИ...

Олис-олис эди осмоним,
Олис-олис орзум эдингиз...
Ёруғ-ёруғ хаёлларимдан
Юрагимга кириб келдингиз.

Кўлларимда бир лаҳза турмай,
сувга тушиб кетган гавҳарим,
Оч тўлқинлар-ғанимимгами,
Ғанимимгами, сизни асрадим?



Ўтди баҳор,
Ўтди хазонлар,
Узун тунлар кўз юммай ўтдим.
Келмасингиз билсам-да, аммо
Келасиз, деб умидвор кутдим...
Бир мен билдим,
Бир Худо билди,
Унга не деб сиғинганимни.
Ҳеч кимсага айта олмадим,
Сизни қандай соғинганимни...

Ва... бир кун келдингиз, ўша...
таниш овоз, қадамлар саси!
Кўзларимни очишга қўрқиб,
Жим тингладим-жонбахши нафасни!

Ёлғон бўлди кўргуликларим,
Кўрганларим баридан тондим!
Шу ёниқ Ҳис борлиги учун
Борлигинга, дунё, ишондим!..

Сўнг кўзимни очдим-у, кўрдим -
Хонам ичра, ёлғизлик, малол...
Юзларимга қиш қаҳрин сепиб,
Эшик зулфин уйнарди шамол...

У - сиз эмас,
бир хаёл бўлса,
Ташиқарига чиқиб кетган ким?
Ёмғир урган телбавор тунда,
Исмингизни айтиб чақирдим!

... Кетиб борар менадан қадамлар,
У-Ишқ эди!..

аста илғадим.
Қуриётган дарахт пойига
Юзларимни босиб йиғладим...

ЖАННАТ АЗОБИ

Оқишом тушиди аста боғлар қўйнига,
Телба шамолларнинг куйи маст-аласт.
Юлдузлар жомини чайқатиб ўтар
Токлар қонидаги кўҳна мусаллас...
Ёғдулар селида адашади ел,
Яланғоч дарёлар бағрида оқиб,
Қўшни боққа тушган ўғри боладай,
Сўнги олмаларни келади қоқиб...
Оқишом кетар экан тун чорбоғига
Эрта ёруғ кунни вабдалар қилиб.
Юрагимнинг тунги шамчироғига
Сўнги шуғлаларни қўяман илиб.
Мен ҳам мўъжизалар кутиб ўйлайман,
Ҳануз самоларда менинг кўзларим,
У сенинг шарпангми дея бўйлайман,
Ойнинг шивирда келса сўзларинг,
Умримиз адашди сўқмоқ йўлларда,
Балки тўсди баланд тоғлар ичкучуҳи.
Кўнглимиз сиртмоғи ўзга қўлларда
Энди бизни қийнар севгимиз руҳи.
Барибир, сен борсан ерми, самода,
Тақдир қиличда айирса ҳам вақт.
Бизлар учрашамиз ёруғ дунёда,
Севгилим, кўришмоқ ўзи буюк бахт.
Кўзда ёш, умидвор қўшиқлар айтиб,
Тугайди дилларда умримиз хоби.
Севгилим, ҳеч қачон келмаймиз
қайтиб,
Севгилим, севги бу - жаннат азоби!..



Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи

МАШАКҚАТЛАР ТИРДОБИ

Роман

Биргина айби — ёнидаги хужжатини йўқотиб қўйгани учун ўзга юртда гаройиб уқбатларни бошидан кечирган йигитнинг севги қиссаси.

Романни ўқиб...

Фалаkning гардиши билан Юсуф пайғамбар Мисрга бош вазир бўлгандан сўнг бу мамлакатга жуда кўп яҳудийлар кўчиб келишди, улар турли, яхши-яхши ҳукумат лавозимларига эга бўлишди. Вақти келиб, маҳаллий халқ яҳудийларни ана шу эгаллаган лавозимлари учун ҳам ёмон кўриб қолди. Орадан тўрт юз йил ўтиб, Мисрда яҳудийлар оёқ ости бўлди. Уларга ҳукумат идораларидан лавозим берилмай қўйилди. Улар фақат энг қора ишларни бажаришарди. Ва ниҳоят шунга ҳам раво кўрилмай, Қасам дарада фақат чорвачилик билан шуғулланишга мажбур бўлишди. "Булар жуда тез кўпайиб боряпти", деган баҳонада яҳудийларнинг хотинларига ўғил бола туғишни ман қилишди. Айғоқчилар кўчама-кўча юриб, янги туғиладиган ҳар бир чақалоқни аниқлашар, кейин шу чақалоқ туғилиши билан ўлимга маҳкум этиларди. Мусо пайғамбар ҳам ана шу даврда туғилган, Худонинг иродаси билан омон қолган ва яҳудий халқини Миср қуллигидан озод қилишга бел боғлаган эди. Қуллик азоби Мисрдаги яҳудий халқини ҳар қанча жонидан тўйдириб юборган бўлмасин, уларнинг қорни тўқ, усти бут эди. Шу сабабли яҳудийлар Мусога эргашиб, Мисрни тарк этаётганда ҳар сафар қийинчиликларга дуч келса, оҳ-воҳ қилишар, "қул бўлсак-да, тинчгина яшаётгандик, устимиз бут, қорнимиз тўқ эди", деб Мусога ҳужум қилмоққа шайланишарди. Устига устак, Мусонинг биродари Аарон ва сингиси Марям ҳам сабр косаси тўлиб турган, ярим оч, ярим яланғоч, далама-дала тентираб юрган ўз халқига нисбатан ноўрин ишлар қилиб, Мусони қийин аҳволга солиб қўйишди. Шунда Мусо Худога нола қилиб, биродарларини асраб қолди, зарур бўлгандан сўнг бошбошдоқлик йўлига ўтган ўз халқининг бир қисмини қириб ташлади. Шу тахлитгина халқини тартибга олди, уларни мингликлар, юзликлар, ўнликларга бўлиб, ўзи бош бошлиқ бўлди. Аммо Мусога ариқларидан мой ва сут оқадиган афсонавий Канъонни эгаллаб, янги давлат тузиш насиб



этмади. Худо унга буни раво кўрмади. Худо дедики: Канъонни халқинг қирқ йилдан кейин эгаллайди. Ҳозир йигирмага кирган йигитларинг олтмишга тўлса, ақлга энади, Канъон ушаларга насиб этади. Йигирма ёшдан ошган халқинг Миср нонини еб, бузилиб бўлган, улар Мисрни қўмсайверади. Шу сабабли, улар янги давлатга эга бўлишса, уни бузиб юборишади, Миср нонини еганларга янги давлатни ишониб бўлмайди.

Зулфия Қуролбой қизининг янги романини ўқир эканман, илоҳий китоблардаги ана шу ибратли воқеалар эсимга тушди. Биз ҳам кечагина ўз тарихий давлатимизни қайтадан тикладик, минг бир қийинчиликларга дуч келямиз, ҳар сафар қийинроқ шароитга тушиб қолсак, 1970-80-йилларни орзиқиб эслаймиз, ва айрим кишиларнинг гапларига лаққа тушиб, "Россия, қайдасан", деб жўнаймиз. Гўё Россия кўчаларининг ҳар бир ариғида мой ва сут оқиб тургандек. Гўё уларни пақирлаб, бочкалаб, вагонлаб йигиб оламизу, бой-бадавлат бўлиб, уйга қайтиб келадигандекмиз. Аммо... ҳар ернинг тош-тарозиси бор.

Бу тарих — кўҳна тарих. Мусо пайғамбаргача такрорланган, Мусо пайғамбар даврида такрорланди, яна ва яна такрорланаверади. Ушбу воқеалар Зулфиянинг романида нақадар ишонарли тасвирланган. Ва яна Зулфия Гулруҳ тимсолида ўзбек халқини янги, ёрқин йўлларга олиб чиқа оладиган фариштани кўра билган.

Зулфия, илоё, эзгу тилакларингизга Аллоҳнинг ўзи ривож берсин!

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ

* * *

Фоят истъедодли бўла туриб ҳаётда ўз ўрнини тополмай юрган одамлар учрайди. Нокамтарлик санасангизда, аввалдан айтиб қўй, мен ўзимни шундай одамлар тоифасига қўшардим. Шунинг учун ҳам ўрнимни бошқалардан юқорироқ қўярдим. Ким билсин, омадим юришмаётганига, эҳтимол, шу феъллим сабабдир. Хотиним: "Кўнимсиз одамсиз!" дейди менга. Истисно тарзда айтадиган бўлсам, унинг гапида зигирча жон бор. Нега деганда, мен ҳақиқатан ҳам бирорта ишхонада узоқ ишлай олмайман. Энди бунинг сабабини айтадиган бўлсам, бирорта бошлиқ қадримга етмаган! Яна ҳам очиқ айтадиган бўлсам, истъедодли кишилар андак дангаса ёки инжиқ бўлишади. Собиқ бошлиқларим менинг шу "хислат"ларимни ҳазм қила олишмасди. Оқибатда...

Бир қолипга тушиб қолган ҳаётимни бирданига бир юз саксон градусга ўзгартириб юборган можаро айнаи кўжлам кунларининг бирида, эрталаб хотиним Саодат тепамда турганча:

— Даврон ака! Туринг, соат тўққиздан ўтди. Кун ёйилиб кетди, қачон ишга борасиз?! — дея айюҳаннос солган дақиқадан бошланди, десам ҳам бўлади.

— Намунча қичқирасан, гаранг эмасман-ку! — дея тўнғилладим, аммо ўрнимдан турмасдан ётавердим ўшанда.

— Қичқирмаса, сизга таъсир қилмайди-да, — деди Саодат шу заҳоти автоматдай патирлаб.

Индамадим.

— Турмайсизми? — деди хотиним яна ўз ҳолимга қўймасдан.

— Йўқ! — дедим ва бошимни адёл билан ўраб олдим.

— Нега?! Бирор ерингиз огрияптими?

— Йўқ.

— Э, одамни хит қилиб юбордингиз-ку! Гапиринг бундоқ!

— Ишдан бўшадим. Энди уйда маза қилиб дам оламан. Шу баҳонада илмий ишимни ёзиб тутатаман...

— Нима? Нима дедингиз? — Саодатнинг овози ўзгарди.

— Ишдан бўшадим!.. Ишдан бўшадим!.. Ишдан бўшадим! Яна такрорлайми?

— Ҳазиллашманг.

— Ҳазиллашаётганим йўқ.

— Нега бўшадингиз, ахир яқинда киргандингиз-ку ишга?! — деди Саодат йиғламоқдан бери бўлиб.

— Шунақа бўлиб қолди-да, — дедим ўрнимдан туриб каравотда оёғимни осилтириб ўтирганча.

— Хурсандмисиз, нима бало?

— Йиғлайми? Илмий текшириш институти, деган ишхона куйинишга арзимаиди. На гули...

Шунда хотиним юзимга тикилиб турганча:

— Юзсиз! — деб юборса бўладими?

— Нималар деяпсан? Ким юзсиз? — дедим кекирдагимни чўзиб.

— Сиз юзсиз! — деди хотиним ҳам тап тортмай.

— Оғзингга қараб гапир!

— Ўтган сафар нима деб ваъда берувдингиз?

— Нима дегандим? Эсингда бўлса ўзинг айтақол.

— Энди бир ерда қўним топиб ишлайман, деб ваъда берувдингиз-ку!

— Хўп, ваъдани бажармабман, нима бўпти шунга?

Ишдан бўшаган мен, сен нега жиғибийрон бўласан?

— Қизиқ экансиз-ку, — деди Саодат ҳайрон бўлгандек юзимга қараб. — Сиз ишламасангиз, ҳолимиз не кечади?

— Бир кунимиз ўтар.

— Бир товуққа ҳам дон-сув керак. Биз битта эмас, икки кишимиз-ку!

— Ҳар қалай, жўжаларимиз йўқ. Бир амаллаб кунимизни... — дейишимни биламан, Саодат ув тортганча йиғлаб хонадан чиқиб кетди.

Тилимдан илиниб қолганимни сал ўтиб пайқадим. Биз бефарзанд эдик. Турмуш курганимизга етти йил бўляпти. Ҳамон чақалоқ йиғисига зормиз. Икки-учта мутахассис кўригидан ўтдик, мен соғлом эканман, Саодатнинг эса... бачадони "детский матка" эканми-ей... Аммо Саодатнинг ўзига бу ҳақда айтмасликка келишгандик дўхтир билан. "Хотиним суриштираверса айбни менга юклаб қўяверинг", дегандим мутахассис дўхтирга. Шунинг учун ҳам Саодат бу дунёдан икки қўлимиз бир тепа бўлиб ўтаётганимиз сабабини мендан кўради. Икки марта ота-онасининг уйига кетиб ҳам қолди. Нега бўларди? Аразлаб-да. "Кўнимсизлигим" ёнига "айбдорлигим" ҳам қўшилганидан кейин хотинимнинг муносабати ўзгариб қолганди. Уч-тўрт кун ўтгандан кейин яна уйга қайтиб келди ўзи. Ота-онаси қизларини инсофга чақиргандир-да. Мен умуман ҳеч нима деганим йўқ. "Нега кетдинг? Нега келдинг?" демадим ҳатто. Мендан кўра, хотинимга қийин эканлигини билардим, шу боис ҳам у менга зуғум қилса ҳам, мен унга зулм қилмасдим. Ҳамма-ҳаммасини ичимга ютиб яшардим. Ҳар қанақанги жанжални икки соатга қолмай унутардим.

Бироқ ўша кунги можаро юрагимга қаттиқ тегди. Хотинимни бунчаликка боради, деб ўйламагандим. Йўқ, йўқ, "Юзсиз!" деганини назарда тутмаяпман. Бунга ўхшаш, шунга яқинроқ сўзларни кун-кунора эшитавериб, ош-нонимга айланиб қолганди-да. Бошқа гапини айтмоқчийдим.

Ўшанда Саодат хонадан йиғлаб чиқиб кетганидан кейин ўрнимдан туриб ортидан бордим. Саодат айвончада турган экан.

— Чой қўйдингми? — деб сўрадим ундан ўртамизда ҳеч нима бўлмагандай.

Саодат чурқ этмади. Орқа ўтирганча қилт этмасдан тураверди.

— Тушунмаяпман, нега ўз-ўзидан тўнингни тескари кийиб олдинг?

Шунда Саодат шахт билан мен томонга ўтирилди.

— Тушунмаяпсизми? — деб сўради кейин аллақандай тушуниксиз оҳангда.

— Ҳа, тушунмаяпман.

— Тушунмасангиз тушуниб олинг, етар шунча сабр қилганим, инсоф қилганим...

— Кимга инсоф қилганинг? — гапини бўлдим унинг.

— Сизга-да! Сиздан фарзанд кўра олмаслигини била туриб, сиз билан яшаётганимнинг ўзи инсоф қилганим эмасми?! Бой-бадавлат бўлсангиз ҳам майли эди! Тилларим билан ўзимни овутирардим...

— Шунақа дегин...

— Шунақа! Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлганида, хотинимдан айрилиб қолмай деб ўзини ўтга-чўққа урарди. Сиз бўлсангиз ўзингиздан бошқани ўйламайсиз!

Саодат шундай деди-да, силтанганча аввал ошхонага, ундан меҳмонхонага ўтди. Меҳмонхонада бир неча дақиқа гивирлаб юрди. Бир маҳал қарасам, кўча эшик олдида турибди.

— Ҳа, йўл бўлсин? — дедим ёлғизликни ҳис этган юрагим гаш тортганини сездирмасдан.

— Кетяпман.

— Қачон келасан?

— Бойиб кетсангиз, ўйлаб кўрарман!

Эшик тарақлаб ёпилди. Бошқалар назарида қатлақдай, аммо менга аввал-охир ҳайҳотдай хувиллаб ётган бир хонали квартирада ёлғиз қолдим.

* * *

Орадан бир, икки, уч ҳафта ўтди ҳамки, Саодат қайтиб келмади. Одатда, ота-онасининг уйига қиладиган "командировка"лари бунчалик чўзилмасди. Бу сафар қаттиқ олибди-ёв, деб қўярдим ичимда.

Сиртдан қараганда дангаса, ичимдан топ, мағрур



қўринсам-да, аслида анча кўнгли бўш одам эдим. Саодатга севиб уйланмаганим, бунинг устига, бефарзандлик ва йўқчилик туфайли юз берган келишмовчиликлар сабаб кўнглим совий бошлаган бўлса-да, унга раҳиман келганидан тишимни тишимга босиб яшаётганим. Лекин буни нима учундир Саодат тушунмасди; ҳис қилмасди чоғи. Акс ҳолда ўзига бу қадар бино қўймасди.

Ёлғизлик жонимдан ўтиб, кўнларнинг бирида Саодатни йўқлаб бордим. Афсуски, у мен билан гаплашишни истамасди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан яна Саодатни йўқладим. Мен унга ўрганиб қолганим-да, ахир. Бу сафар у мен билан кўришди. Аммо авзойидан ҳали ҳам димоғи баланглиги кўриниб турарди.

— Нега ҳалеб келаверасиз? — деди у қовоғини очмасдан ўшанда.

— Уйга бормайсанми?

— Йўқ!

— Шу аҳволда... яшайверамизми?

— Ҳозирча шундай... кейин билмадим... Сиз шу аҳволда юраверсангиз, уйга ум-муман қайтмаслигим ҳам мумкин!

— Бойиб кетсам қайтасанми? — киноомуз оҳангда сўрадим.

— Ҳа! — деди Саодат шартга ва ортига бурилди-ю, ичкарига кириб кетди.

Дарди-дунём зимистон бўлиб бир соатча кўча айланиб юрдим. Кейин кўнглимни ёзиш мақсадида йўл четидаги қаҳвахоналардан бирига кирдим. Пештахта ортида биров арпасини хом ўргандай, хўмрайиб ўтирган йигитдан бир шиша пиво билан стакан олиб ўртадаги столлардан бирига келиб ўтирдим. Бир неча кундан буён ейиш-ичишнинг мазаси йўқлигиданми, тинка-мадорим куриб борарди. Кун иссиқ, ҳаво дим эди, лекин мен худди совуқда қолгандек, ич-ичимдан қалтирардим. Шоша-пиша икки стакан пивони ичиб юбордим.

Бошқаларда қандай, билмадим, аммо мен қорним ҳаддан ташқари оч бўлган вақтда бир-икки стакан пиво ичиб олсам, қорним қовзонгандай бўлади. Ўша куни ҳам пивонинг кучи билан сал-пал ўзимга келиб олганимдан кейин ён-веримга қараб қаҳвахонага кирган-чиққанларни кузатиб ўтирдим, бирдан таниш қиёфага кўзим тушиб қолди.

— Сафарали?!

— Даврон!

Икки йигит ҳамроҳлигида кириб келган норғул, қисик кўзлари йилтираб турган, тепакал киши — курсдошим Сафарали эди.

Кучоқлашиб қўришдик.

— Ҳечам ўзгармабсан, — деди Сафарали менинг столим ёнига стул қўйиб ўтираркан.

— Сен ҳам.

— Қаёқда? Қара, кал бўлиб қолдим. Қариягиз, ошна. Сенинг сочинг тўкилмоқ тугул, битта оқ ҳам тушмабди-я! Ҳаётингдан розимисан, дейман?

— Жудаям, — дедим кинояли оҳангда.

— Қаерда ишлаяпсан ўзи?

— Ҳеч қаерда!

— Ие...

— Ҳа, шунақа. Ке, иш тўғрисида гаплашмайлик, ҳеч бўлмаса шу бутун, — дедим зорлангандай бўлиб.

— Ҳа, намунча?

— Э!

— Бугун гаплашмасак, қачон гаплашамиз?

— Дарвоқе, сен қишлоққа қайтишинг керак-а?

— Йўғ-е. Менам алақачон шаҳарлик бўлиб олганман. Хотин, бола-чақа, ҳаммамиз шу ердамиз.

— Битта шаҳарда яшаб наҳотки кўришмаган бўлсак?

— Насиб қилмаган-да. Хўш, ишларинг яхшими? Алақачон академик бўлмасаям, фан доктори бўлиб олгандирсан? — ҳавас билан боқиб сўради Сафарали.

— Осмондан олдингми бу гапни?

— Билиминг бор эди-да сен боланинг!

— Фақат билим билан иш битмас экан, — дедим ерга қараб.

Кези келганда шуни айтиб қўйсам, менинг ғоятда истеъдодли эканлигимни курсдошларим ҳам тан олишган, ҳали институтни битирмасимдан туриб улар мени тирик даҳога чиқариб қўйишганди. Орадан ўн беш йил ўтиб мени ҳозирги аҳволда — ғариб, омадсиз, забун бир кимса қиёфасида кўриш ўша вақтда уларнинг ҳеч бирининг хаёлига келмаган бўлса керак.

— Тушундим, тушундим, — деди Сафарали гапим оҳангиданми ёки руҳиятимдаги тушкунликданми алланималарни фаҳмлагандай бўлиб. — Қани, олдик бўлмаса.

Шу куни Сафарали билан саккиз шиша пиво ичибмиз. Менга унчалик таъсир қилмади, лекин Сафаралининг бироз кайфи ошиб қолди.

— Икки йилдан буён ишсизман, — дея нолишга тушиб кетди у кайфи ошганидан кейин. — Тайинли иш тополмайман. Бекорчиликдан кўчада сандироқлаб юриб вақтни ўтказаман. Яхшиям хотиним ишлайди. Тагин де, икки жойда ишлайди! Биттасининг ойлигини рўзборга ишлатсак, иккинчисининг пулини "тўла-тўлов"ларга сарфлаймиз. Бечора хотиним жуда камсуқум аёл. Ишлаётганини сираям пеш қилмайди. Иккинчи ўғлимиз бир ёшга тўлар-тўлмас ишга чиқиб кетганди...

Сафарали гапиряпти-ю, менинг юрагим зирқ-зирқ қиларди. Ишқилиб, мендан: "Болаларинг нечта?" деб сўраб қолмасин-да.

— Аммо-лекин, — Сафарали ҳамон хотини ҳақида тўлқинланиб сўзларди. — Хотиним маладес, жаннати аёл...

— Жанжаллашиб ҳам турасизларми? — савол бериб унинг гапини бўлдим.

— Бўп туради. Лекин кам, ахён-ахёнда. Нега деганда, хотиним икки жойда ишлаганидан кейин уйда ҳам жуда кам бўлади-да. Бирдан келиб, иккинчисига югуради.

Мен беихтиёр кулиб юбордим.

Сафарали ажабланганча қараб қўйди. Лекин кулишим сабабини сўраганида, мен унга шундай демоқчийдим: "Хотининг битта ишхонадан келиб, иккинчисига кетса, кўпайиш учун қандай қилиб вақт топдиларинг?"

— Менам тоза ўлик эмасман, — деди Сафарали бир маҳал. — Ойликка қараб косам оқармаслигига кўзим етди. Шунинг учун ўзимни савдода синаб кўрмоқчиман.

— Сен-а?

— Ҳа, нима, ишонмаяпсанми?

— Эплашинг қийин-ов. Биринчидан, савдо учун катта пул керак. Айлангириш учун-да. Иккинчидан, "мол"ни биринчи қўлдан олмасанг, қимматга тушасан...

Шундай дея билганимча ақл ўргата бошлашим билан Сафарали қиқир-қиқир кула бошлади. Кайф таъсириданми ёки қулги зўриданми, икки юзи, пешонаси қип-қизариб кетганди.

— Ҳа, нега куласан, ошна? — дедим охири.

— Савдога ўтяпман, дейишим билан ҳамма менга ақл ўргата бошлайди-да, тавба.

— Рости ҳам шу-да, — дедим ўнғайсизланиб. —

Сенинг савдода юришингни тасаввур қилолмаяпман. Ҳар қалай, олий маълумотли, зиёли одамсан.

Сафарали қиқирлашни бас қилди, лекин бир неча дақиқа менга кулимсираганча қараб турди-да, сўнг жиддий тортди.

— Савдо менинг ишим эмас, — деди у кейин. — Буни ўзим ҳам яхши биламан. Лекин тирикчилик... Шу ишни қилишга мажбурман. Эшитяпсанми, мажбурман! Сен "мажбурман" деган сўзнинг маъносини тушунасанми ўзи?

Оғир-вазмин Сафаралининг бирдан қизишиб кетишини сира ҳам кутмаганим. Хафа қилиб қўйдим, деган хавотирдан юрагим увушди.

— Баъзида ўйлаб қоламан, — дея гапида давом этди Сафарали. — Хотиним бунчалик хокисор, эпли-шудли бўлмаганида омад менга ҳам кулиб боқармиди? Хотин кишининг қўлига қараб, муте бўлиб ўт, деган қарғиш олганманми, нима бало, деган ўйларга ҳам бораман гоҳида. Бундай яшаш осон эмас-да, жўра. Буни бошдан ўтказган одам тушунади. Шунинг учун ҳам алам устида таваккал қиляпман.

— Савдо масаласида барибир эҳтиёт бўлиш керак.

— Бу ёғини пишитиб кўйганман.

— Қандай қилиб?

— Мен латта-путта билан шуғулланмоқчи эмасман.

Бу хотинларнинг иши!

— Наркобизнес билан шуғулланақол, — кулимсираганча лўқма ташладим.

— Россияга қатнайман. У ерда зелен яхши кетаркан.

— Россия сенга кучоғини очиб турмагандир?

— Бир проводник танишим бор. Тошкент-Москва поездда ишлайди. Ўша билан келишиб кўйганман. Фақат... Сафарали жим бўлиб қолди.

— Нима фақат? — дедим ундан ҳадеганда садо чиқавермагандан кейин.

— Пул масаласида бироз қийналиб турибман.

— Ҳа, шунақа-да, камбағалнинг ови юрса, дови юрмайди.

— Ўзингнинг ишларинг ҳақида нега гапирмайсан?

— деди Сафарали.

— Ўзинг сўрадингми?

— Мен ўйловдимки, сен аллақачон... Лекин бугун аҳволингни кўриб...

— Камбағалнинг ови юрса, дови юрмайди, деган мақол менга ҳам тегишли, — дедим ва шундан кейин ҳаётим ҳақида Сафаралига қисқача гапириб бердим.

— Бўйдоқман ҳозир, дегин. Чатоқ бўпти-да, ошна, — деди Сафарали бирдан ваҳимага тушиб, гўё ўзи "бўйдоқ" бўлиб қолгандай.

— Тақдир-да. Қисматдан қочиб кутулиб бўлмайди, дейишади-ку. Ҳа, майли, бир гап бўлар. Яна пиво ичамизми?

— Йўқ, кейин, лекин сенга қийин бўпти, ошна. Агар хоҳласанг, ҳозироқ хотининг билан яраштириб кўйишга уриниб кўраман, — деди Сафарали ҳамон ҳаяжонини боса олмай.

— Овора бўлма. Бир гап бўлар дедим-ку.

— Эркак кишига ёлғиз яшаш осон эмас-да, ошна. Ё хотининг билан бутунлай орани очиқ қилганмисан? Ростини айтавер.

— Ростини айтдим-ку. Орани очиқ қилганимиз йўқ. Мен қачон бойиб кетсам қайтиб келаркан.

— Ўзи шундай дедими? — ишонқирамасдан сўради Сафарали мен томонга энгашиб.

— Ўзи шундай деди.

— Яхши хотин эмаскан хотининг, — деди Сафарали шунда томдан тараша тушгандай. — Хафа бўлмагин-у, яхши хотин эмас экан.

— Бори-да, — дедим тезроқ бу мавзуда гапиришни бас қилишга шошилиб.

Сафарали эса сира бас қила қолмасди.

— Яхши хотин ҳар қандай шароитда ҳам бундай демаган бўларди.

Юрагим тарс ёрилгудек бўлиб Сафаралига қарадим. У бўлса...

— Менинг яхшигина қайинсинглим бор. Ҳали эрга чиқмаган. Ёши сал ўтиб қолган-да. Аммо ўзи зўр қиз! Хўп десанг, хотиним билан гаплашиб ўшани сенга тўғрилардик.

— Сафар, ошна, — дедим ялингудек бўлиб. — Ҳозир уйланмоқчи эмасман. Аввал бирор ерда қўним топиб ишлашни, пул топишни ўрганай. Кейин бир гап бўлар. Агар билсанг, ўзим ҳам учига чиққан жиззакиман. Унча-мунча аёл менга бас келиши, феълимга кўникиши қийин.

— Ундай бўлса, менга шерик бўл. Икковлашиб савдо қиламиз. Ҳам юрт кезамиз, ҳам тижорат қиламиз, — деди Сафарали бир дақиқа ҳам ўйланмасдан.

"Оббо, Сафарали-ей, — дедим ичимда. — Ҳалиям ўша-ўша, содда, дўлвор, ишонувчанлиги қолмабди. Унинг ўрнида мен бўлганимда энг яқин дўстимни ҳам ҳеч иккиланмасдан шерикликка таклиф қила олмасдим. Ахир ўртада пул масаласи асосий рол ўйнапти!"

— Нима дейсан, Даврон, а? — Сафарали ияк қоқди.

— Билмадим... — дедим ўйчан оҳангда. — Борига қаноат қилганимиз дурустмиди? Ахир айтишади-ку, керагидан ортиқ нарсага интилиш — муҳтожлик кетидан қувиш демакдир, деб.

— Хотининг нима учун кетиб қолди унда? — деди Сафарали ўжарлик билан.

— Қаноат қилишни билмади-да... Борига қанчалик қаноат қилсак, муҳтожлик шунчалик камроқ таҳлика солади.

Сафарали қалин лабларини қимтиганча менга қаттиқ тикилиб қолди.

Мен унинг нигоҳларидаги маънони уқа олганимдан жим турмаслик учун яна сафсата сўқа бошладим.

— Бизда ортиқча нарсалар, ортиқча ташвишлар кўп. Одам ортиқча нарсалардан воз кечган тақдирдагина муҳтожликдан халос бўлади.

Сафаралининг пинак бузмай тикилиб туриши гашимга тегди, охири:

— Ҳа, нега тикилиб қолдинг? — деб юбордим.

— Хотининг бекорга ташлаб кетмаган экан, ошна.

Ростини айтганим учун мендан хафа бўлма. Феълимни биласан-ку.

Миямга қон тешиб, бошим қизий бошлади. Одатда, биров билан жанжаллашишдан аввал менда шундай ҳол юз беради. Бундай кезларда тилим эшилиб гапга чечан бўлиб қолардим. Лекин ҳозир бошим қизий бошлагани билан тилим карахт бўлиб қолган, ўзимни гилдираклар остида қолган бақадай ҳис этардим. Сафаралининг сўзлари юрагимга наштадай санчилганди-да.

— Ҳа, нега нафасинг чиқмай қолди? — деди Сафарали жим турмасдан. — Хафа бўлдингми, дейман-да.

— Ўлибманми... — дедим зўрға ўзимни босиб, ҳар бир ҳарфни тишларим орасидан чиқаргандай.

— Хафа бўлсанг ҳам майли, бўлавер, лекин сен ҳадеб ўзингнинг гапингни маъқуллатавермасдан, бошқа бир ҳақиқатни ҳам билиб қўй: бора-бора меъдага тегмайдиган, жон-жонингдан ўтмайдиган қаноатнинг ўзи йўқ! Билдингми?!

Иккаламиз ҳам жимиб қолдик. Қаҳвахонада одам гавжумлашган, гала-говур авжига чиққанди. Эшик ҳар гал очилиб-ёпилганда ташқаридан садарайхоннинг ўткир ҳиди қоришган салқин ҳаво ичкарига ёпирилди.

— Кетамизми? — деб қолди бир маҳал Сафарали. Унинг юзи, пешонасидаги қизил доғлар йўқолган, демак, кайфи тарқаган, шекилли.

— Бизнесга ўтсак, ишларимиз юришиб кетади, деб ўйлайсанми? — дедим унинг саволини эшитмасликка олиб.

Гап оҳангимдан фикрим ўзгарганини сезган Сафарали:

— Ўйламайман, ишонаман! — деди бирдан жонланиб. Кейин ўзгача оҳангда қўшиб қўйди: — Юрамизми чоригимизни сураб?

— Менда бироз пул бор. Лекин аввал ўзимизнинг бозорда айлантириб кўрмаймизми?

— Йўқ. Фақат Россия, Россия!

Бирдан тўлқинланиб кетган Сафарали шундай гапларни гапирдики, оқибат-натигада кўз олдимда икки юзи тип-тиниқ, мовий кўзли қувноқ кишилар юрти жонланди; бу юрда юзлаб йиллар давомида бойликлар



жамланган, олтин-кумушга бой, шунинг учун у ерда арзончилик, савдо-сотик гуркираган; ўрмонлари шу қадар ҳад-ҳудудсизки, бутун жаҳон хазинаси тўпланса ҳам "юқ" бўлмайди; одамлари ўзимизга ўхшамаган, асаларидек тинмай заҳмат чекиб, бол йиғади!

— Бўпти, қачон иш бошлаймиз? — деб сўрадим Сафаралидан ниҳоятда орзуга берилиб кетганимдан.

— Пул масаласи... — дея чайналди Сафарали.

— Эртага боримни кўлингга бераман. Бошқа ишлар билан ўзинг шуғулланасан. Бир-икки марта сенинг ёнингда бориб келсам, кейин кўзим пишиб қолар.

— Албатта. Мана кўрасан, ҳадемай иккаламиз ҳам энг бадавлат одамларга айланамиз, — деди Сафарали оғзининг таноби қочиб. — Ана ўшанда хотинимга: "Пайпоғимни ювиб бер", деб бемалол айта оламан!

— Мен эса, яхшиси, хизматкор ёлламан.

Кайфиятимиз кўтарилиб, иккаламиз ҳам кулиб юбордик.

* * *

Сафарали ишчан, ҳаракатчан йигит эди. Қаҳвахонадаги учрашувимизнинг эртаси кuni кўлига пулларимни тутқазимши билан ишга киришди.

— Сен бемалол юравер, ҳаммаси тахт бўлгач, ўзим кўнғироқ қиламан, — деди у ўша кuni.

Шундай қилиб, ҳаётимда янги бурилиш юз берди. Беш дақиқаси кам фан номзоди бўлган одам тақдир тақозосига кўра ишбилармонлик йўлига ўтди. "Ҳа, майли, аввал моддий томондан ўзини ўнглаб олай, — аслида ҳаммаси шунга боғлиқ-ку, — кейин илмий ишимни яқунлайман". — дея ўзимга ўзим таскин бердим.

Кўп ўтмасдан, кўклам охирларида: "Қайдасан, Россия?!" дея йўлга тушдик.

Биринчи "ход" унчалик ёмон бўлмади. Ҳар қалай, қилган харажатамиз ўз-ўзини қоплади. Бегона шаҳарга биринчи марта келишимизга қарамасдан кўп овора бўлмадик. Нега деганда, Сафарали проводник таниши Баҳодир билан ишни пухта қилган экан. Биз олиб борган дастлабки тўрт сумка "мол"имиз — кўкларимизни улгуржи бозорлардан биридаги олиб сотарлардан бўлган хўппа семиз аёлга кўтарасига бериб келавердик. Баҳодирнинг айтишича, ҳозирча шундай қилганимиз дуруст.

— Кейинроқ савдонинг паст-баландини билиб олганларингиздан кейин бирингиз бозорда ўтириб сотадиغان бўлиб оласиз, иккинчигиз мол билан таъминловчи бўласиз, — деди у бизга сабоқ бериб.

Баҳодир нима деса, биз рози эдик. Сабаби, Баҳодир бизга қараганда, ҳар қалай, юрт кўрган, бозор кўрган йигит. Нима қилиш кераклигини яхши билади.

— Ҳозирча фақат Люся хола билан ишланг, — деб ўргатарди у яна. — Бошқалар алдаши мумкин. Люся хола, ҳар қалай, ўзимизнинг одам. Уруш вақтларида Тошкентда яшаган. Тилимизни сув қилиб ичиб юборган. Тошкентни жуда яхши кўради.

— Баҳодир, — дея унинг гапини бўлади Сафарали. — Кейинги сафар қайтишда дори-пори олиб кетсакми, дегандим. Нима дейсан?

— Дорига шошилманг. Дорини таможнийдан ўтказиб бера олмайман, очиги.

— Ўтган сафарги ўйинчоқларимизнинг кетиши қийин бўлди-да. Суриштирсам, дори яхши кетаркан.

— Дуч келган ўйинчоқни олаверманглар. Бизникилар ўттиз беш-қирқ минг сўмлик айиқчани ҳеч қачон болаларига овермайдилар. Яхшиси, Хитой бозорига боринглар.

— Хитой бозори борми бу ерда? — ҳайрон бўлиб сўрайди Сафарали.

— Хитойликларни ҳамма ерда учратиш мумкин. Ҳа, яна бир гап, бу ерда, иложи бўлса пул майдаламаганингиз маъқул. Алдов кўп. Тушиб қоласизлар.

Баҳодирнинг оғзидан чиққан ҳар бир сўзни биз қулоғимизга қуйиб олишга ҳаракат қилардик. Иккита олий маълумотли зиёли шу тахлит ёшгина проводник йигитдан сабоқ олардик. Албатта, уни ҳам қуруқ қўймасдик. Баҳодирни рози қилишни Сафарали бўйнига олгани учун мен аралашмасдим. Мен бошида умуман ҳеч нарсага аралашмадим ҳисоб. Сиртдан қараганда, мен кузатувчига ўхшардим кўпроқ. Асосий иш билан Сафарали шуғулланарди. Бир мавсумнинг ўзида икки-уч марта қатнаган бўлсак-да, очиги, савдо-сотикнинг сир-асорини унчалик англаб ололганим йўқ эди. Шунинг учун ҳам олди-берди чоғида ўзимни четга тортардим. Қолаверса, бу ерларнинг ҳавосига ўргана олмаётганимдан ҳам шаштим пастроқ эди. Менинг миждозим ўзимизнинг жазирама офтобимизни қўмарди. Ёзми, ёзлигини қилсин-да. Бу ерда-чи? Эрталаб қуёш чарақлаб турган бўлса, чошгоҳга бормасдан осмонни қоп-қора, зил-замбил булутлар тўдаси қоплайди-ю, бирдан шаррос ёмғир қуйиб юборди! Аммо бепоён ўрмонларга гап йўқ! Учи осмон бағрига санчилгудек бўлиб турган қайинларга таъриф йўқ. Қани энди вақт ҳамалол бўлса, чўнтак тўла бўлса-ю, бирорта ҳам ҳамроҳ олмасдан ёлғиз ўзинг ўрмон ичига кириб кетсанг. Оқ қайинларнинг силлиқ, оппоқ танасига юзингни боссанг, шовуллаётган япроқлар шивирига кулоқ тутсанг!..

Сафаралининг руҳиятига об-ҳаво таъсир қилмасди. У ҳар доимгидай бақувват ва ишчан кайфиятда юрарди. Ҳамма ишни бир ўзи бажараётган бўлса-да, менга таъна қилмасди. Кирим-чиқим, ҳисоб-китоб қилишдан аввал эса мени албатта ёнига чақирарди.

— Манави ерга ўтир, ошна. Би-ир ҳисоб-китоб қилиб олайлик энди. Ҳисобли дўст айрилмас, деганлар, — дерди у ҳар гал ўзига хос, лўппи юзига ярашадиган табассум билан.

Институтда беш йил бир гуруҳда ўқиганимиз билан уни ҳозиргидек яқиндан билмаган эканман. Сафарали ҳалол одам эди.

— Сал ўзимизни ўнглаб олайлик, бирор кун энг яхши ресторанга кириб би-ир маза қиламиз, — дерди у бозор расталари оралаб юрганимизда.

Мен бош силкиб кўя қоламан. Хитой бозорини қидириб топганимиздан кейин ўша ерга танда қўйиб олдик. Бу бозордан олинган моллар арзонлиги туфайли яхши кетарди. Сифати?.. Сифатига кафолат беролмайман. Бир мавсумни "алдаса" ҳам ҳарна-да. Бозор ҳақидами? Ҳа, ҳозир чекиб олай. Хў-ўш, бозор ҳамма ерда ҳам бозор-да. Бозор — ҳалол ва ҳаром, эгрилик ва тўғрилиқ, ўғрилиқ ва фарлик аралашиб-қориниб кетган издиҳом дейимизми? Билмадим... Бозор деб аталмиш масканга бундан ортиқ сифат бера олмасам керак. Гап келганда шунини айтиб қўяй, Москва — менинг тасаввуримдаги, черков кўнғироқларининг жаранги остида мудраб ётган шаҳарга сира-сира ўхшамасди! Мақсадимиз пул ишлаш бўлса-да, дўстим Сафарали айтганидай, ҳам тижорат, ҳам саёҳат қабилида ора-чора вақтимиз тигизлигига қарамай, ён-веримизга назар ташлашга улгурардик.

Чалғиб кетдимми? Дарвоқе, бозорда юргандик-а? Сафарали мол танлайди, савдолашади, талашади-тортишади, мен бўлсам ғамгин япалоққушлардай, пештахта ортида ўтирган сотувчиларнинг юз-кўзларига разм соламан.

Сотувчилар психологиясига оид бир гап: одатда, улар эрталаб бозорга келиб тушган чоғларидан то чошгоҳга довуруқ ишчан кайфиятда бўлишади. Кейин аста-секин ҳаракатлари сустлашади, кайфиятлари ҳам қон босимидек "ўйнаб" туради. Тушликдан кейин тезроқ мол-ҳолини йиғиб, уйига жўнаб қолиш пайида бўлишади. Гўё бу ерга охирги марта келишидай... Гўё бу ерга энди бошқа келмайдиғандай кетишга ошиқадилар. "Эртага эрталаб яна шу ерга қайтиб келасан-ку. Намунча, шошилмасанг?"



— дейман хаёлан Сафаралининг ёнида бозор айланарканман хит бўлиб ўтирган сотувчиларнинг юз-кўзларига қараб. — Бир кун қўналганга вақтлороқ борганинга шохинг чиқармиди?!" Аммо барибир уларга раҳмим келади. Тирикчилик ташвиши шўрлик одамзодни кўпгина лаззатлардан бебаҳра қолдирди. Мабоодо анови хотинда ошқозон ташвиши бўлмаганида ҳозир уйда ўтириб маза қилиб телевизор кўраётган бўлармиди? Ёки боласини етаклаб кўча айланармиди?

Сафарали савдо қилади, мен эса ўзимнинг ҳавойи ўйларим билан андармон бўлардим.

— Бу ёғи энди сизнинг ҳукмингизга ҳавола, — дерди Сафарали савдо қилиб оладиганини олиб бўлганидан кейин "мол" тўла қопни мен томон суриб кўяркан. — Истансагаҳа ўзинг кўтариб борасан!

Биз жадвал бўйича, Тошкент-Москва поездининг келишини мўлжаллаб станцияга келардик. Оққўнғил йигит Баҳодир ёрдамида юкларимизни хавф-хатардан холироқ вагонга олиб чиқардик. Баҳодир молларимизни ҳар доим провониклар купесига жойларди. Бошқа купеларга қараганда анча тинч, нега деганда, йўлдаги текширувчилар провоникларни кўпда безовта қилишмайди. Лекин Худо кўрсатмасин, йўлтўсар қароқчиларга дуч келинса борми, ҳўду қуруқ баравар ёнади. Қароқчилар энг аввал провониклар купесига ёнариб киришади одатда. "Нозик" моллар кўпинча провониклар "назоратида" бўлишини билишади-да, аблаҳлар. Биз бир неча марта хавфли текширувларга йўлиққан бўлсак-да, йўлтўсар қароқчиларга ҳали рўбарў келмагандик. Илоҳим, қароқчиларнинг юзини тескари қилсин, деб юрардик. Қанақа қароқчилар ҳақида гапиряпсиз, деяпсизми? Шу... нима десам экан? Эшитмаганмисиз бундай одамлар ҳақида? Ҳа, ҳа, бўлди, тушундим. Россия чегарасидан ўтганингиздан кейин — бу ёққа қараб келишни назарда тутаяпман, — чеки-чегараси йўқ бепоён чўл-сахро бошланади. На бир дарахт, на бир гиёҳ ўсадиган қақроқ сахро... Қишда қор қалин ёққанидан юриб бўлмайди. Ёзда жазирама иссиғига чидаш қийин. Поезд худди ўша саҳрони қоқ иккига бўлиб ўтган темир йўлдан шиддат билан елдек учиб кетаётганда қўққисдан қаттиқ чийилган овоз чиқариб тўхтади. Бемалол кетаётган йўловчилар мувозанатини йўқотиб, ўзларини бошқара олмай қолишади. Кимдир йиқилган, кимдир тепадаги ўриндиқдан юмалаб тушган... Ҳуллас, безовталик, тало-тўп бўлиб турган чоғда бирдан аллақандай ниқобли кишилар вагонларга бостириб киришади ва кўз остига олинган молларни олиб тушиб кетишади.

Қароқчилар дуч келган вагонга бостириб киришмайди. Нега деганда, йўловчиларнинг ҳаммаси катта сармоёга эга бизнесмен эмас-ку. Биз қатнайдиغان поезд оддий плацкарта вагонлардан иборат, бундай уловга одатда ишчи-хизматчилар, майда савдогарлар, умуман айтганда, маошга кўни қолган ўртақол кишилар чиқишади. Билет арзон-да. Бир амаллаб манзилга етиб олишса бўлди. Бойваччаларга ўхшаб ўзини ҳурмат қилмайди, жонини авайламайди бу одамлар. Бизга ўхшаган "челнок"ларнинг араваси-да бу поезд. Йўлтўсар қароқчилар ҳам айнан мана шундай "челнок"ларни чув тушириш учун поездларга ҳужум қилишади.

Баҳодирнинг айтишича, поезддаги провониклар орасида уларнинг ўз одами бўлармиш. Ўша "одам" қароқчиларга вагондаги йўловчилар ҳақида маълумот бериб туради ва керакли манзилга етганда "стоп кран"ни шартга босади. "Стой кран" қўққисдан босилганда поезд шунақа чинқириб тўхтайдик, асти қўяверасиз. Шошиб қолган машинист то ўзини ўнглаб, стоп кранни қайта жойига келтириб, поездни ўрнидан жилдиргунча қароқчилар ишларини битгириб жуфтакни ростлаб қолишади! Йўл азоби — гўр азоби деганлари шу-да.

Биз Баҳодирнинг қаноти остида бўлганимиз учун ҳам кўпгина чиғириқларга дучор бўлмасдик. Баланд

бўйли, силлиқ сочлари қоп-қора, оқиш юзи чўзинчоқ, катта-катта қўй кўзлари кулиб турувчи бу йигитни мен ҳурмат қилардим. Биз учун текинга ишлаётгани йўғ-у, гап пулда ҳам эмас, мен уни самимийлиги, очиқ кўнгиллиги учун ҳурмат қилардим. "Бу йигитдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди", деб ўйлардим.

Бу ҳақда Сафаралига гапириб:

— Баҳодирни кўлдан чиқармаслигимиз керак. Ҳизмат ҳақини кам қилмасдан бергин, шунда биздан кўнгли қолмайди, — деб тайинлаб қўйгандим ҳатто.

Кўнларнинг бирида, навбатдаги сафардан қайтар чоғимизда Баҳодир купега кириб:

— Акалар, бугун купени ўзимизга берасизлар, — деб қолди.

— Ие! Нима, биз томда ухлаймизми? — ҳайрон бўлди Сафарали кўзини катта-катта очиб.

— Сизларга жой топиб қўйганман. Бу ёққа юринглар.

— Нарсаларимизниям олайликми бўлмаса? — деди Сафарали норози оҳангда.

— Йўғ-е, нарсалар тураверсин, — деди Баҳодир кулимсираб. Кулгиси хижолатли эди. Бизни безовта қилаётганидан бола бечора хижолат тортибди-ёв.

"Молтопар" костюмларимизни елкамизга ташлаганча иккаламиз ҳам йўлакка чиқдик. Баҳодир сал нарида турарди.

— Келмайсизларми? — деди у имлаб.

Шу вақт йўлакнинг нариги бошидан бир йигит ва иккита қиз биз томонга қараб келаверди. Баҳодир тоқатсизлангандек бўлиб бизни яна чақирди.

— Ҳа-а, тушунарли, — деди Сафарали менга қараб. — Жигитлар кўнгили ёзмоқчи, шекилли.

Мен индамадим. Бечора Баҳодирга раҳмим келди. Уялганидан кўзимизга қаролмасди.

— Мана шу купеда... кетасизлар... — деди у ерга қараганча, кейин визиллаганча ўзларининг "хосхона"си томон кетди.

Ҳалиги йигит билан иккала қиз ҳам ёнимиздан ўтиб провониклар купесига кириб кўздан йўқолди. Бири калта юбка, иккинчиси жинси шим кийган, сочлари елкаларида мавжланиб турган, ёшгина, маъсумгина, кўринишдан сув парисига ўхшаш бу қизларни ҳали станцияда турганимизда кўргандим. Ўтган-кетган йўловчиларнинг суқланиб қарашларидан ҳузурланибми, қиқир-қиқир кулишаётган чоғда кўзим тушганди уларга. Нарй борса ўн етти-ўн саккизга борган бу соҳибжамоллар ўзларини кўз-кўзлашнинг ҳадисини олволишгани сезилиб турарди. Баҳодирнинг шериги, қўшни вагон хизматчиси — ҳалиги қизларни етаклаб купега кириб кетган йигитнинг исми Жалол эди. Ёши Баҳодир тенгқуртоб бўлса-да, унга қараганда анчагина қувроқ кўринарди. Қизларни ҳам шу Жалол илтириган-ов, деб тахмин қилдим ичимда.

Биз кирган маҳал янги "бошпана"мизда ҳеч кимса йўқ эди. Лекин ўнг томондаги биринчи қаватдаги полка тагида иккита сумка турганига қараганда, бу ерда биздан бошқалар ҳам бор, шекилли.

— Менга қара, Даврон, — деди Сафарали чап томондаги полкага кетини кўяркан. — Анави таннозлар тагин бизни чув тушириб кетмасин.

— Қандай қилиб чув туширишлари мумкин? Ахир йигитлар бор-ку.

— Йигитларни ухлатиб қўйишса-чи?

— Йўғ-э!

— Одамга ишониб бўладими?

— Ҳар қалай, аёл кишилар-ку, — дедим Сафаралига ён бергим келмай.

— Аёл эмас, шайтон улар! — деди Сафарали қичқиргудек бўлиб. — Шайтоннинг урғочиси! Шайтон бўлмаса, бегона эркалар билан етаклашиб юрармиди? Кўрқмайдиам... Эркак киши бўла туриб мен бу йўлларда юрак ҳовучлаб юраман-у!



— Бизга қараганда аёлларга осонроқ, — дедим кулимсираб. — Анови полкадаги нотаниш қўшнимиз ҳам аёл киши, шекилли.

— Қандай билдинг?

— Биринчи қаватни, яна ўнг томонни эгаллаганига қараб айтаяпман-да. Аёллар иримчи бўлишади, чап томонни хосиятсиз деб билишади.

— Балки кекса чолдир? — деди Сафарали, кейин пешонасини қашиганча бир зум ўйланиб турди-да: — Энди бундай қиламиз, ошна. навбатма-навбат йўлакка чиқиб пойлоқчилик қиламиз. Мабодо анови қизлар...

— Унчаликка боришмас.

— Билиб бўладими? Камбағалнинг моли бурнининг устида туради, дейишади-ку.

— Хўп, ўйлашиб кўрармиз, — дедим Сафаралини хотиржам қилиш учун.

Сафарали эса сира тинчлана қолмасди:

— Бошимизга бир фалокат тушгандан кейин эҳтиёт бўлишнинг нима кераги бор?!

Шу вақт купега бир аёл кириб келди.

— Кечирасизлар, — деди у хайрон бўлгандек бир менга, бир оғайнимга қараб.

— Сиз бизни кечиринг, — дея Сафарали бирдан мулойим бўлди-қолди. — Бемаҳалда безовта қилганимиз учун. Бўш жой бор, деб проводникнинг ўзи бизни бошлаб келди.

— Вой, майли, бемалол... — деди аёл кулимсираб. — Купе шахсан менга тегишли эмас-ку.

Сафарали менга, тепага чиқ дегандай, имо қилди. Мен поезднинг тепа полкасида ётишдан кўрқардим. Кечаси ухлаганимда беҳосдан пастга думалаб тушсам нима бўлади? Поездда қатнай бошлаганимиздан буён ҳали бирор марта тепа полкага чиққаним йўқ. Лекин аёл кишининг олдида мен тепага чиқмайман, дейиш ноқулай, шунинг учун ўрнимдан туриб йўлак томонга юрдим.

— Ҳой, қаёққа? — деди Сафарали.

— Ҳозиргина ўзинг нима дегандинг? — дедим унга маъноли боқиб.

— Ҳа, хўп, боравер, — деди Сафарали хотиржам бўлиб, кейин аёлга юзланди. — Синглим...

Сафаралининг аёлга нима деганини эшитмадим. Чунки йўлакка чиқиб бўлгандим. "Сафарали роса қулоқ-миясини ейди энди", деб қўйдим ичимда аёлга раҳим келиб. Сафарали аёлларни хуш кўрувчи суюқ эркак эмас, лекин: "Сафарга чиққанингда ҳамроҳинг аёл киши бўлгани яхши", деб ҳисоблайдиган одамлар хилидан. Нега десанг: "Аёл киши билан зерикмайди одам", дейди у.

Йўлакка чиққанимдан кейин аввалига у ёқдан бу ёққа бориб кела бошладим. Соат тунги ўн иккидан ошган, йўловчиларнинг кўпчилиги аллақачон бир уйқуни уриб бўлган, менга ўхшаган "бойқуш" мижозларгина гоҳ йўлакда, гоҳ ресторан тарафда кўриниб қоларди. Поезд бир маромда тақа-туқ қилиб кетиб борарди. Поезд гилдираklarининг "тақа-туқ" овози шунчалик қулоғимга ўрнашиб қолганки, мана, ҳали-ҳозиргача бу шовқинли овоздан қутула олмайман.

Юра-юра оёқларим толганидан кейин купемиздан бериорқда турганча чека бошладим. Шу вақт проводниклар купесининг эшиги олдида Баҳодирнинг қораси кўринди. У ресторан тарафга юрмоқчи бўлиб бир қадам ташлади-ю, кейин нимагадир ортита бурилиб мен томонга кела бошлади. Яқин келганда бундай разм солсам, Баҳодир гирт маст!

— Ака... — деди у қўлини кўксига қўйганча турган ерида чайқалиб. — Хафа бўлмадингизларми?..

— Йўғ-э, нималар деяпсиз?

— Шунақа... бўлиб қолди-да... — Баҳодир кайфнинг зўридан гапиролмайдиган даражага етган, гўлдираган сўзларини базўр тушунардим.

— Ҳечқиси йўқ. Йигитликда бўлади-да. — дедим уни хотиржам қилиш учун.

Бундай кезде бошқа нима ҳам дейиш мумкин? Ўзи зўрга оёқда турибди-ю, насихатни қулоққа олармиди?

— Хафа бўлиш йўғ-а, а, ака, йўғ-а? Бир бўлиб қолди-да...

— Асло.

Баҳодир ёш боладай алпанг-талпанг қилганча нари кетди. Беш-олти дақиқалардан кейин у ресторан тарафдан икки шиша ароқ ва ул-бул егулик кўтарганча купесига кириб кетди. Баҳодир купега кирган заҳоти қизларнинг шодон қийқириги эшитилди. "Сафарали тўғри айтади, булар аёл эмас, шайтон", — дея хаёлимдан ўтказдим.

Орадан икки соат ўтди ҳамки, сира уйқум келмасди. Кундуз куни бир-икки соат ухлаганимнинг оқибати бу. Сигарета олиш учун купега кирганимда, Сафарали билан аёл ҳамон гурунглашиб ўтирарди. Ўттизларга борган бу аёл ёқимтойгина экан, Сафаралига маъқул тушди шекилли, мен билан иши бўлмай қолди.

— Чарчасанг келарсан, — деди Сафарали йўлакка қайтиб чиқаётганимда.

Содда Сафарали мени чиндан ҳам молларимиздан бохабар бўлиб туриш учун йўлакда юрибди, деб ўйларди. Мийғимда кулимсираганча боя турган еримга борарканман, бирдан орқа томонимдан: "Ёрдам беринглар!" деган овоз эшитилгандай бўлди.

Қулоғимга шундай чалинди-ёв, деган хаёлда тургандим, яна ўшандай аянчли овозда қандайдир аёл: "Ёрдам беринглар! Ким бор?! Инсофли одамлар борми бу дунёда?!" дея қичқирганини эшитдим. Овоз қаердан, қайси купедан келаётганини аниқлаш учун ён-веримга қулоқ тутдим. Шу вақт проводниклар купесидан эркак кишининг ҳирс зўридан хансираганча ёмон сўзлар билан сўкингани ва: "Мен билан ётишни хоҳламасанг нега жилпангладинг?!" дея ўшқиргани эшитилди.

Шарт бурилиб ортимга қайтдим.

Шу чоғ аёл кишининг аянчли овози яна эшитилди: "Йўқ! Йўқ! Йўқ! Қўйвор, ярамас! Ўлдираман!.."

Мен ортиқ чидай олмадим, тез-тез юрганча вагоннинг нариги бошига қараб кетдим. Юрагим ҳаприқарди. Ичиб олган йигитларнинг тажовузқорона башараси кўз олдимдан кетмасди. Шу билан бирга бошқа бир фикр мени хайратга соларди: "Наҳотки Баҳодир ҳам шу ишни қилаётган бўлса? Қўйдайд беозор кўринган йигит..." Кимдир, қайсидир купедан боштини чиқариб:

— Нима бўляпти ўзи? — дея тиржайганча сўради мендан, афтидан, қизларнинг овози қулоғига чалинган, шекилли.

Жавоб бермадим.

Тамбурга чиқдим.

Ҳаво дим. Эшик очиқ эди. Қайноқ ҳовурдан қуриб-қақшаган ҳаво юзимга урилди. Нафасим сиқилаётганди, чуқур нафас олдим, лекин ҳаво шу қадар қуруқ эдики, ич-ичимга қадар етиб бормади. Яна ва яна чуқур нафас олдим. Шундан кейингина сал-пал ўзимга келгандек бўлдим. Бироздан кейин бўйнимни чўзиб иссиқ шамолга юзимни тутдим. Биз қақраб ётган саҳродан ўтаётгандик. Осмонда юлдузлар бодраб турарди. Барқашдек ой довуллаганча уфқ томон оға бошлаганди. "Бизнес йўлига ўтиб тўғри қилдимми? — деб ўйладим. — Йўлда ҳар хил воқеаларни кўравериб одамлар ҳақидаги илиқ фикрларимга дарз кетмасмикан? Тангри инсонни нима учун яратди? Бир-бирига саховатли дўст, меҳрибон оғани бўлиб яшаш учун эмасми? Бундай олиб қарайдиган бўлсак, ер юзидаги жамики нарсалар инсонга қурбонлик сифатида яратилмаганми? Мисол учун, ҳаво инсоннинг нафас олиши учун, сув чанқоғини қондириш учун, дала-гуз қорнини тўйдириш учун, ҳайвонлар "гўшт" деб аталмиш емиш бўлмоғи учун... Бироқ ҳеч қачон, ҳеч қачон инсонни инсонга "емиш" қилиб яратмагандир?!" Пайқагандирсиз, менинг анави шўрлик қизларни ўйлаб кайфиятим бузилган, гўё юрагимга ўт тушганди. Шўрлик қизлар ёшлиқ қилгандир? Соддалик қилишгандир?

Аммо нима бўлгандаям анови иккала йигит бундан фойдаланмасликлари керак эди!

— Даврон! — дея кимдир елкамга қўлини ташлаганда азбаройи кўрқиб кетганимдан беихтиёр чўчиб тушдим.

Назаримда, аллаким ортимдан пушиб келиб мени пастга итариб юбормоқчи бўлгандай туюлди. Авваллари ҳеч ҳам бундай хавотирга тушмасдим.

— Нимага бунча кўрқиб кетдинг? — Сафарали ёнимга суқилиб, ташқарига қараш учун бироз энгашганча бўйинини чўзди.

— Хаёлга берилган эканман.

Сафарали аввал олдинга, кейин ортга қаради, ой-юлдузлар ёғдуси остида мудраб ётган белоён саҳронинг кўз илғамас сарҳадларига назар ташлади, сўнг нима учундир чуқур хўрсиниб қўйди.

— Шеригинг ухладими? — деб сўрадим ундан.

— Йўқ, — деди Сафарали қаддини ростларкан. — Бу... анови... жигитлар дейман... — Сафарали ўнгайсизланганиданми, гапини давом эттира олмади, бўйинини чўзиб, юзини яна шамолга тутди.

— Нима қиламиз? Борамизми эшикни тақиллатиб? — дедим синовчан оҳангда.

— Бордик дейлик. Тошингни тер, дейишса-чи?

— Ҳар қалай, қизларни қўйворишади-ку.

Шу чоғ йўлакда шовқин-сурон эшитилди. Иккаламиз ҳам ўгирилиб қарадик. Баҳодирнинг шериги Жалол бояғи қизлардан бирини қўлидан судраб етаклаб келарди.

— Ярама! Шаллақи! — деб бўжирди у бизга кўзи тушганда. — Билетсиз чиқволиб!.. Қани билетинг, десам... шаллақилик қилиб айюҳаннос кўтарди! Юзсиз! Уялмайди булар...

Биз ҳайратдан донг қотиб қолгандик.

— Қани, йўлни бўшатиңг! — аламига чидай олмаётган одамдай чинқирди Жалол бизга. — Нега қаққайиб турибсизлар?!

Ҳеч нарсага тушунмаган ҳолда биз йўлакка ўтдик. Жалол малла сочлари тўзғиб кетган, юзи тимдаланган, кўп азоб тортган бўлса-да, зинҳор-базинҳор кўз ёши тўкмасдан, хўмрайганча эргашиб келаётган қизни куч билан силтаб тамбурга ўтказди ва... елиб бораётган поезд эшигидан пастга итариб юборди!

Кўз олдимизда атиги бир неча дақиқа ичида содир бўлган бу воқеадан Сафарали ҳам, мен ҳам довдираб қолгандик.

Жалол қизни пастга улоқтирганидан кейин ҳеч нарса бўлмагандай, қўлининг чангини қоққандай жундор, бақувват билакларини силаганча ёнимиздан ўтиб кетди.

Поезд тақа-туқ қилганча олга интиларди.

Станцияга етгунча ҳали анча бор эди.

Шўрлик қиз саҳрода қолди.

Даҳшат ичра Сафаралига қарадим. Унинг қисиқ кўзлари баттар қисилган, афтидан, унинг аҳволи ҳам меникидан ортиқ эмасди.

— Ие, яна бирови бор эди-ку! — бирдан тилга кирди Сафарали. — Юр, хабар олайлик-чи!

Биз бир-биримизни қувлашгандай югурганча проводниклар хонасига ошиқдик. Эшиги ланг очиқ қолган торгина хонага киришимиз билан ачимсиқ, бадбўй ҳид димоғимизга урилди. Ерда чойшаблар сочилиб ётар, шиша стаканлар ағдарилган, энсизгина стол қийшайиб ётарди. Проводник хонаси, одатда, бир кишига мўлжалланган бўлади, полка ҳам бир киши учун. Биз бу хонани "ишғол" қилган вақтда биримиз полкада ётсак, иккинчимиз ерга жой солардик. Айни дақиқада иккала "тўшак" ҳам расвои радибало бўлиб ётарди. Дераза остида эса "беозор" йигит Баҳодир беозоргина бўлиб пишиллаганча хуррак отарди. Иккинчи қизнинг қораси кўринмасди.

— Буниси қочиб қолганга ўхшайди, — деди Сафарали сал енгил тортгандай бўлиб. — Эшик очилган вақтда жуфтакни ростлаган, шекилли.

Мен унинг гапини маъқуллагандай бош ирғадим.

— Манови шўрлик "гишт" бўлиб қопти-ку, — деди Сафарали Баҳодирнинг ёнига келиб. — Тўшакка ётқизайлик, ёрдамлашиб юбор.

— Унга бармоғимниям теккизмайман! — дедим шартга жаҳл билан.

— Бунда айб йўқ, — деди Сафарали Баҳодирга ён босиб. — Ҳамма гап Жалолдан чиққан. Лекин барибир эпллолмабди-ку, қара, чўзилиб ётишини!

— Шу ишни қилишга кўнглида хоҳиш туйган-ку!

— Энди бунчалик чуқурлашма-да, оғайни. Шу бола бўлмаса, ишимиз юришмасди.

— Ўзинг энагалик қилавер! — дедим-у хонадан чиқдим, оёқларим мени тамбур томон етакларди.

Атиги ярим соат аввал — балки ундан кўпроқдир — ноҳус воқеа юз берган тамбур кимсасиз, шамол уфуриб турарди. Куш учса қаноги куядиган саҳронинг номаълум бир сарҳадида поезддан тушиб қолган қизнинг ҳоли не кечди экан? Қиз Жалолнинг шафқат қилмаслигини сезган, шундай бўлса-да, унга ялиниб-ёлвормади-я?! Номусидан айрилганидан кўра саҳрода қашқирларга ем бўлишини афзал кўрди чамаси. Фикри ожизимча, Жалол билан Баҳодир қизларни маст қилиб қўйиб, ишрат қилмоқчи бўлишган. Баҳодир маст бўлиб қолганидан иккинчи қиз кўп азият чекмаган бўлиши мумкин. Аммо униси... қаршилик кўрсатгани учун Жалолдан калтак еганга ҳам ўхшарди. Кўзи қонга тўлган йигитдан шафқат тиланмагани мени ҳайратга солганди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, йўқ, тасаввур қилиб кўринг, мана ҳозир, яна уч-тўрт, нари борса, ўн дақиқадан кейин боши-кеги йўқ, кимсасиз саҳрода ёлғиз қоласиз, йўқ, ундан олдин бошқа бир манзарани кўз олдингизга келтиринг, узоғи билан яна икки-уч дақиқадан кейин махлуқсифат бир одам сизни юриб кетаётган поезддан улоқтириб юборарди! Шунда қай аҳволга тушган бўлардингиз? Ахир, сиз тўхтаб турган поезддан ўз ихтиёрингиз билан тушиб қолмаясиз. Сизни улоқтиришяпти! Коптоқдек учиб бориб бошингиз билан тушсангиз нима бўлади? Жонингиз омон қоладими? Жонингиз омон қолган тақдирда, тўрт мучангизга шикаст етмайди, деб ким кафолат бера олади? Борингки, тўрт мучангиз ҳам соғ қолсин, кимсасиз қақроқ чўлда ёлғиз қолишдан наҳотки ваҳимага тушмасангиз? Шуларни ўйлаб наҳотки асабингиз бўшашмаса? Эҳтимол, айтсам ишонмассиз, лекин бу рост гап, ҳаётимда чуқур из қолдирган ўша йиллар вақт ўтиши билан даврон тўзони ичра аста-секин ўчиб, айқаш-уй-қаш, бир-бирига қоришиқ, яхлит, оғир, зерикарли, диққинафас таассурот қолдириб ўчиб бораётган бўлса-да, ўша малласоч қизнинг юзи, кўзлари ҳали-ҳамон кўз олдимида яққол, рўйи-рост гавдаланади, бошқа ҳамма нарсани унутиб қўяман. Жалол қизни судраб ёнимиздан ўтаётганида у менга "ялт" этиб қараб қўйганди.

Эс-ҳушимдан айрилган ҳолда турган бўлишимга қарамай, мен ҳам унга қарадим ва шунда ҳаммасини тушундим: қиз Жалолнинг аяб ўтирмаслигини, ўзини қаттиқ жазога мустаҳиқ қилишини билган, сезган, бунга ишонган, шунинг учун ҳам ҳаётдан, яшашдан умидини узган, юзи қордек оппоқ, кўрқиб кетганидан бу, аммо шаҳло кўзларида эса бутунлай бошқа ифода мужассам: фақат, фақат ҳаёт-мамоти бўлмиш номуси булганмаса бас! Мен қизнинг кўз учиде бирровгина қарашидан шу маънони уққандим. Баъзилар учун эса... ҳаёт билан видолашишдан кўра номусдан айрилиш осон туюлади. "Сиз уни қутқариб қолишга уринмадингизми?" деяпсизми? Айнан ўша дақиқани — Жалол қизни етаклаб тамбурга ўтган лаҳзани назарда тутиб айтадиган бўлсам, очиги, ўша онда кўнглимда қизни қутқариш истаги бўлганми-йўқми, эслолмайман. Сафарали нималарни ҳис қилганини ҳам билмайман. Аммо иккаламиз ҳам довдираб қолганимиз рост.



* * *

— Мен Баҳодир билан қўл бериб қўришмайман! — дедим навбатдаги сафарга чиқиш олдида Сафаралига.

— Узинг биласан, — деди Сафарали мен билан тортишиш бефойдалигини билгани учун қуруққина қилиб.

Станцияга келганимизда эса...

— Ассалому алайкум... — юзлари уятданми, хижолатданми қизариб турган Баҳодир бизни қўриши билан истиқболимизга пешвоз чиқиб, қўришиш учун қўл узатди.

Шунда мен ҳам... беихтиёр қўл узатдим. Ўзим сезмаган ҳолда тагин... Ахир, тескари қараб кетишнинг иложи ҳам йўқ эди-да. Қаршингдаги одам қанчалик аблаҳ бўлмасин, унга ишинг тушиб турганидан кейин!

Поезд йўлга тушди.

Бу сафар Баҳодир бизга проводник хонасидан анча берирокдаги купедан жой олган эди. Аммо юкларимизни ҳар доимгидай унинг хонасига жойлагандик. Биз кирган купеда иккита аёл ҳам бор эди. Улар ҳам ўзимиздан, яъни, "челнок"лардан экан. Сафарали киришимли, аёлларга ювуқроқ эмасми, дарров ҳамхоналаримиз билан танишиб олди. Мен пастки полкага сунган қўйи кўзларимни юмганча уларнинг суҳбатига аралашмасдан жим кетардим. Лекин қулоғимга чалинган гап-сўзлардан аёллардан бирининг исми Санобар, иккинчисиники Наргиза эканлигини, анчадан буён Россияга қатнаётганликларини билиб олдим.

— Бир дугонамиз Дубайга қатнайди. Бизам ўша ёққа бора қолайлик, десам, Наргиза кўнмаяпти, — дерди ўрта ёшли Санобар, тўлалигидан ҳарсиллаб нафас оларкан.

— Дубайда бало борми? — дерди унга жавобан Наргиза. — Яқинда газетада ўқидим, бир аёл Дубайга бориб фоҳишахонага тушиб қолибди. Сизга шу керакми?

— Ол-а! Дубайлик эркакларнинг менга кўзлари учиб турмагандир?

— Одам билиб бўладими?

Ёш жиҳатдан ҳам, гавда жиҳатдан ҳам бир-бирининг инкори бўлган бу аёллар анчайин шаддо, гапга чечан эдилар. Сафарали бечора оғиз очолмай қолганди.

Поезд шитоб билан олға интиларди. Гўё ошқозон бандилари бўлган бу одамларни тезроқ манзилга етказиб, улардан қутулай дегандек. Тақа-туқ, тақа-туқ, тақа-туқ! Эҳ, қанчалар ёқимсиз эди бу товуш! Худди миямга калтак билан ургандек таъсир қиларди. Ўша вақтда қандай чидаган эканман? Ҳозир бардошим етмаган бўларди, ўзимни вагондан ташлаб юборардим? Аммо ўша вақтда юрагим аламга тўла эди. Нафақат хотиним, балки ҳамма мени ташлаб кетгандек, дунёда ёлғиз ўзим қолгандек юрагим аламзада эди. Шу аламзадалик менга куч бериб тургандир эҳтимол? Ахир, мен пул туфайли шу кўйга тушгандим. Жилла қуриганда, тилларим кўп бўлганида хотиним мени ташлаб кетмасди. "...тилларини билан ўзини овунтирармиди!" "Қизиқ, — дея ўйлардим хаёдан Саодатни кўз олдимга келтириб. — Хотиним менинг шу юришимни кўрса нима деркин ёки не кўйга тушаркин? Хурсанд бўлармикин ёки ич-ичидан эзилармикин?" Ахир, унинг назарида мен эриниб, имиллаб яшаётган одамга ўхшардим. Турмуш тарзимни, касбимни ўзгартиришимга ишонмасди. Тўғри, дангасалигим рост, жиндай хаёлпарастлигим ҳам бор, аммо менинг хаёлий оламим у қадар қуруқ, сароб эмасди, менинг ҳам ўзимга яраша орзуларим, амлоким бор эди. Афсуски Саодат буни тушунмади.

Йўлга тушганимизнинг иккинчи куни эди. Кечаси, одатдагидай, хаёл суриб ётиб кўзим илинган экан; бир маҳал қўққисдан қаттиқ чийиллаган овоз эшитилди-ю, поезд юришдан таққа тўхтади. Купе ичи қоронғи, чироқ

ўчирилган. Поезд тўхтаган заҳоти тепа полкадан аллақандай оғир нарсалар бирин-бирин гурсиллаб пастга тушди. Булар Сафарали билан Наргиза эди. Бир зумда ҳамма ёқдан шовқин-сурон, ғала-говур эшитилди. Биз ўзимизни ўнглагунча купега аллақимлар бостириб киришди. Бир сўз демасдан устимизга ташланишди. Вой-войлаётган Наргизани кимдир купе деразасидан пастга улоқтирганини кўриб қолдим. Кейин мени ҳам қандайдир бақувват қўллар ташқарига судраб кетди.

Ҳушимни йиғиб, ёришаётган тонг шафағидан кўзларим қамшиб атрофимга қараганимда, дўстим Сафарали ҳам, анови икки аёл ҳам ёнимда турганини кўрдим. Баркашдай юзлари япалоқ, қисик кўзли, давангирдай саккиз-тўққиз чоғли йигит бизни қўраб олганди. Улардан сал нарида саҳрода юришга мўлжалланган машина ва поезддан олинган ўлжалар уюми турарди.

Мен ҳам, Сафарали ҳам кимларга дуч келганимизни фаҳмладик. Нигоҳларимиз тўқнашганида буни бир-биримизга билдириб қўйдик. Санобар билан Наргиза қўрқиб кетганларидан нафаслари чиқмасди.

Бир-бир ярим чақирим нарида тўхтаб турган поезд негадир ўрнидан жилмасди. Нимадир бўлган чоғи.

— Қалайсан, қариндас? — баркаш юзли йигитлардан бири яқинимга келди.

Индамадим.

Йигит энди Сафаралига юзланди.

— Сен бизларга ўхшаб кетаркансан. Отинг нима?

— Сафарали.

— Ўтирик сўйлемаятган бўлсанг, сен ҳақиқатан бизардансан-ов, — баркаш юзли шундай деди-да, аёллар томонга юрди.

Шунда Сафарали:

— Қариндас, бизарди нима қилсанг ўзинг биласан, лекин хотинларни қўйиб юбор. Поездга етиб олишсин. Юклари, майли, сизларга қола қолсин! — деди.

— Сундай де. У! Мард экансан-ку!

— Илтимос.

— Илтимос де, — баркаш юзли шерикларига қараб илжайди.

Айни шу чоғ поезд ҳавога тутун пуркаганча аста-секин ўрнидан жилди.

— Ана, поезд кетяпти, улар қолиб кетишмасин! — деди Сафарали ҳаяжон билан.

— Жониқма! — баркаш юзли совуққонлик билан Сафаралига шундай деди-да, шерикларига юзланди: — Бир томоша кўрмаймизми?

Афтидан, бу йигит гуруҳбоши шекилли, қолган барча баркаш юзли йигитлар унинг гапини маъқуллагандай юзига илҳақ термилишди. Ҳайронман, атроф бий дала, мовий осмон, уфқдан бош кўтарган куёш, оёқ остидаги заминдан бўлак на бир гиёҳ, на бир дарахт ўсган ёхуд бирорта ҳам қўналга кўзга ташланмайдиган бу, ерларда баркаш юзли йигитлар қаердан пайдо бўлишди? Ердан чиқдимми, осмондан тушдимми улар?

Сафаралининг фидойилигидан руҳланган аёллар энди ўзларини босиб олган чоғи, баркаш юзли йигит билан савдолаша бошладилар:

— Бизни қўйиб юборсанглар молимизга қўшиб ёнимизда борини ҳам ташлаб кетамиз. Илтимос, қўйворинглар!

— Бундай қиламиз, — деди баркаш юзли йигит. — Ҳозир тўртовинг ҳам поезднинг кетидан жугурасан. Жетиб олсанг, ҳалолинг бўлсин! Жетиб ололмасанг ўзингдан кўр!

Сафарали менга қаради. Йигитнинг сўзларига менинг ишонгим келмаётганди. "Булар бизни аҳмоқ қилишмоқчи", деган хаёлда эдим.

— Ростингизми?.. — ботинқирамасдан, нимжон овозда сўради Наргиза йигитдан.

— Э жугурсанг-чи!

Баркаш юзли йигит шундай дея ҳайқирган заҳоти Сафарали билагимдан тутди-ю, поезд йўл томон судраб кетаркан, аёлларга қараб қичқирди:

— Кетдик!

Шундай қилиб, тўртовлон поезд ортидан югурдик. Соат эрталабки ўн бўлганича йўл-у, саҳро қуёши ҳамма ёқнинг жизғанагини чиқариб, олов пурқарди. Баркаш юзли йигитларнинг мазахомуз ҳайқирғи қулоғимизга чалинади: "Жугур! Ҳа, жугур!" Биз бўлсак, орқамизга қарамасдан жонимиз борица югурардик. Аёллардан бири, янглишмасам Санобар нимагадир қоқилиб йиқилиб тушди, мен ортимга қайтдим-у, унинг ўрнидан туришига кўмаклашиб, яна олға интилдим. Поезд ҳали тезликни оширмагани боис, унчалик узоқлаб кетмаганди. Тўртовлон йиқилиб-суринганча ҳаллослаб югурардик, югурардик, югурардик!

Баркаш юзли йигитлар ортда қола бошлади. Яна бироз куч сарфласак, поездга етиб олардик. Лекин худди шу асно Наргиза қаттиқ чинқирганча йиқилиб тушди. Энг олдинда кетаётган Сафарали ортига ўгирилди, тўхтади. Мен Наргизанинг ёнида эдим.

— Нима бўлди? Юра оладими? — деб сўради мендан Сафарали ҳансираб.

— Юролса керак... — дедим Наргизанинг юзига қараб.

— Сизлар кетаверинглар, мен... — Наргизанинг юзи аянчли тиришди. — Мен ўлдим... Тўпигим чикди ё синди...

— Э! — Сафарали шундай деди-ю, Наргизани даст кўтариб олди.

Биз яна талваса ичида югуриб кетдик. Санобар анча олдинда эди. Биз Наргизага чалғиб тўхтаганимизда, бу аёл анча ўзиб кетганди. Кейинроқ маълум бўлишича, бизнинг аҳволимиздан бохабар бўлган ва югуриб келаётганимизни кўрган Баҳодир машинистдан тезликни оширмасликни илтимос қилган экан.

Ушанда бир амаллаб поездга чиқиб олдик.

— Товба қилдим... Товба қилдим, Художон! — дея йиғлаб қйорди Наргиза чанг-тупроққа беланган, қайноқ тердан кийимларимиз жикқа ҳўл, афтода, ҳолдан тойган бир аҳволда купега кириб келганимизда. — Энди ҳеч ҳам йўлга чиқмайман! Товба қилдим! Эсон-омон уйга етиб олсам бас!

Мен ҳаммадан ҳам Санобарга қойил қолгандим. Тўлалигидан югуришга қийналса ҳам у шу қадар тез чопдики, оқибатда поездга ҳам ҳаммамиздан олдин чиқиб олди.

— Баҳодирнинг бориға шукр, — деди Сафарали менга қараб ўзимизни тартибга келтириб, овқатланиш учун ўтирганимизда. — Шу бола бўлмаганда ҳозир... Ким билсин, бу саҳройилар бизни не қўйларга соларди?!

Мен бош ирғадим. Нафсиламарини айтганда, Сафарали ҳақ эди.

— Эсиз молларим... — дея куйинди Санобар.

— Молларингиз энди эсингизга тушдими? — деди кинояли оҳангда Наргиза.

Боя йиқилиб тушганида дугонаси унга парво ҳам қилмасдан ўз жонини олиб қочгани Наргизанинг назаридан четда қолмаган, шу кўнгилсизлик туфайли иккала дугонанинг ўртасига совуқчилик тушгандай эди. Иккаласининг гап-сўзлари ҳам унчалик қовушмай қолганди-да.

— Аёл аёлга дўст бўлмас экан-а, Даврон? — деди Сафарали чекиш учун тамбурга чиққанимизда.

Мен унинг кимни назарда тутаётганини фаҳмлаганимдан дарҳол:

— Ҳаммаси эмасдир, — дея жавоб қайтардим.

Кейинчалик, орадан бироз вақт ўтгач, мен поезд ортидан югурганимизни эслаб ҳам кулгим келарди, ҳам йиғлагим.

Аммо ўшанда ҳақиқатан ҳам ҳолимиз танг эди. Юриб кетаётган, бунинг устига анча олдинлаб кетган поездга

унча-мунча одам етиб ололмади. Биз эса бунинг уддасидан чиқдик. Яна денг, Сафарали бечора ҳали унчалик таниш бўлмаган аёлни опичлаб олган!

Тўғриси айтишим керак, ўшанда бизни қўрқув кутқарди. Қўрқмаганимизда бунчалик тез югурмасдик-да.

* * *

Поезддан тушганимиздан кейин аёллар билан хайрлашдик. Бизнинг молларимиз проводник хонасида омон қолган экан, ҳайтовур. Бунинг учун яна бир бор Баҳодирдан миннатдор бўлдик. "Қизлар" воқеасидан кейин ундан кўнглим қолгани айни вақтда ҳаёлдан кўтарилган, Сафарали бир четда қолиб Баҳодирга қайта-қайта миннатдорчилик билдирардим. Бошқа вақт бўлганида бунчалик мулозаматни ўзим учун ор деб билардим, лекин ўшанда бу ҳақда умуман ўйламаётгандим.

— Анови шўрликларга бироз пул бериб тураимизми? — деди Сафарали аёллар билан хайрлашиш олдида. — Шўрликлар бор-будидан айрилишди-ю...

— Яхши бўларди.

Сафарали умумий катмондан бироз пул олиб, аёллар томон юрди. Санобар берироқда эди, лекин Сафарали унинг олдида тўхтамади. У Наргизанинг олдида борди.

— Синглим, манави пулни олинг. Керак бўлиб қолса...

— Овора бўлманг, раҳмат, — деди Наргиза иймангандай, ўзини сал четга тортиб. — Бизга пул керакмас. Биз шу поезд билан орқага қайтаимиз.

Санобар гапга аралашди:

— Билет учун ҳам пул керак-ку, нега ундай деяпсиз? — деди у Наргизага хўмрайиб қараб қўяркан.

— Олесядан пул оламиз, жа керак бўлса. У мендан бироз қарз эди, — деди Наргиза.

Бу аёл рост сўзладими ёки ёлғон, билиб бўлмасди, овози бир хил оҳангда чиқар, юз-кўзларида ҳам "фош" қилувчи атоматлар сезилмасди.

— Ҳа, майли, ўзларингиз биласизлар...

Сафарали пулни катмонга солиб қўйди.

— Энди виждоним қийналмайди, — деди у аллақандай оғир юкдан халос бўлгандай енгил тортиб. — Мен ёрдан қўлини чўздим, улар исташмади.

— Танишлари бор экан-ку.

— Санобарга тутганимда пулни оларди-я, — деди Сафарали кулимсираб. — Эҳ, бу аёлларга тушуниб бўлмайди.

Менинг фаҳмимча ҳам шундай эди, Сафарали пулни Санобарга тутганида, у ҳеч иккиланмасдан оларди. Аввал-бошданок бу аёлнинг этдор кенг-мўл юзи, қисик кўзлари-ю дўрдоқ лабларидаги қўрқоқ, хасис, очкўз одамларга хос ёқимсиз ифода менга ёқмаганди. Йўлдаги воқеадан кейин унга бўлган ҳурматим янада хиралашганди. Наргиза ҳақида эса очиқ бир нарса дея олмаيمان. Бу аёл ё ўта сирли, ёки ичи говак ёнғоқ сингари пуч, ярқ этиб кўзга ташланадиган на жозибаси, на фазилати бўлмаган, хурсанд бўлганида куладиган, қийналганда аламини кўз ёшидан оладиган аёллар сирасига кирарди, чамамда. Қолаверса, аёллар бутунлай қуруқ қўл билан қолишмаган чоғи, беғона шаҳарда бўлишларига қарамай, у қадар жазавага тушмаётганларидан ҳам билса бўларди буни.

Бир сўз билан айтганда, иккаласи ҳам тирикчилик ташвишида ғимирлаб юрган аёллардан эди.

Аёллар билан шу тахлит хайрлашганимиздан кейин ўз ишларимиз билан андармон бўлдик. Аввал олиб борган молларимизни кўтара савдо қилдик, кейин ҳар сафаргидай хитой бозорига ўтдик. У ердан керакли молларни олиб бўлганимиздан кейин станцияга қайтиб, "камера хранения"га нарсаларимизни топширдик. Ана шундан кейин Сафарали:



— Оғайни, юр, бирорта столовойга кириб ҳордигимизни чиқарайлик, — деб қолди.

— Тошкентга борганимиздан кейин ресторанга кирақолармиз, — дедим негадир унинг таклифига кўнглим чопмай.

— Тошкентга боргандан кейин яна ўтираемиз. Лекин ҳозир бир ерга кириб томоқни ҳўлаб олмасак бўлмайди. Саҳройилардан қочиб келаётганимизда шунини ният қилгандим-да.

— Майли-ю, лекин...

— Илтимос, йўқ, дема.

— Йўқ деяётганим йўқ, — дея чайналдим кўнглим чопмаётганини қандай тушунтиришни билмай бошим қотиб.

— Худо шоҳид, мана шу иккиланишингни ёқтирмаман!

— Жудаям ичгинг келяптими?

— Жудаям!

— Яхшиси, иккита шиша билан зўр закуска олиб поездга чиқайлик. Купеда ўтириб маза қилаемиз. Шу баҳонада Баҳодирниям бир меҳмон қилардик.

— Э, бор-е!

Сафарали тумшайиб қолди.

У текин ароқ бўлса бош тортмайдиган ёки ҳамма нарсани унутиб ётиб олиб ичадиганлар тоифасидан эмасди. "Жуда чарчаб кетганимда ёки хафа бўлганимда оз-моз ичиб тураман", деб унинг ўзи айтганда бир куни. Аммо ҳозир у қизиқ ҳолатга тушиб қолганди. Ичмаса тура олмайдиган, ароқ деса ўзини томдан ташлайдиган одамдек ҳаддан ташқари безовта, бесаранжом эди у.

— Борасанми? — деб сўради у бироздан кейин, гўё мен рози бўлмасам, шартта ўзи жўнаворадигандай шахд билан.

Дўстимни ёлғиз юбормаслик учун ноилоҳ рози бўлдим. Сафарали хурсанд бўлиб кетди.

Соат кечки беш-олтилар эди.

Паспортигимизда шаҳарда уч ой бемалол юриш учун рухсатнома борлигидан ҳеч ким бизга даҳл қила олмаслигига ишонган ҳолда шаҳар кўчаларидан бирида кетиб борардик. Октябрь ойи бўлишига қарамай, худди буюртма қилингандай, ҳаво жуда ажойиб эди. Ботаётган қуёшнинг сўнгги нурлари кўз олдимда мавжланаётган ва қалбимни илтиб ажойиб таассуротлар тундирарди. Бу ерларда бундай вақтларда ишга шошилаётган одамлар издиҳом бўлмайди. Кундалик машғулотдан кейин оддийгина одамга айланган не-не мўтабаб зотлар оиласи билан сайр қилиб юришарди. Пул сарфлаб суратга тушишадими-ей, гул сотиб олишадими-ей... Кўпчилик оилалар уйда омак қилишмайди. Бирорта қаҳвахонага киришади-ю, қорнини тўйдириб кетаверишади.

Биз турфа чироқлари кўз қисиб имлаётгандек ўчиб-ёнаётган, ойнаванд эшикларидан кўча чироқларининг мисранг шуъласи жилоланаётган муҳташам ресторан қаршисида тўхтадик.

— Шу ерга кираемизми? — деб сўради Сафарали.

— Менга фарқи йўқ, — дедим бино пештоқдаги "Белькрос" деган ёзувни ўқирканман.

— Бу жуда қиммат ресторан. Овқатлариям яхшимас, атай пул сарфлаганимга яраша қорнинг тўймайди.

— Бирорта кафе ёки оддийгина столовой ҳам бўларди.

— Тўғри айтасан. Кетдик.

Чўнтагимиз унчалик қуруқ эмасди. Лекин ўзимиз учун ортиқча пул сарфлаб ўрганмаганимиз туфайли иккалаамиз ҳам хасислик қилаётгандик.

Ўн дақиқалардан кейин кўринишидан айнан бизбоп қаҳвахонага дуч келдик.

— Бўлди, шу ерга кираемиз, — деди Сафарали.

Биз ичкарига кирдик.

Кенг-мўл залга қўйилган айлана столлардан бирига

бориб ўтирдик. Пешбанд тутган, кўҳликкина официант қиз қаршимизга келиб одоб ва назокат билан мулозамат қилди ва кўлимизга "меню"ни тутди-да, ўйлаб кўришимизга имкон бериб, нари кетди.

— Вой-бўй! — деб юборди Сафарали "меню"га кўз ташларкан. — Нима бало, бу ердагилар қимматчиликда туғилганми?!

— Поездда маишат қилсак бўлаверарди, — дедим норози оҳангда, айна пайтда мени пул муаммоси эмас, Сафаралининг: "Қиммат экан, бизга тўғри келмайди, оғайни!" деб ўрнидан туриб кетиши ва бу билан ўзимизни нечоғли кулгили аҳволга солиб қўйиши ташвишлантормоқда эди.

— Гапинг рост, — деди Сафарали "меню"дан кўз узмаган ҳолда. — Поездда маишат қилаверсак бўларкан. Индамадим. Шу чоғ "меню"ни кўздан кечириб бўлган Сафарали шартта ўрнидан турди.

— Кетдик!

Сафарали шундай деди-ю, эшик томон йўналди. Мен бир замбил лойга айлангандим гўё.

— Хафа бўлма, оғайни, — деди Сафарали тумшайиб қолганимни сезиб. — Кейинги сафар албатта бояги қиммат ресторанга кирамиз.

Қанчалик алам қилиб кетаётган бўлмасин, Сафаралига қаттиқ гапира олмадим. Нафсиларини айтганда, менга алам қилганича бор-да, ахир бу ўйинни унинг ўзи бошлаганди-ку!

— Бундай хомчўт қилиб кўрсам, пулимиз етмас экан, — деди Сафарали кўнглимни ёзиб юбориш учун самимий оҳангда, ростига кўчиб. — Очкўзлик қилиб молни кўпроқ олиб қўйганга ўхшаймиз. Қолаверса, бу ерда бир марта овқатланиш учун кетадиган пулга ўғилларимга икки-учтадан кийим олсам бўларкан!

Юрагим "жиз" этди. Ўзимни ёруғ оламда ортиқчадек сездим. Бу дунёда нима учун юрибман ўзи, деган ўй ачишаётган юрагимни тилиб ўтди. Сафарали ярамни янгилаб қўйганини дафъатан англамади. Бироз юрганимиздан кейин бирдан фаҳмлаб қолди чоғи:

— Мен оғримасдан ўламан, нега деганда ўйламасдан гапириб қўяман, — деди узрли оҳангда.

Нима ҳам дердим? Бундай кезларда дардимни ичимга ютишнинг ҳадисини олволганман, гўё бўлаётган гап-сўзлар менга тегишли эмасдай, қулогим остидан ўтказвораман.

— Сафар, — дедим поездга чиқиб ортга қайтаётганимизда. — Уйга эсон-омон етиб борсак, тўрт-беш кун дам олайлик. Йўлга чиқмайлик.

— Нега?

— Чарчадим шекилли. Узлуксиз юраяпмиз-да ўзиям.

— Энди ишимиз юришганда тўхтатаиб қўямизми?

— Бутунлай тўхтатаемиз, деганим йўқ. Бироз дам олсакми, дедим.

— Аввал етиб олайлик, кейин ўйлаб кўрармиз.

Бехтиёр чуқур хўрсиндим.

Сафарали нимадан дир кўнглим чўкканини пайқаган, бир нималар деб далда бермоқчи бўлгандай, лаб жуфтлаб турарди. Аммо ҳадеганда ундан садо чиқмади, журъат қилолмади, шекилли.

Ўшанда уйга эсон-омон қайтиб, бир ҳафта ичида молларни керакли қўлларга топшириб, ҳар биримизга тегадиган "улуш"ни ҳам тақсимлаб олдик. Очигини айтишим керак, Сафарали пулни қандай сарфлашни яхши биларди. "Пулни кўп сақласанг, у кулга айланади, — дерди Сафарали. — Лекин шу пулга бирор нима сотиб олсанг, бу мулк! Сен пулни асрайверма, оғайни..." Бахтга қарши, мен пулни қандай сарфлашга унчалик уста эмасдим. Сафарали айтгандай, мен ишлаб топган пулларимни йиғардим. Бир кун келиб: "Мана, хотинжон, бир дунё пул, истаганимга сарфлайвер!", дея Саодатнинг қўлига тутиш учун. Балки ўшандан кейин у билан ажрашарман...

Кечкурун Сафарали билан қаҳвахонада ўтирардик.

— Энди катта бизнесга ўтсак, нима дейсан, оғайни?

— деб қолди у.

— Яъни?

— Яъни... У ёқда пиёз яхши кетаркан. Ун тоннагача оладиган одам бор эмиш.

— Ким айтди сенга бу гапни?

— Биттаси-да.

— Ҳали эрта, агар менинг фикрим билан иш тутадиган бўлсанг, — дедим Сафаралига.

— Сенинг гапинг гап, оғайни. Бўпти, ҳозирча ҳаракат қилмай турамыз. Унда ўзимизнинг "йўл"га қачон чиқамиз?

— Бироз нафасни ростламаймизми?

— Нафас ростлашга ҳам ултурамыз.

— Ўйлаб кўрай.

— Уришда туриш йўқ, деганлар, оғайни. Шу талотўпнинг ичига тушдикми, энди охиригача борамиз! Боришимиз керак! Шарт! Ҳа, шарт! — деди Сафарали шижоат билан.

— Чарчасак ҳамми? — дедим кулиб.

— Чарчоқни ум-муман эсдан чиқариш керак. Йитит кишига омад ҳар доим ҳам келавермайди. Ке, шу омад учун ичайлик!

Биз қадаҳларимизни тўқиштирдик.

Сафаралининг характери ҳавас қиларлик эди. Тушкунликни осонликча ўзига яқинлаштирмайди. Гапга уста, киришмили, одамни зериктирмайди. Мен бўлсам унинг бутунлай акси эдим. Меъёрни бузмасдан тинчгина яшаш тарафдори эдим. Одамовиман. Ёлғиз ўзим яшаганимда, мени деб ҳеч ким остонамдан кириб келмаслиги аниқ. Билмасдан келиб қолган одам юзимга қараб ноўрин вақтда келиб қолгандек ўзини ноқулай сезиб, дарров чиқиб кетиш пайида бўларди. Яхши ҳамки Саодат бор эди. Шу вақтгача!.. Лекин энди у ҳам йўқ. Қизиқ, Саодат кетганидан буён бирор киши меҳмонга келмади-я. Бу ҳол бояги фикримнинг исботи эмасми? Одатда, бўш вақтларимда китоб ўқирдим ёки узоқ-узоқ хаёл сурардим, жуда бўлмаса мириқиб ухлардим. Қоронғи тушганидан кейин кўча айланардим. Бир сўз билан айтганда, мени ўзи тўқиган тўрга ўралиб олган ўргимчакка ўхшатиш мумкин эди. Ўз кўнглимда кечираётган ҳаёт тарзимни тўғри деб билардим. Эркак киши шундай бўлиши керак, деб ҳисоблардим. Аммо шундай эркаклар ҳам борки, дунёдаги энг шаллақи аёл ҳам гап ташувчиликда унинг олдида ип эшолмай қолади.

Ана шундай эркаклардан бири кунларнинг бирида кўнғироқ қилиб, хотиним Саодат қандайдир бир эркак билан дон олишиб юрганини айтди. "Ишонмаслигингиз мумкин, — деди у яна. — Лекин жичча вақтингизни аямасангиз, мен уларни сизга кўрсатаман!"

Бу гап охири сафардан қайтганимиздан икки кун кейин бўлиб ўтганди. Шундан буён ичимга чироқ ёқса ёришмаётганди. Шунинг учун ҳам янги ишимиздан кўнглим совиб, ҳафсалам пир бўла бошлаганди. Ич-ичимдан тошиб келаётган ғазабни зўрга босиб турардим. Хаёлимда аламли бир ўй: "Ҳеч бўлмаса бойиб кетишимни кутмабди-да!" Кўздан йироқ, меҳрдан йироқ, деганларидай, Саодатсиз яшашга ҳам андак кўникаётган бир маҳалда бу гап мени гангитиб қўйди. Навбатдаги сафарга чиқишни кейинга сураётганимнинг сабабларидан яна бири шу эди. Бундан беҳабар Сафарали ҳадеб отини қамчиларди.

— Совуқ тушмасдан яна икки марта бориб келсак, яхши бўларди-да, — дерди у ўша оқшом мени қиздириб. — Қор тушганидан кейин майли бир-икки ой дам олармиз. У ёқларнинг совуғи бизнинг мижозимизга тўғри келмайди.

— Бир сафар ўзинг бориб келаёқол, — дедим охири.

Сафарали бирдан жим бўлиб қолди. Ерга қаради.

— Боргинг келмаётган экан, майли, бормай турамыз, — деди у бироздан кейин. — Дам олсак олибмиз-

да. Нима, пулнинг кетидан қувиб жонимизни жабборга берамизми энди?

— Ке, яна биттадан ичамиз, — дедим енгил тортиб. Сафарали "жон" деб рози бўлди.

Бир соатлардан кейин биз қаҳвахонадан чиқиб хайрлашдик. Уйга қайтиб хотинимга кўнғироқ қилдим.

— Эртага учрашиб гаплашиб олайлик, — дедим Саодатга.

— Нимани гаплашамиз? — деди Саодат.

— Гап топилиб қолар.

— Шу гапни айтиш учун ярим кечаси безовта қиялпсизми? Соат неччи бўлди, қарадингизми ўзи?

— Кўнгил тинч бўлмагандан кейин...

— Нега кўнглингиз тинч бўлмайди?

— Энди...

— Биров бир нима дедими?

— Йўқ.

— Нега унда?.. Йўқ, сизга кимдир нимадир деган.

Эшитиб олинг, ким нима деса дейвермайдами? Менинг неча пуллик ишим бор! Ўзимга тўғри бўлсам бўлди-да!

Гўшакдан қисқа-қисқа гудок эшитила бошлади.

Сукунат чўмган хонада гудок овози шу қадар қаттиқ жаранглаб эшитилардики, худди поезднинг тақа-туқ овозига ўхшаб мияга калтак билан ураётгандек таъсир қиларди. Гўшакни отиб юбордим. Энди у ерда юмалаб ётганча "ду-ду"ларди. Гўё бутун хонани гудок товуши босиб кетгандек, қулоқларим шангиллади. Қўлларим билан қулоқларимни бекитдим. Барибир гудок товуши эшитилаверди. Тўсатдан гудок товушини поезднинг "тақа-туқ" овози босиб кетди, шунда биров миямга мих қоқаётгандек бошим ҳаддан ташқари қаттиқ оғриб кетди, бундай оғир азобдан қутулиш чорасини тополмай асабийлашганимдан безгак тутгандай, қалт-қалт титтардим...

... Эрталаб Сафаралига кўнғироқ қилдим.

— Қачон йўлга чиқамиз? Мен тайёрман, — дедим гапни чўзмасдан.

— Намунча? Тушинга кириб чиқдими сафар?

— Ўрганиб қолибман.

— Бир ҳафтадан кейин чиқсак, нима дейсан?

— Нега?!

— Хотиним балконни ремонт қилиб беринг, деганди. Хўп, деб қўйгандим. Бир ҳафтада тутатаман.

— Э, шунақами?

— Ҳа, бўпти, балкон туриб турар. Хотиним шунча кутган, яна бироз кутар. Бўпти, ҳозирлигингни кўравер, оғайни. Мен тайёрман!

Шундай қилиб, яна сафарга чиқадиган бўлдик. Баҳодир ишлайдиган поезд жалвали ёд бўлиб кетгани учун у билан олдиндан хабарлашмасдан кечки соат бешларга станцияга келдик. Бизнинг поездимиз темир рельслар устида гўдайиб турарди. Биз ўнча поезд орасида турган бўлсаям поездимизни дарров танирдик. У бизга жуда қадрдон бўлиб қолганди.

Мен юкларимиз олдида қолдим.

Сафарали Баҳодир билан гаплашиш учун ичкарига кириб кетди. Беш дақиқалардан кейин у безовта бир қиёфада чиқиб келди.

— Ҳа, нима гап? — дедим унинг гапиришини кутишга сабрим етмасдан.

— Иш чатоқ-ку, оғайни, — деди Сафарали ўйчан оҳангда.

— Э, гапирсанг-чи, нима бўлди?

— Баҳодирни ишдан бўшатишибди...

— Нега?! Ўйлаб гапиряпсанми?

— Хў бирда... эсингдами, поезддаги қизлар... Биттаси қочиб кетганди, биттасини Жалол пастга улоқтирганди, эсингдами? Ўша қизлар соғ-омон экан. Жалол билан Баҳодирни судга беришибди!

— Бошлашибди-ку, — деб юбордим беихтиёр.



— Хурсандмисан, нима бало?
— Бир томондан жуда тўғри қилишибди.
— Иккинчи томондан-чи? — Сафарали менга синовчан тикилди.

— Иккинчи томондан, бизнинг аҳволимиз нима бўлади энди?

— Ҳа-а, — деб қўйди Сафарали.

Кайфият бузилди. Аввал ҳам у қадар зўр эмасди-да... Ўзимни назарда тутиб айтаяпман бу гапни. Саодат ўзини оқлай бошлагандаёқ кайфиятим бузилиб бўлганди. Мен "ғийбат" ҳақида шаъма ҳам қилиб улгурмагандим, у ўзини оқлай кетди. Мен бошқа масала юзасидан гапирмоқчи бўлиб кўнғироқ қилгандирман эҳтимол. У бўлса дарров гапни ўзи томонга буриб юборди! Иштонни йиртиқнинг тиззаси қалтирайди, деганлари шумикан?

Саодатдан буни кутмагандим. Шунинг учун ҳам узоқ-узоқларга кетгим келганди. "Энди уйда кам бўламан. Тинимсиз равишда савдо билан шуғулланаман. Ана шунда ўйлаш учун, сиқилиш учун фурсат қолмайди!", дегандин эрталаб уйдан чиқиш олдидан. Кўриб турибсизки, худо буни ҳам кўп кўрди.

— Энди нима қиламиз, оғайни? — деди Сафарали бир маҳал секин туртиб. — Боядан бери юзингга қараб турибман, бирор нима дермикансан, деб.

— Орқага қайтиш йўқ. Қандай бўлмасин кетишимиз керак, — дедим. — "Мол"дан айрилиб қоламиз бўлмаса.

— Э, яша! — деди Сафарали. — Орқага қайтиш йўқ, а? Мен сендан кўрқиб турувдим. Фельдинг айниб шартга жўнаб қолсанми деб! Мен ҳозир...

Сафарали яна ичкарига кириб кетди.

Соат тўққизда поезд жўнайди.

Сафарали шунгача бирорта проводник билан гаплашишга улгуриши керак. Ишимизнинг хавфли жойи шунда эдики, биз олиб бораётган маҳсулотларни узоқ сақлаб бўлмасди, икки кун кечиксак, уллардан айрилишимиз турган гап. Бу дегани, банкрот — хонавайрон бўлиш дегани эди. Шунини ўйлаб, мабодо банкротга учрасак — хаёл душман-да — қанча зарар кўришимизни ҳисоб-китоб қилиб турганимда, тенгсалиб юрган одамлар орасида Сафаралига кўзим тушди. У ёнида элликларга борган, паст бўйли, мош-гуруч соқол-мўйлови ўсинқираган, ҳаракатчанлиги шундоқ юз-кўзидан, ўзини тутишидан ва айниқса, илдам қадам ташлашидан сезилиб турган бир киши билан мен томонга келарди.

— Танишинглар, бу киши Омон ака бўладилар, — деди Сафарали менга қараб. — Энди шу киши бизга йўл-йўриқ кўрсатиб туради.

— Бажонидил, бажонидил, — дея қўлини кўксига қўйди Омон ака, афтидан бировларга ақл ўргатишни хуш кўрувчи, ўзига юкланган ишни ўрнига қўйиб, дундириб бажармагунча кўнгли тинчимайдиган кишилардан эди бу одам.

Биз танишидик. Шундан кейин Омон ака:

— Демак, энди бундай қиламиз, — деганча бизга ёд бўлиб қолаёзган — юкларни вагонга ортишдан тортиб то манзилга етиб боргунча бўладиган саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил, эринмасдан тушунтира кетди.

Мен Сафаралига қарадим.

У эътибор берма, ҳа, деб тур, дегандай кўзини қисиб қўйди.

Шундай қилиб, ўша куни бир-биримизга буни очик айтмаган бўлсак-да, дилимизда аллақандай хавотир-ҳадик туйган ҳолда икки дўст яна йўлга равона бўлдик. Уч кун давомида Омон ака биздан тез-тез хабар олиб турди ва ҳар гал йўлда учраши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида бизни огоҳлантириб, тушунча бериб, эҳтиёт бўлишимизни қайта-қайта эслатиб кўярди. Биз бўлсак худди ишонқирамаётгандек:

— Йўғ-е, шунақа бўладими? — деб кўярдик.

— Ие, ҳали бу ҳолва! — дерди Омон ака шунда

бирдан овозини бир парда кўтариб. — Ҳозир шундай бир воқеани айтиб бераманки!

Шундан кейин у ўриндиққа жойлашиб ўтириб олиб, хикоя қилишга тушиб кетарди.

— Бу одам бизни "ноловойчи"лардан деб ўйлапти шекилли, — дердим ачиқкланиб Омон ака чиқиб кетганидан кейин Сафаралига қараб.

— Ҳа, деб қўявер-да. Андиларга ақл бўляпман, менам чакана одам эмасман, деб хурсанд бўлиб юради.

— Бунақаларга ўзингни содда кўрсатсанг, бошингга чиқиб олишади.

— Худо хайрингни бергур, бало-қазо бўлсаям чидайсан-да энди, — дерди Сафарали кулиб.

— Ҳа, илож қанча, чидаймиз-да, — дердим бирдан ўзимга келиб. Ана шунда Сафарали бир гап айтди, ҳеч эсимдан чиқмайди:

— Одам ўзига нисбатан аёвсизроқ бўлиши керак. Ҳақиқатга қарагандай, тик қараш керак ўзига ўзи.

Мен қарши фикр билдирмоқчи бўлиб, энди оғиз жуфтлаган эдим, Сафарали гапни илиб кетди.

— Лекин афсуски, бунинг иложи йўқ. Одамзод куёшга тик қарай олмагандек, ўзига ўзи қарши боролмайди. Одамзод ўзини кўпроқ яхши кўради.

Индамай қўя қолдим. Чунки Сафарали айтган гапни мен ҳам айтмоқчи бўлиб турганим-да.

Ушанда манзилга эсон-омон етиб олдик.

Бу бизнинг, янглишмасам, ўн иккинчи рейсимиз эди. Ҳазил гап эмас бу. Илк қадамданок банкротга йўлиқиб, бизнеснинг "б" ҳарфини ҳам атамайдиган бўлиб, "майдон"дан чиқиб кетганлар қанча! Биз ҳарқалай эпладик, тўғрироғи, эплаётгандик. Тажрибамиз ортиб борарди. Ҳар сафар бизнесга оид нимадир ўрганардик, кашф қилардик. Бора-бора бу соҳанинг пирилари бўлиб кетамиз-ов, деган ички ишонч пайдо бўлганди. Дарвоқе, бу гапни биринчи бўлиб Сафарали айтганди.

— Ҳадемай катта бизнесмен бўлиб кетамиз-ов, Даврон, — деганди у хитой бозоридан қайтаётганимизда. Бир кун келиб бизни ишбилармон сифатида телевизорда кўрсатишсаям ажабмас. Шунда курсдошларимиз кўриб ҳайратдан ёқа ушлашса керак. Сени кўрганлар хушидан кетишлари турган гап.

— Бизнес ҳам фан, — деб қўйдим.

— Яхши гап айтдинг, — деди Сафарали менга қараб кулиб кўяркан. Унинг шундай хотиржам, беозор кулиб қўйиши ўзига ярашарди, ўзига хос эди.

Биз вақтдан ютишга ҳаракат қилардик. Бунга эришардик ҳам. Чунки жуда шошилиб ишлардик. Баъзилар икки-уч марта борадиган ерга биз бир марта борардиг-у, ишни ҳал қилардик. Бозор айланаётганда ҳам шу қоидага амал қилардик. Сафарали иккимиз бозорни бир қур кезиб, керакли нарсаларни харид қила солиб ортага қайтардик. Иқтисод қилган вақтимизни ўзимиз учун сарфлардик. Ё шаҳар айланардик, ё...

— Бугун тунов куни киролмай кетган ресторанга кирамиз, — деди шу куни Сафарали одатдагидай ортага қайтиш тадоригини кўриб бўлганимиздан кейин.

— Э, қўйсанг-чи.

— Қўймайман, борамиз, оғайни. Ўладиган бу дунёда оч қолган итдай қачонгача тилимизни осилтириб юрамиз?

— Жа осилтириб юрганимиз йўқ-ку. Яхшиси бирор кутубхонага борайлик. Бир китобни Тошкентдан тополмай юрганимда, Россияда бўлади, дейишганди.

— Китобингни қўятур, — деди Сафарали... — Ҳозир ўша ресторанга борамиз, тўйгунча еб-ичамиз, кейин...

Сафарали бирдан жим бўлиб қолди.

— Кейин-чи? — дедим.

— Кейинми? — Сафаралининг ҳорғинликдан тиришган юзи ўзига хос табассумдан бирдан ёришди. — Бир гап айтмас, хотинимга айтиб қўймайсанми?

— Бе, шуям гап бўлди-ю...



— Биласанми, оғайни, менинг бир орзуим бор!

— Қанақа орзу? — дедим кулгудан зўрга ўзимни босиб.

Сафарали кулгим келганини пайқади, лекин эътибор бермади, тўғрироғи, парво қилмади бунга.

— Бир зўр ресторан бўлса... Шу рестораннынг шағамлар билан ёритилган кичкина хонаси бўлса... Шу хонада ўзим суйган бир аёл билан... бир-биримизга термилиб ўтирсак... қўларимизда бокал... коньякми, шампанскийми вижирлаб турса... Девор ёриқларидан сизиб чиқаётгандай сокин бир мусиқа эшитилиб турса... Узилиб қолмаса, худди охири йўқ куйдек чалинаверса, чалинаверса... Биз бокалларимизни столга қўйиб, бир-биримизга тикилган кўйи ўрнимиздан турсак... Яна шундай, бир-биримизга тикилган кўйи бир-биримизга яқинлашсак... Ва у... худди ҳолдан тойган оққуш мисол бошини кўксимга қўйса...

— Нега энди "... ҳолдан тойган" бўлиши керак?

Шундай деб савол беришимни биламан, Сафарали кўзи очиқ ҳолда ухлаётган одам қандайдир турткидан чўчиб уйғонгандек сесканиб тушди. Саволимни англамади, деб ўйлаб такрорлаш учун лаб жуфтлаган ҳам эдимки, Сафарали:

— Мени кутиб чарчаган-да!.. — деди асабийлашгандек бўлиб.

Очиғи, ҳайбатидан от хуркадиган, бесўнақай, оғир-вазмин табиатли дўстимнинг қалби бундай нозик, жозибали туйғуларга ҳамоҳанг, таъсирчан эканлиги мени ҳайратга солганди. Сафаралига ўхшаш кишилар одатда ҳис-ҳаяжонга берилмайдиган, борига қаноат қилиб кетаверадиган бўлади, деб ўйлардим-да. Хато фикрга борганим, сиртки тасаввур алдамчи тасаввур эканлигига ўшанда ишонч ҳосил қилганман. Лекин буни Сафаралига сездирадими.

— Мен сени хотинини бошига кўтарадиган эркак, деб юрсам, бундан чиқди севган аёлинг бошқа экан-да?! — дедим атай унинг қитиқ пагига тегиш учун.

Сафарали бирдан сагчиб кетди.

— Ҳов бола, ўйлаб гапир! Мен хотинимни бошимга кўтараман!

— Унда бояги гапингни қандай тушунса бўлади? — дедим паст тушгим келмай.

— Энди бу... — Сафарали бўшашиб, гап тополмай қолди.

— Қўлга тушдинг-ку, оғайни!

— Одам етиша олмайдиган нарсасини идеаллаштириб яшайди. Бу энди бир орзу-да, оғайни, йўқ, армон, десам тўғрироқ бўлади. Юр, кетдик!

— Қаёққа?

— Бугун энди ичмасак бўлмайди. Ўлган илоннинг бошини кўзгаб қўйдинг, шунинг учун энди сенинг ҳисобингдан ичамиз!

Ноилож рози бўлдим. Бошқа чорам йўқ эди. Сафарали шундай важоҳатда эдики, жа оёқ тирайверсам, мени ташлаб, ўзи жўнаворадигандай қараб турарди.

Йўл-йўлакай менга маъқул кўринган иккита қаҳвахонага дуч келдик. Аммо Сафарали рози бўлмади.

— Фақат ўша ресторанга! — дерди у ҳеч қаерда тўхтамасдан кетиб бораркан.

Ниҳоят, ўша ишқимиз тушган ресторанга етиб бордик.

— Бу қилигимиз телбалик, — дедим Сафаралини шаштидан туширишга охирги марта уриниб. — Кўрпангга қараб оёқ узат, деганлар.

— Ҳалиям кўрпамизга қараб оёқ узатяпмиз. Қуюшқондан чиққанимиз йўқ, нега бунча ториқасан?! — Бу ердагилар роса устимиздан қулишса керак.

— Нега? — ҳайрон қолиб сўради Сафарали.

— Уст-бошимизга қара. Ресторанбоп эмас-да!

— Уст-бошимизга нима бўпти? Бип-бинойидай. Юр, ичкарига кирайлик энди!

Ичкарида бизни ҳозиргига ўхшамайдиган, бутунлай бошқа олам кучоқ очиб қарши оладигандай, Сафарали терисига сиғмай ошиқарди.

— Бу фирт телбалик, — дея такрорлардим яна.

— Ҳаётимизда бир марта телбалик қилсак қилибмиз-да. Пулдан ғам ема. Ё сенинг ҳисобингдан ичамиз, деганимга қўриқиб кетдингми?

— Ўйлаб гапирсанг-чи! Бўпти, кетдик.

Кириб борганимизда ичкарида одам камчил эди. Шифтдаги қандиллардан таралаётган шаффоф ёдуга чулганган кенг-мўл залда осойишталик ҳукмрон. Одамни ўзига чорлайдиган нимадир бор эди.

Мен эшикка яқин столлардан бирини танлагандим, бу Сафаралига ёқмади. У тўрға ўтиб, девор ёнидаги столлардан бирининг ёнига бориб ўтириб олди.

Хушбичим, бели бир тутам, кўзлари чакнаб турган официант қиз ёнимизда пайдо бўлди.

— Бу ёққа беринг! — Сафарали кўпол бир ҳаракат билан қизнинг кўлидаги "меню"лар дафтарини юлқиб олди.

Қиз одоблигина экан, Сафаралига ёқимли табассум ҳая этди. Вагон ошхонасидаги хизматчи аёл бўлганида сира ҳам бундай қилмасди, овозининг борича бир бўкириб берарди ёки дафтарни юзинга отиб юборарди. Жуда баджаҳл хотин бўлгани учун эсимда қолган.

— Ўзим учун нима танласам, сенгаям бўлаверадими? — сўради Сафарали мендан. — Ё ўзингга алоҳида буюртма берасанми?

— Дафтарни бер-чи.

— Э, йўқ, — деди Сафарали кулиб. — Даҳшатдан кўзинг чиқиб қолмасин тагин.

— Билганингни қил-э! — дедим қўл силтаб.

Сафарали бир нималар деб мингирлаганча яна "меню"га кўз ташлади, шундан кейин залнинг бир чеккасидаги пештахтага суянганча маҳтал турган қизга им қоқди.

Аввал-бошда Сафаралининг хатти-ҳаракатини назорат қилиб турдим, аммо икки қадаҳдан отиб олганимиздан кейин чарчаган вужудим бўшашиб, сархушлик домида қолганимдан ҳеч нарса билан бўлмай қолди.

— Қадаҳлари кичкина экан, ҳеч ичгандай бўлмапман, — деди Сафарали бир маҳал бармоқлари орасида турган жимитдай биллур идишчани менга кўрсатиб.

— Каттароғини заказ қил, — дедим унга ярим ҳазил, ярим чин маънода.

— Шундай қиламиз шекилли, — Сафарали ён-верига аланглаб официант қизни қидириб топди-да, ёнимизга имлади. У яқин келгач: — каттароқ стакан йўқми? — деб сўради қадаҳни кўрсатиб.

Қиз фаҳм-фаросатли экан. Албатта ўз фойдасига. У бир зумда биратўла иккита каттакон бокал келтирди.

— Битта ичсанг ҳам мана шунақасида ичиш керак-да, — деди Сафарали ичидаги ароқ йилтираётган бокални баланд кўтарганча.

— Тўғри, — дея унинг сўзини маъқулладим.

Бу вақтда мен илк сархушликнинг қонни қиздирувчи ёқимли ёдусини сеза бошлагандим. Шу билан бирга вужудимда беозор бир тўлқин кўзгалган, ҳаётимнинг бўм-бўш сониялари аллақандай мазмун касб этгандек, умримнинг яқранг, бесурур осмонида яна орзу каптарлари чарх ураётганди.

— Зўр жой экан-а? — деди Сафарали.

— Бу ер ресторан эмас, оламнинг энг сокин, гурбатсиз бир гўшаси, — деб жавоб қайтардим кўтаринки кайфиятда.

Яна ичдик.

Сафаралининг пешонасида қизил доғ пайдо бўлди. "Кайфи ошиб қолибди, энди тўхтатсак ҳам бўлар", деган ўй кечди ҳаёлимдан.



- Тураимизми? — дедим унга қараб.
- Яна бирпас ўтирайлик, кейин...
- Лекин энди ичмаймиз!
- Хў-ўп.

Сафарали яхна ичимликка тўла бокалга қўл узатаркан тўсатдан эшикка тикилганча шамдай қотиб қолди. Мен эшикка орқа ўгириб ўтиргандим.

- Ҳа, нима бўлди? — дедим унга.

Сафарали индамади. Унинг энди иккала юзи ҳам қизариб кетганди. Ҳеч вақога тушунмасдан ортимга ўтирилдим ва... хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, эшик олдида турган хусни малоҳати таърифга сиғмайдиган даражада соҳибжамол бир аёлга кўзим тушди!

Менинг ҳам бутун вужудим кўзга айланиб, унга тикилиб қолдим.

Аёл нигоҳлари билан аста зални кўздан кечирди-да, кейин бир-бир босиб биз томонга юрди. Унинг ялтироқ матодан бежирим тикилган кўйлаги кифтидан қарийб ергача тушиб турар, тор кўринса ҳам бемалол қадам босишга халақит бермасди. Тик қомати сарвдай, нозик, мағрур, шу билан бирга ёнига йўлаб бўлмайдиган даражада гўзал эди у...

Яқинлаша бошлаганда мен унинг юз-кўзларига разм солдим. Эвоҳ! Соҳибжамолнинг шахло кўзлари ниҳоятда ўйчан, паришон, ҳуркак, ўқинчли, ҳатто ҳаётдан умидини узган бир алпозда эди.

— Мана у! Бу ўша! — деди Сафарали ҳаяжон билан пичирлаб аёл ёнимиздан сирғалиб ўтиб чап томондаги стол ёнига бориб ўтирганида.

- Йўғ-э, — дедим кулгим қистаб.

Сафарали "ялт" этиб менга қаради. Юз-кўзларимдаги мазахли ифодани фаҳмлади чоғи, жиддий тортди.

— Айнан унинг ўзи эмас-ку... Лекин мен уни худди шундай тасаввур қилардим, — деди у овозини янада пасайтириб.

Худди шу чоғ буюртма қилгандай, йўқ, аниқроғи, Худо унинг ички ноласини эшитгандай, зал бўйлаб ёқимли куй таралди. Мен мусиқашунос эмасман, биринчи нотани эшитганданок: "Бу туркча, буниси эронча куй", дея фарқлайдиган, аммо шуни аниқ биламанки, бу куйда фақат нафосат, жозоба ва муҳаббат ҳукмрон эди, деб аниқ айта оламан. Чунки нақ юракка бориб тегаётган оҳанг шундан далолат берарди.

Сафарали ичишни ҳам унутган, аёлдан кўз узолмай ўтирарди.

- Ёқимли куй экан-а? — дедим уни чалғитиш учун.
- А? Ҳа, жудаям... — деди Сафарали бўлиб-бўлиб.
- Ўша сен орзу қилган куйга ўхшайдими, дейман.
- Ҳа.
- Уни рақсга таклиф қилмайсанми?

Сафарали безовталиқ билан кўзгалиб қўйди.

— Таклиф қилайинми? — деб сўради кейин менга жовдираб қараганча. Ўлай агар, шу лаҳзада унинг чеҳраси бутунлай ўзгариб кетганди. Турмуш машаққатига дучор бўлган ҳар бир инсон афтида манаман деб турадиган ҳорғин нуқс унинг юзидан ғойиб бўлиб, атиги бир неча даққажо сониялар ичида бамисоли севги маъбудига айланиб қолганди. Ҳа, шундай хурлиқо ва мусиқа бор ерда ҳар қандай эркак таслим бўлади, турмуш ташвишлари чекинади!

— Таклиф қилсанг яхши бўларди, — дедим секин, дона-дона сўзлаб. — Орзуинг ушаларди.

- Орзу?!

— Узинг айтгандай, ҳолдан тойган оққуш мисол иккала қўлини бўйнингга ташлаб олади!

Сафарали гапим оҳангидан калака қилаётганимни пайқади, лекин эътибор бермади, гарангсиган, довдираган бир қиёфада ўрнидан турди, айни шу аснода нотаниш соҳибжамол бизнинг нигоҳларимизни ҳис этди чоғи, безовталандек ён-верига югурик назар ташлади ва адл қоматини хиёл букчайтирганча девор томонга

ўтирилди. Тўғриси, аёл ўз гўзаллиги билан мени ҳам лол қолдирган, лекин нима учундир уни Сафарали каби юрагимга яқин ололмадим. Ҳайратланиб тикилганим сайин аёлнинг бегона ва мендан анча олисда эканлигини ҳис этардим.

— Йўқ, рақсга таклиф қилмайман! — Сафарали бирдан фикридан қайтиб, стулга ўзини ташлади.

— Нега? — деб сўрадим липопчадаги товуқ оёғига қўл узатарканман. — Ботинолмаяпсанми?

— Орзу амалга ошса, юракда армон қолмайди. Юракда армон бўлгани яхши. Қолаверса, орзу амалга ошса, унинг нимаси орзу? — деди Сафарали гўё бир грамм ҳам ичмаган одамдай менга тик қараб.

Индамадим. Ҳолбуки ҳар доимгидай, Сафарали ҳақ эди. Гапнинг индаллосини айтди-қўйди.

Биз чурқ этмасдан қадаҳлар... э, бокаларимизни тўқиштирдик. Аммо ичишга улгура олмадик.

- Ие, уни қара, — деб қолди Сафарали шу вақт.

Қарадим. Нотаниш хурлиқо қаршисида турган яп-янги костюм-шими ўзига жуда ярашган, баланд бўйли, башанг йигитга кўзим тушди. Йигитнинг пулдор эканлиги, ҳаётда камчилик кўрмагани, ўзи истагандай яшашга қурби етадиган, беғам кимса эканлиги сип-силлиқ юзидан шундоқ сезилиб турарди.

- Йигит назокат билан аёлга нимадир деди.

Шу вақт:

— Йўқ, де! Рози бўлма! — дея жазава ичида пичирлади Сафарали аёлга қаттиқ тикилганча.

— Куйсанг-чи, оғайни, — дедим уни бироз совитиш мақсадида. — У бегона бир аёл бўлса... Қолаверса, бундай аёллар пулдор эркакларга муносиб!

— Пулдор эркаклар жирканч бўлишади! — деди Сафарали ижирғаниб.

— Аммо пул жирканч эмас-ку. Сен билан мен бу ерларда нима учун юрибмиз?

Сафарали гап тополмай қолгандек менга тикилди.

— Бўлди, тураимиз энди, — дедим қўлимни артишга чоғланарканман, мен ўтиришимизнинг тахири чиқиб қолишидан чўчиётгандим.

— Вой аблаҳ, ановини қара! — дея шивирлади Сафарали шу чоғ.

Нималар бўлаётганини аллақачон фаҳмлаган бўлсам-да, дўстимнинг кўнгли учун аёл томонга қарадим. Ҳалиги башанг йигит бизнинг соҳибжамолимиз билан рақс тушарди.

- Ана кўрдингми? — деб қўйдим секин.

Сафарали миқ этмади. Лекин шундан кейин у ўзини умуман бошқара олмай қолди. Бокални тўлдириб, кетма-кет ича бошлади.

— Бас қил, — дедим унга, хавотирга тушганимдан юрагим така-пука бўлиб.

- Менга буйруқ беришга ҳаққинг йўқ!

Сафарали шундай деди-да, хизматчи қизни чақириб яна ичимлик буюрди. Баодоблигимиз курсин, уни ресторандан судраб чиқиб кетишга уялдим. Ҳали ҳисоб-китоб масаласи турибди...

— Сафар, поездга кеч қоламиз. Қаерда эканлигимизни унутма, — дедим унинг ёнига ўтиб.

— Сен айтмасанг ҳам биламан қаерда эканлигимни! Қарасам, Сафарали ён бермайдиган, шартта хизматчи қизни чақирдим-у, ҳисоб-китоб қилишини сўрадим.

— Йўғ-э?! — хизматчи қизнинг оғзининг бир четидан чиққан суммани эшитиб эҳсонан чиқиб кетаёзди. — Тўғри ҳисобладингизми? — деб юбордим беихтиёр, қизга ишонқирамагандай қараб.

— Мана! — хизматчи қиз энсаси қотиб қошларини чимирганча дафтарни кўрсатди.

Шошилганча чўнтакда борини чиқардим. Кейин Сафаралини "тунадим". Шунда ҳам пулимиз етмасдан қарз бўлиб қолдик. Сафарали ғирт маст, столга бошини қўйганча ухлаб қолганди.

Можаро бошланди.

— Ҳозир тўлаб кетасизлар, акс ҳолда, милиция чақираман! — деб туриб олди хизматчи қиз.

— Икки соатда қайтиб келаман, — дердим мен.

Хизматчи қиз билан ишимиз битмади. Мен асабийлашиб қаттиқроқ гапира бошлагандим, ичкаридан қирқ бешларга борган, афтидан, иш бошқарувчига ўхшаш бир кимса чиқиб можарога аралашди. Мен илтимос қила-қила охири иш бошқарувчини кўндирдим. Фақат бир шарт билан: иккаламизнинг паспортимиз ва... Сафаралини гаровга қолдириш эвазига!

— Келгунингизча дўстингиз шу ерда бўлади. Хавотирланманг, ҳеч ким унга даҳл қилмайди. Лекин икки соатда қайтиб келмасангиз биз дўстингизни милицияга топширамиз, — деди иш бошқарувчи.

Оёғимни қўлимга олиб ресторандан учиб чиқдим. "Поезд эрталабки олтида жўнайди. Демак, Омон ака шу ерда. Ундан фоиз ҳисобига бўлсаям пул оламан-у, ортимга қайтаман. Омон акада пул бўлмаса, Люся холага телефон қиламан", — дея хаёлан режа тузардим йўл-йўлакай.

Бир маҳал...

— Тўхта! — деган овоз эшитилди қоронғилик қаъридан. Иккиланганча секин тўхтаб, ён-веримга қарадим. Шунда рўпарамда йигирма бешларга борган милиция сержанти кийимидаги йигит пайдо бўлди. Ўлай агар, унинг қайси ковакдан чиқиб келганини ҳалигача эслолмайман.

— Милиция сержанти Карменов, — дея ўзини таништирди йигит. — Хужжатиңизни кўрсатинг.

— Хужжат? Ҳа, паспортимми? — хаёлим жойида эмаслигидан дафъатан мени нима учун тўхтатганини ҳам англай олмасдим.

— Ҳа, хужжат, — дея такрорлади йигит. — Шаҳарда юриш учун рухсатингиз борми?

— Бор, албатта, бор. Бор бўлмаса шаҳарда юрармидим? — дедим энди сал ўзимга келиб.

— Кўрсатинг-да бўлмаса! — жаҳли чиқди йигитнинг.

— Биласизми...

Мен йигитга вазиятни тушунтирмоқчи бўлдим, тушунтирдим ҳам, лекин у менга ишонмади.

— Участка пунктига борасиз мен билан, — деб туриб олди у.

Ана кўргилигу, мана кўргилик!

* * *

Эрталаб.

Участка пунктида мени кўп ушлаб туришмади. Аммо "Бор, тўрт томонинг қибла!" деб қўйиб ҳам юборишмади. Ҳар қалай, тил билмас чулчут эмасман, участка нозири мўйловли милиционерга бор гапни куйиб-пишиб айтиб бердим. Участка нозирининг гапларимни бўлмасдан эшитаётганини кўриб қалбимда озгина умид учкунлари пайдо бўлганди. Пировардида у:

— Хужжатиңиз йўқ экан, ҳаммаси бекор! — деди-да, эшик олдида турган Карменовга имо қилди: — Олиб бор!

Мен тушунмадим, ўлай агар, ҳеч нарсага тушунмадим. Булар мени қаерга олиб боришмоқчи? Елкамдан зилдай юк босиб тургандай оғир тортиб Карменовга эргашдим.

Ташқарида усти ёпиқ машина турарди. Карменов борт эшигини очиб менга буюрди:

— Чиқ машинага!

— Ака... — дея Карменовга мурожаат қилдим.

У эса гапимни эшитгиси ҳам келмай юзини терс бурди. Этим увишиб, аъзойи-баданам титрарди. Аҳамият берсам, ҳаво кечагига қараганда ағча совиган, осмонни қўрғошин тусли рўдапо булутлар қоплаган, ўрмон ҳиди димоққа уриларди.

Карменовнинг қистови билан машинага чиқдим. Зим-зиё қоронғилик ичида кетиб борарканман, ҳадеб ва ҳадеб Сафаралини ўйлардим. Кайфи тарқаб хушига келганидан кейин паспортларимиз ва ўзининг гаров сифатида қолдирилганидан хабар топгач, қандай аҳволга тушаркин? Ҳойнаҳой, мени қочиб кетди, деб ўйласа керак. У менга қараганда эп-ли-шудли, бир иложини қилиб қутулиб чиқса яхши бўларди. Иложини қила олмаса-чи? Бугун эрталаб жўнаган поезд билан уч кундан кейин уйига кириб бормаса, хотини ва болалари не қўйга тушаркин? Мен пешонамда борини кўраман. Бедананинг уйи йўқ, қайга борса питбилдиқ, дейишади-ю... Аммо Сафаралига жабр бўлди-да. Ҳаммаси телбалигимиз оқибати! Бир ҳордиқ чиқарамиз деб... Йўқ, буларнинг бари анови аёл туфайли! Ҳа, ҳа, ўша соҳибжамол бизни балога гирифтор қилди.

У кутилмаганда ресторанга кириб келмаганида Сафарали уни кўрмасди, шунингдек, ичмасди ҳам! Мана энди...

Машина кўққисдан тошга урилдими ёки йўл нобопмиди, бирдан қаттиқ чайқалиб кетди. Мункиб кетиб, тиззалаб ўтириб қолдим. Уй-фикрларим шиша синиқларидек ҳар томонга сочилиб кетди. Кўзларим қоронғиликка кўника бошлагандан аста-секин бортга яқин келдим. Дағал брезентнинг бир четини кўтариб ташқарига қарамоқчи бўлдим. Лекин брезент машина бортига шундай мустақкам маҳкамлангандики, қанча уринганим билан қўлимдан ҳеч нарса келмади.

Чамаси ярим соатлар юрганимиздан кейин машина тўхтади. Кабина эшиги очилиб-ёпилди. Афтидан Карменов тушди шекилли. Қонун-қоидадан оз-моз хабардор бўлганим учун ўзимча тахмин қила бошладим: "Ҳозир мени шахсини тасдиқловчи хужжати бўлмаган фуқаро сифатида уч кунча қамаб қўйишса керак. Шу уч кун ичида улар менинг шахсимни аниқлайдилар. Паспортимнинг гаровда эканлиги тасдиқлангач, мени қўйворишади".

Ташқарида гўнғир-гўнғир овозлар эшитилди. Ҳушёр тортиб, борт эшигига тикилдим. Лекин... Кутилмаганда машина яна йўлга тушди. Оббо! Юрагим гаш тортиб, сиқилдим. Машина аллақандай нотекис йўлдан борарди, чамаси, ўқтин-ўқтин силкинар, чайқалар, оғир юкни тортолмаётган от пишқиргандек мотор тинимсиз гурилларди.

Бирор соатлар юрганимиздан кейин машина тўхтади.

— Туш!

Борт эшигини очган йигит менга беписанд, лоқайд назар ташлади.

— Карменов қани? — деб юбордим беихтиёр.

— Савол берилмасин! Кетдик.

Йигит мени атрофи тахта деворлар билан ўралган, арча ва бурганлар ҳиди гуркираб турган торгина ҳовлидан ўтиб, пештоқига "Милиция пункти" деб ёзилган хужрасифат хонага бошлаб кирди. Энди фаҳмим етди, боя йўлда тўхтаганимизда Карменов машинадан тушиб қолган экан-да.

Бу ерда бизни коптокдай юм-юмалоқ, мовий кўзлари кичкина, жингалак сарғиш сочлари пешонасига тушиб турган ўрта яшар участка нозири кутиб олди. Мени эшик олдида — остонада қолдирган соқчи йигит нозирга яқин бориб унга нимадир деди, қўлтиғидаги папкасидан қандайдир қоғозларни олиб берди. Копток нозир пўстакнинг йиртиғидан қарагандай, менга зингил солди, кейин бош ирғаб соқчи йигитга кулиб қўйди. "Намунча ўзларини сирли кўрсатишмасангиз? — дея хаёлдан ўтказдим фикриниб. — Ўзларича мени соғиб ичиладиган сизгир хаёл қилишяпти-ёв... Ҳозир савдолашишни бошлашса керак. Мени уч ёки ўн беш кун қамоқда олиб ўтиргандан уларга фойда йўқ. Шунинг учун оладиганини олиб, кейин мени қўйиб юборишмоқчи..."

Соқчи йигит чиқиб кетди.



Нозир қўлида тутиб турган қоғозга бир қур кўз югуртириб чиқди-да, сўнг менга юзланиб ёнига имлади.

— Протокол билан танишиб чиқдим. Сизни нега бу ерда ушлаб турганимиз сабабини ўзингиз ҳам биларсиз?

— Ҳа.

— Унда мана бу ерга қўл қўйинг.

— Уртоқ капитан...

— Қўл қўйинг, деяпман!

Копток нозир ўқрайиб қаради ва стол устида турган дубинкасини қўлига олди. "Ҳаммаси тушунарли, изоҳга ҳожат йўқ, — дедим ичимда. — Қўл қўйсам қўявераман. Барибир уч кундан кейин қўйиб юборасан. Қўйиб юборишга мажбурсан!"

Стол устига энгашиб протоколга қўл қўйдим. Шундан кейин нозир соқчини чақирди ва мени кўрсатиб:

— Камерага олиб бор! — деб буйруқ берди.

Этим жимирлаб кетди. Камера, қамоқ деган сўзлар кулоққа совуқ эшитилади-да. Қизиқ, нега улар мени қўлма-қўл қилишди? Қоида бўйича мен мўйловли милиционернинг ҳибсида бўлишим лозим эди. У бўлса копток нозирга "оширди" мени! Қанча ўйламайин, барибир ҳеч нарсага тушуна олмаётгандим. Дарвоқе, яна бир нарса эътиборимни тортгани эсимда. Ушанда камерага келгунча бир неча одамнинг "қўли"дан ўтдим. Улар мени сўроқ қилишарди, аллақандай қоғозларни тўлдиришарди, лекин бирортаси ҳам менга бошига кулфат тушган одамга қарагандай қарашмасди. Улар учун мен кўчада юрган саёқ, дайди эдим. Ёнида ҳужжати бўлмаган дайди ҳеч қачон одам ҳисобланмас экан! Ё тангрим, ғарибгина бу бошим не балоларга гирифторм бўлмоқда? Бирдан Сафарали эсимга тушди. Унинг холи не кечдийкин? Ҳойнаҳой, мени роса сўкаётгандир? "Мени гаров эвазига қолдириб ўз бошини олиб қочибди-да!" деб ўйлаётган бўлса-я! Бу даҳшат-ку. Учрашиб қолсақ унинг юзига қандай қарайман?

Ўзимдан бўлак ҳеч кимса бўлмаган камерада деворга суянганча бўшлиққа тикилиб хаёл суриб ўтириб ухлаб қолибман. Алламаҳалда бехосдан уйғониб кетдим. Қарасам совуқданми, безгақданми, аъзойи-баданам дағ-дағ қалтираяпти. Шундан кейин ухлай олмадим. Тонггача камерада юриб чиқдим. Бир кечадаёқ томоқни совуққа олдириб қўйибман. Ютинсам бўғзимга тошдай нарса тикилади, ачишади.

Эрталаб.

Нонуштага бир бурда қора нон ва бир кружка қайнаган сув билан сийлашди.

Кейин...

"Энди қор курашга олиб боришса керак, — дея кулгили тарзда хаёдан ўтказдим. — Уч кун обдон ишлатишади-да, кейин қўйворишади!"

Ахир қондаси шунақа-да.

Бир маҳал "ширқ" этиб камера эшиги очилди. Наридан бора йигирма-йигирма бирларга борган соқчи йигит мени нозир йўқлаётганини айтди.

Ташқарига чиқиб кўзларимга ишонмадим.

Ҳамма ёқ оппоқ қор!

— Зўр-ку! — дедим соқчи йигитга қараб.

Шўрликка "Ушшайиб тур!" деб буюрилганми, соқчи қоғоғини очмади. Буларда таомил шунақа шекилли.

Қор яхши-да барибир. Азалдан қорни яхши кўрардим. Қор ёрса кўнглимдаги ғуборлар ювилиб кетгандай бўларди. Муздай, топ-тоза ҳаводан кўксимни тўлдириб нафас олдим. Соқчи йигит жавоб бермаслигини билсам-да:

— Сизларда қиш зўр бўлади-да, — дедим унга.

Соқчи йигит менга ғалаги қараб қўйди. Унинг бу қарашидан: "Эсинг жойидами? Бу қор Россияга эмас, сенинг бошингга ёғди!" деган маъно уқдим. Юрагим орқага тортди.

Дарвоза олдида кечагига ўхшаш усти ёпиқ машина турарди.

— Чиқ! — буюрди соқчи.

Чиқдим. Гира-ширада иккита одам қорасига кўзим тушди. "Хайрият, ёлғиз эмас эканман", — деб қўйдим ичимда. "Шерикларим" пинакка кетишган чоғи, менга парво қилишмади, пишиллаб нафас олишларидан билдимки, улар ухляяпти. "Пиёнисталар бўлишса керак", — дея тахмин қилдим зўр бериб қоронгилик қаърида тикилганча шерикларимни кузатарканман.

Машина аллақачон ўрнидан жилган, бир кечада мўл-кўл ёғиб қўйган қорни эзгилаганча номаълум томонга кетиб борарди.

Йигирма дақиқа чамаси юрганимиздан кейин мен ташвишлана бошладим: "Бизни қаёққа олиб кетишяпти?"

— Ҳой! — дедим шерикларимга қараб азбаройи ториқиб кетганимдан. — Кимсизлар? Бизни қаёққа олиб кетишяпти, билмайсизларми?

Шерикларимдан бири алланималар деб гудранди. Сўзлари шу қадар ноаниқ эдики, ҳеч нарса англай олмадим. Иккинчисининг ҳам кулоғига нимадир чалингандай бўлди чоғи, безовталаниб гўлдиради. Улар ҳақиқатан ҳам пиёнисталар экан.

Аллақандай мубҳам, оғир хаёллардан юрагим сиқилди. Иложи бўлса-ю, ўзимни машинадан отиб юборсам дердим. Лекин қандайдир куч мени шаштирдан қайтарарди. Ҳаммасига қўл сийтаб ўзимни тақдир измига ташламоқчи, шу тахлит бесаранжом юрагимни тинчлантиришга уринардим. Аммо уринишларим беҳуда кетар, бетизгин қора хаёллар тобора бостириб келаверарди. Бирдан сигарета ёдимга тушиб қолди. Ахир, ахён-ахёнда бўлса-да, ҳаяжонланганимда ёки диққатим ошганида сигарета чексам дарров ўзимга келиб қолардим-да. Шоша-пиша чўнтақларимни титкиладим. Эвоҳ! Сигарета тугул, шимилдириқ ҳам йўқ эди. Кўпол сўзлаганим учун узр.

Шерикларимдан бири гўлдираб қандайдир байрамни эсга олди. Афтидан, уларнинг кайфи ҳали ҳам тарқаманганди. "Базму жамшид тонг отаргача бўлган шекилли", деб қўйдим ичимда. Шу вақт машина қаттиқ чайқалди, гилдирақлар қандайдир чуқурликка тушиб қолди чоғи, мотор иртқич қушдай чинқириб олға интилди. "Соатига тахминан саксон километр тезликда юрган бўлса, бир соатга саксон километр йўл босади, — дея тусмол қилдим ўзимча. — Демак, биз ҳозир шаҳардан ташқарида кетаётган эканмиз-да!"

Яна ярим соатча юрганимиздан кейин машина тўхтади. Ўнг томондаги кабина эшиги очилиб-ёпилди. Соқчи йигит пастга тушди-ёв. Зум ўтиб борт эшиги очилди. Шу заҳоти кўча шовқини ва ямламай ютиб юборишга шайланган ялмоғиз кампирдай совуқ ҳаво ичкарига ёпиришди.

— Тушинглар!

Соқчи йигит афтини бужмайтириб, малолланиб қараб турарди, гўё сенлар бўлмаганларингизда менга бу ташвиш йўқ эди, дегандай.

Хушёрлигим туфайли шерикларим ўзларини ўнглагунча машинадан биринчи бўлиб тушдим. Тушдим-у... оппоқ қорнинг оппоқ ёғдусидан кўзларим қамашиб кетди.

Шерикларим ҳадеганда тушавермаганларидан аччиқланган соқчи йигит сакраб бортга чиқди-да, иккала пиёнистани ҳам пастга итқитди.

Ёшланган кўзларимни кафтимга арғиб атрофга нигоҳ ташлашга шошилдим. Қаерга келганимни билишим керак-ку!

Энг аввал баландлиги икки метрдан ортиқ бўлган тахта деворларга кўзим тушди. Тахталар шу қадар жипс жойлаштирилган эдики, нинадай ҳам тирқиш кўринмасди. Нарироқдаги девор бўйлаб соқчи йигит

бориб-келарди. Кейин қалин қор билан қопланган тор йўл ва шохлари эгилиб турган дарахтлар кўзга чалинди. Мен ҳали бу ерларнинг шаҳар атрофидаги майдон эмас, чекка вилоятлардан бирига қарашли, лекин унча-мунча одамнинг қадами етмайдиган, овлоқ бир макон эканлигини билмасдим. Бу ерни топиб келишнинг ўзи амри маҳол эканлиги тушимга ҳам кирмаганди. Биз ҳамма ёғи мустақкам бекитилган, ангишвонадай ҳам дарчаси бўлмаган машинада худди кўзи боғлиқ одамдай ҳеч нарсани кўра олмасдан, ҳеч қаерга қарай олмасдан етиб келдик-да бу ерга.

— Бу ёққа! — соқчи йигит бизни машинанинг олд томонига олиб ўтди. Шунда катта темир дарвозага кўзим тушди. Бу ерда ҳам бир йигит соқчиликда турарди.

Шу пайт темир дарвоза очилиб ичкаридан элликларга борган, сочлари қуюқ ва қоп-қора, баланд бўйли, оқиш, лўппи юзининг ёноқлари қизарган, қақнаб турган кўзларидан ақлли ва соғлом эканлиги сезилиб турган бир киши чиқди.

— Ҳаким Назарич, — дея унга мурожаат қилди бизни олиб келган соқчи йигит. — Мана буюртмангиз, қабул қилиб олинг.

"Ие, бу ҳам ўзимиздан экан-ку", — дедим ичимда оғир уйлардан халос бўлгандек бирдан енгил тортиб.

— Жуда яхши, — Ҳаким Назарич деган зот кулган эди, қордек оппоқ ва бир текис тишлари ялтиради. — Раҳмат!

Ўрталарида ортиқча гап-сўз бўлмади. Соқчи йигит бизни "эгамиз"га топширди-ю, машинага ўтириб жўнаб кетди.

— Қани, шоввозлар, ичкарига марҳамат!

Ҳаким Назарич дарвозани кенгроқ очиб бизга юзланди. Пиёниста шерикларим энди ўзларига келишган, ҳеч вақога тушунмасдан аланг-жаланг қилишарди.

Рафторига қараб, бу одам билан тил топишса бўлади, деган хаёлга бордим ва Ҳаким Назаричга (аслида Назарович бўлса керак) яқинлашиб илтимос оҳангида:

— Кечирасиз, сизга икки оғиз гапим бор эди, — дедим ўзимизнинг лаҳжада.

— Тушунмадим, — деди Ҳаким Назарич ҳайрон бўлгандек юзимга қараб.

— Сизам ўзимиздан экансиз. Илтимос, менга ёрдам берсангиз. Мен тасодифан қўлга тушиб қолдим. Шеригим бор эди. Унинг ҳоли не кечдийкин? Ҳе йўқ, бе йўқ, мени нега бу ерга олиб келишди, ҳайронман, — дедим ўшанда Ҳаким Назаричнинг кетиб қолишидан чўчиб шоша-пиша.

— Қилғиликни қиласилар-да, кейин тасодифан бўп қолди, деб юрасан ҳамманг! Қани, ичкарига! — Ҳаким Назарич совуққонлик билан шундай деди-да, кўрсаткич бармоғи билан дарвозани кўрсатди.

Мен англишганимни фаҳмладим.

Гап бейойда. Қаршилиқ кўрсатиш эса гирт телбалик эди. Ҳаким Назарич қовоқ солиб, хўмрайганча, худди нафратланаётгандек жирканиб қараб турарди.

Мен ҳали-ҳамон ҳеч нарсага тушунмаган ҳолда, ўзимни кутилмаган ва мудҳиш тасодиф қурбони ҳисоблаб, темир дарвоза сари юрдим.

Менинг янги ҳаётим шу тахлит бошланди. Дарвоза ортида шу чоққача хаёлимга келмаган, ҳатто тасаввуримга ҳам сиғмаган янги ҳаёт кутаётганини билмасдим ўшанда...

* * *

Бўйи юз-юз эллик қадам, эни икки юз қадам чиқадиган, бирорта ҳам дарахт экилмаган ҳовлини кўз олдингизга келтиринг. Ҳикоям давомида чекиниш қилиб фикрни чалғитмаслик учун ҳовли манзарасига батафсил тўхталмоқчиман. Ҳовлининг олд тарафи гир айланасига тахта деворлар билан ўралган, ўрта — очик майдон каби

бўм-бўш; ҳовлининг икки тарафи бўйлаб бир нечта шифти паст тахта уйлар чўзилган. Унг томондаги уйларнинг ўртасидаги хона "контора" дейиларкан, бу ерни бизнинг Ҳаким Назарич билан унинг ҳамкасблари ишғол қилишган экан. "Контора"нинг ўнг ва сўлидаги хоналар бошлиқларимизга тегишли ётоқхона ҳамда ошхоналар эди. Бу ерда иккита ошпаз бўлиб, улар бошлиқлар учун ҳам егулик тайёрлашади, ҳам хоналарни супуриб-сидириб туришаркан. Мавриди келганда шуни ҳам айтиб қўяй, Ҳаким Назарич озодаликни яхши кўрадиган, ўзи ҳам ҳамиша топ-тоза кийинадиган, сочи таралмаган бўлса кўчага чиқмайдиган, тартиб-қоидага қатъий амал қиладиган киши эди. У ҳеч қачон овозини кўтариб гапирмасди, қаҳр-ғазабини кўз қарашлари билан ифодаларди. Хуллас, шу Ҳаким Назаричнинг шарофати билан ўнг томондаги барча хоналар ҳамиша озода, саранжом-сарийшта бўларди, поллари ярқирарди, ойналарига гард қўнмасди.

Ҳовлининг чап тарафи бўйлаб чўзилган хоналар ҳақида бундай гапириб бўлмасди. Чунки бу хоналар бир ёки бир неча кишигагина эмас, бутун бир жамоага тегишли эди. Жамоа яшаётган жойда озодаликни бир маромда ушлаб туриш қийин. Қандай жамоа дейсизми? Ҳозир, аввал бу ердаги хоналар ҳақида гапириб олай. Ташқи кўринишиданоқ тартибга риоя қилмайдиган одамлар яшайдиган бино эканлиги англашилиб турган, деворларининг бўёқлари кўчган, кир, ҳар хил расмлар чизиб ташланган хоналардан бири ошхона бўлиб, у ерда дастлаб кўзга ташланадиган нарса катта дошқозон эди. Жуда катта қозон эди. Бунақасини мен бошқа ерда кўрмагандим. Буюртма бериб махсус ясатилганми, нима бало? Столларнинг ҳар бири олти кишига мўлжалланган бўлиб, жуда тигиз ва зич қўйилганди. Бу ердаги аҳвол гигиенанинг "т" ҳарфига, тозаликнинг "т" ҳарфига ҳам мос келмасди. Идиш-товуқлар чала-чулла ювилган, айниқса, қошиқларга қараб бўлмасди, қўлингизга чиппа ёпишарди. Бурчак-бурчакда ахлатлар уюми кўзга ташланарди. Газўчоқ алоҳида хонада бўлмагани учун мудом газ ва доғланган ёғ ҳиди анқиб турарди. Емакхонанинг чап тарафида яна худди шундай хона бўлиб, катталиги жиҳатдан иккаласи тенг эди, лекин зарурат туфайли бу хона ўртасига картон тўсиқ қўйилиб тўсилган, биринчиси кирхона, кейингисини "кладовка" дер эдик. Кирхонада иккита кир ювадиган машина бор эди. Ора-чора бузилиб турса-да, ҳар қалай, ишларди икковиям. Бундан ташқари яна уч-тўртта тоғора тўнкарилиб ётарди. Мағзава тўкилиб-социлаверганидан хона ҳавоси айниб кетганди. Кир ювиш, умуман ювиниб-тараниш учун ҳафтада икки марта плиталар ишлатилиб қўйиларди, лекин ҳеч ким ҳар ҳафта кир ювмасди. Кийим шўрликларга тердан сасиб, яғири чиқиб кетмагунча совун тегмасди. Бу ердагилар озодаликка "иккинчи даражали иш" деб қарарди нима учундир. Дазмоллар нотўғри ва кам ишлатилганидан занглаб ётарди. Энг катта ва кенг хона ошхонанинг ўнг томонида жойлашганди. Биз бу ерни "барак" деб атардик. Юз-юз эллик кишига мўлжалланган барак икки қават нарлардан иборат эди. Иккита катта-катта деразаси бор. Кимдир, қачондир деразага илбиб кетган парданинг рангини билиб бўлмасди. Бир қарашдаёқ бу ер эркаклар яшайдиган макон эканлиги кўриниб турарди, чунки бу ерда тартиб билан турган нарсани қидириб ҳам тополмасдингиз. Юпқа-нимдош қўрпа-тўшақларнинг бири йиғилган, бири шундайича қолган, пайпоқ-пайтавалар сочилиб ётган, ҳавода ситарет ва нос хидига қоришиқ ёқимсиз ҳид анқийган бу хона бизнинг ётоқхонамиз эди. Лекин мени ҳовлига кирган заҳоти бу ерга олиб келишмади. Аввал Ҳаким Назаричнинг хонасида "суҳбат"дан ўтдим. Мен Ҳаким Назарич эгаллаган "т" шаклидаги столнинг қуйи томонида ўтирганча у кишининг барча саволларига аниқ-таниқ,



батафсил жавоб бердим. Айниқса, бу ерга келиб қолишим борасида ҳеч нарсани яширмадим. Мен ҳали ҳам Ҳаким Назаричдан яхши гап эшитишдан умидвор эдим. Нега деганда, у ўзини қанчалик совуққон ва эътиборсиз тутаётган бўлса, кўзларида бутунлай акс ифода зоҳир эди. Сўзларимни берилиб тингламаётганини кўрсатмоқчи бўлгандек олдидаги қоғозга тикилиб қолаётган бўлса-да, аминманки, кулоқлари динг эди. Шунинг учун ҳам мен умидимни узмадим. Дунёда умид деган нарса бўлмаса одамзод бунчалик яшовчан бўлмади, деб ўйлайман.

Пировардида у ўрнидан турди-да, гапни қисқа қилди: — Яхши, мени ишонтирдингиз ҳам дейлик. Лекин сизни қўйиб юбора олмайман, токи шахсингизни тасдиқловчи бирорта ҳужжат қўлимга тегмагунча!

Нафасим ичимга тушиб кетди.

Тилимни ютворагандай бир неча дақиқа гапира олмай қолдим. Ҳаким Назарич дераза олдида бориб ойнани чертиб ташқарида турган йигитни имлаб чақирди.

— Ҳасан, — дея йигитга мурожаат қилди у. — Бу кишини баракка олиб бориб, жойини кўрсат, умуман ҳамма шарт-шароит билан таништир. Қайси куни ишга чиқишини ҳам айт.

Шундан кейингина мен эс-хушимни йиғиб Ҳаким Назаричга савол назари билан қарадим:

— Бундан чиқди, мен шу ерда қолиб ишларканман-да?

— Энди етиб бордимиз?

— Қачон қўйворасиз унда?

— Шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат қўлимга теккан куни!

— Буни қандай биламан?

— Ўзим айтман.

Ҳаким Назарич ишонч билан гапирди.

Бейхитёр унга ишонгим келди. "Худо урдими, алдамаётгандир. Тўрт-беш кун ишлаб турай-чи", дедим ичимда.

— Тезроқ юрасизми? — деди Ҳасан ташқарига чиққанимиздан кейин.

— Секин юряпманми?

— Жудаям. Ҳатто тошбақа ҳам сиздан тез юради.

— Тошбақанинг оёғига тош боғланмаган бўлса керак-да...

Ҳасан индамади.

Биз ҳовлини кесиб ўтиб баракка яқинлашдик. Шунда сўраб, билиб олишим лозимлиги эсимга тушиб:

— Бизни қаерда ишлатишмоқчи? — деб сўрадим Ҳасандан.

— Бу ёққа юринг, — деди Ҳасан.

Биз баракнинг орқа томонига ўтдик. Ана шунда бу ердан беш юз қадам нарида аллақандай қурилиш иншоотига кўзим тушди. Қурилиш чегараси тугаган жойдан ўрмон бошланарди. Бундай разм солсам, биз ўрмоннинг қоқ ўртасида тургандаймиз. Анови "контора" ва бараклар ўрнида ҳам аввал ўрмон бўлган чамаси...

— Қизик, мен у ерда нима иш қилишим мумкин? — дедим Ҳасанга қараб.

— Қўрқманг, иш топилади. Қани, кетдик баракка!

Изимизга қайтарканмиз, ўзим не аҳволдаман-у, ҳовлини ўраган тахта деворларга, ёғочдан қурилган уйларга назар ташларканман: "Тахта деҳқончилик-да буларда. Бизга ўхшаб гувала қўймайди, пахса қўтармайди!" — деб ўйладим. Инсон табиати қизиқ-да. Бу ерда ишлатилган тахталар сотиб олинса қанчага тушишига қизиқиб қолсам бўладими? Атиги бир неча дақиқа ичида буни ҳаёлда тахминан бўлса ҳам ҳисоблаб чиқиб кўзим олайиб кетди: "Эҳ-ҳе! Шунча пулга сотиб олишса билишарди, девор учун, уй кўтариш учун фишт ёки гувала ҳам ишлатса бўлаверишини..."

— Анови бўш нарлардан хоҳлаганингизга жойлашиб олаверинг. Ҳали у ер-бу ерни қараб кўраман,

бирорта адёл бўлса опкеб берарман, — деди Ҳасан.

— Хона совуқ экан-ку, — дедим унга.

— Печ кечкурун ёқилади. Совқотаётган бўлсангиз, ошхонага бориб ўтиринг. Уша ер иссиқроқ.

Ҳасан чиқиб кетди.

Менинг бор-будим эгнимдаги янги пўстиним эди. Бу пўстинни Сафаралининг қистови билан яқинда сотиб олгандим. Бор-йўғи иккинчи кийиб келишим эди.

Ҳасан кўрсатган бўш нарларда эса эски матрац ва юпкагина болишдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Баракда дераза ва эшикка яқин ерда бўш нарлар бор эди. Ўртадаги нарларнинг тепаси ҳам, пасти ҳам эгалланган, қанақадир яғир сумкалар дўппайиб турар, ерда йиртилаётган калиш, шиппақларнинг бир пойи у ёқда, бир пойи бу ёқда ағдарилиб ётарди. Дарров фаҳмадим, демак, дераза ва эшик томон совуқ бўлади. Печнинг ёни ҳам аллақачон эгалланган, у ердаги нарда ҳеч қандай сумка йўқ эди, лекин яп-янги бир жуфт керза этик ялтираб турарди.

Ўзимга маъқул жой танладим.

"Мана, қаноат қилмасликнинг оқибати, — дедим ичимда ўзимга ўзим, муздай матрацга чўзиларканман. — Мана, охир етиб келган манзилим. Очкўзликнинг якуни шундай бўлади!"

Мен алам билан ўз ярамга ўзим туз сепиб, бундан аллақандай фароғат туйгандек эдим. Умрим бино бўлиб бундай совуқ ва исқирт тўшақда ётмаганим учун безовталаниб, ҳеч ҳам бемалол оёқни узатиб дам ололмадим. Охири ўрнимдан туриб кетдим. "Мана, қаноат қилмасликнинг оқибати, — деган саркаш фикр яна тинчлик бермай, миямда гув-гув қиларди. — Мана, охир-оқибат етиб келган манзилим. Очкўзликнинг якуни шундай бўлган ҳар доим!"

Ўликхонадай муздай хонада ўлик сукунат оғушига фарқ бўлганча у ёқдан бу ёққа бориб келарканман, бадҳоҳлик билан бахтиқаролигим ва омадсизлигим учун ўзимни, фақат ўзимни айбдор санардим.

Кечкурун барак одамга тўлиб кетди. Совуқдан юзлари қизарган, кўзлари ёшланган эллик-олтмиш чоғли одам кириб келганида очиги, аввалига қандайдир енгил тортидим. Уларнинг ирқит уст-бошларига ҳам парво қилмадим. Қўлларини яра-чақа босган одамлар билан ҳам ирганмасдан қўл бериб кўришдим. Чунки улар мени яхши кайфият билан қарши олишганди. Қолаверса, бу ерда ёлғиз эмаслигимни ҳис этиш туйғуси юрагимга анча таскин-тасалли берганди.

— Бу ерга қандай келиб қолдингиз?

— Тошкентнинг ўзиданми ёки вилоятданмисиз?

— Ишлаш учун келдингизми?

— Қанча тўлайдиган бўлишди?

Турли ёшдаги кишилар мени ўраб олиб ҳар хил саволларга кўмиб ташлашди. Мен қайси саволга аввал жавоб беришни билмасдим. Бири жовдироқ, бири олазарақ, бесаранжом, яна бири маҳзун, қайғули ёки аксинча, ниҳоятда бепарво, совуққон боқаётган эллик-олтмиш жуфт нигоҳни кўз олдингизга келтиринг! Шуларнинг ҳаммаси бир вақтда сизга тикилиб туришса...

Билмадим, мен жуда ғалати аҳволга тушиб қолгандим. Наҳотки шуларнинг ҳаммаси менга ўхшаб нафс кетидан қувганлар бўлса?

Шу вақт:

— Хангома кейин бўлади, ҳозир ҳамма ошхонага!

— баракка кириб келган қирқ ёшлардаги чуваккина киши шундай деб буйруқ бериши билан аτροφимни қуршаган кишилар бир зумда тарқаб кетишди.

Чувак киши ўзига бино қўйган одамдай кибр билан олдимга келиб индамай қўл узатди. Мен ҳам ўз навбатида қўл узатдим, шунда унинг чап юзидаги каттароқ тангадек чўтирига кўзим тушди.

— Эшқонов бўламан, — деди чувак киши шундан кейин чувак гавдасига мутлақо мос тушмаган дўриллаган овозда. — Бригадирман.

— Мени Даврон деяверасиз, — дедим жўнгина қилиб.

— Нима фамилиянгиз йўқми? — бирдан хушёр тортгандек бўлди Эшчонов.

— Фамилиям бор, лекин бу ерда фамилиямга ҳожат бўлмаса керак.

— Бор, ҳожат бор, жудаям бор, — деди Эшчонов кибр билан таъкидлаб. — Фамилияси бўлмаган одам ҳеч ким!

— Хужжати бўлмаган одам ҳеч ким эмас, денг, — дедим кулиб.

— Шундай десаям бўлаверади, — деди Эшчонов сал паст тушиб.

Шу қисқа суҳбатнинг ўзиданоқ мен Эшчоновнинг қанақа одам эканлигини фаҳмлагандим. Эшчонов кучсизлар олдида осмондан келиб, кучлилар қаршисида шармандаларча етти букиладиган кимса эди. Бунга кейинчалик бир неча бор гувоҳ бўлдим.

Янги ҳаётнинг биринчи куни шу тахлит якунланди. Оқшом эса янги танишларим билан роса гурунглашдик. Ростини айтсам, элик-олтмиш чоғли кишиларнинг ҳаммаси ҳам атрофимни қуршаб, суҳбатимни олди, дея олмайман. Ҳангоматалаб танишларим, нима десам экан, қандайдир истарали кишилар эди, гўё мен бутунлай бошқа оламдан келиб ўз таассуротларимни уларга сўзлаб бераётгандай, оғзимдан чиққан ҳар бир гапни жон қулоқлари билан тинглашарди. Бу ерда яна шундай қиёфали кишилар ҳам бор эдики, бир қарашдаёқ, уларнинг одамови, яккамохов, ёввойисифат эканлигини билиб олса бўларди. Булар одатда ҳеч кимга қўшилмасди. Жанжал-гўполонга ҳам аралашимасди.

Анвар деган ўтгизларга борган йигит шундайлар сирасидан эди. Анвар ҳар доим биров арпасини хом ўргандай, қовоқ солиб юарди. Ҳеч ким билан деярли гаплашмасди. Саломлашганда ҳам истар-истамай, бош ирғаб қўяқоларди. "Шўрлик уйини соғинган ёки ич-этини қандайдир дард кемиряпти", — Анвар ҳақидаги дастлабки фикрим шундай эди. Яхшироқ танишиб олганимиздан кейин мен у билан гаплашишга ҳаракат қилдим, лекин нима учундир у ўзини суҳбатдан олиб қочди. Шундан кейин унга эътибор бермай қўйдим. Чунки ортиқча эътибор ёки меҳрибонлик одамни худбин қилиб қўяди, аҳамият бермасам, лозим топган куни унинг ўзи ёрилади, деган хулосага келгандим. Ўша биринчи оқшом оғзим гапиришдан тўхтамаса-да, ич-ичимда янги жойда тунни қандай ўтказиш ва умуман бундан бу ёғига қандай яшашим ҳамда пешонамга нима ёзилгани ҳақида хавотирланиб, ишонқирамай, худ-беҳуд ўйларга берилган ҳолда янги танишларим билан қилган гуруннга мана шу йигит қўшилмагани, адели билан бошини буркаганча тескари қараб ётгани эсимда қолган.

Нафсиламбрини айтганда илк таассуротларим ёмон эмасди. Бу ердагилар бутунлай бегона ва нотаниш кишилар бўлишса-да, ҳар қалай ёмон кутиб олишмади, ахир. Тасаввур қилинг, илгари ҳеч ҳам бормаган, ишингиз тўшмаган хонадонга боряпсиз. Шунда энг аввал ҳатто жуда зарур бўлган ишингиз битиш-битмаслиги ҳақидаги

безовта ўйдан ҳам аввал сизни бошқа бир нарса хавотирга солади: мени қандай кутиб олишаркин? Юрак ҳовучлаб турганингизда эшикни очган кимса кулиб қарши олса, омадинг келгани шу. Ишингиз битса-битмаса, ҳар қалай ёқимли таассурот билан ортингизга қайтасиз.

Ўша вақтларда мен ҳам шундай кайфиятда эдим. Ҳатто келгусида нималар кутаётгани ҳам унчалик хавотирга солмай қўйганди. Чунки янги танишларимнинг кўпчилиги мен билан самимий муомала қилишар, тушунмаган, билмаган нарсаларим ҳақида эринмай маълумот беришар, қисқаси, жон-жон деб менга устозлик қилишарди.

— Қўлингизда бирор ҳунарингиз борми? — деб сўради ёнгинамдаги нарда ётган Нурали деган йигит гурунгни бас қилиб, бир-биримизга хайрли тун тилаган ҳолда ўринларимизга чўзилаётганимиз маҳал.

— Ҳунар?

— Ҳа, ҳунар-да, яъни гишт терувчимисиз ёки дурадгор...

— Унисияммас, бунисияммас, — дедим. — Бу ёқларга келмасдан аввал илмий ходим бўлиб ишлаганман.

— Вой бечора! — деб юборди Нурали беихтиёр.

— Нега менга раҳмингиз келяпти? — деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Бирор ҳунарингиз бўлмаса бу ерда хор бўласиз.

— Йўғ-е...

— Ҳа-ле. Биттаси бор эди. Ўқитувчи экан касби. Пул ишлаш учун бу ёққа келган, тинчгина ўқитувчилигини қилавермасдан. Бу ёққа келганидан кейин тагин денг, ёлғон гапирган. Тахта тилувчиман, деган. Тахта тилувчилар бу ерда сув билан ҳаводай зарур. Дарров ишга олишган уни. Шўрлик ўқитувчи аста-секин ўрганиб оламан, деб ўйлаган-да ўзича. Чумчуқ сўйсаям қассоб сўйсин, деган гап минг марта тўғри. Хуллас, ҳалиги шўрлик икки ой ҳам ишлай олмади. Бармоқларини тахта тилувчи паррак юлиб кетди.

— Наҳотки? Қайтиб кетгандир шўрлик?

— Қаёқда. "Тахта тилувчи бўлмаса, чайханчик бўламан", деб юрувди. Худо буням кўп кўрди. Бармоқлари кесилган қўлидан қорасон бошланиб, қони захарланди-ю, ўлди-кетди.

Юрагим гаш тортиб, нафасим чиқмай қолди.

— Сиз-чи, яхшиси оҳак куйдирувчилик қиламан, денг, — деди шу вақт нариги қатордаги нарда ётган Абдували исмли йигит. — Оҳак куйдириш осон. Бир кўришдаёқ ўрганиб оласиз.

— Мен умуман олганда, бу ерда кўп қолмасам керак, — дедим унга жавобан болишдан бошимни хиёл кўтариб. — Сўровномага жавоб келиши билан бу ердан жўнаб кетаман.

Кимдир "пиқ" этиб кулиб қўйди.

Яна аллаким хуштак чалди.

Бунга жавобан мен атай пишқириб қўйдим.

— Барибир ҳам ҳунарингиз бўлгани яхши, — деб қўйди Нурали.

Шундан кейингина суҳбатимиз, ўзаро савол-жавобларимиз росмана тўхтаб, уйқуга ётдик.

Давоми келгуси сонда.





Муҳаммад ҒАҒҒОҒ

Шеърни ўтлангани рости бўлсин, болам

Муҳаммад ҒАҒҒОҒ шеърляти - чуқур ўйлаб кўрилмаган, безаксиз шеърлят. Яъни у профессионализмнинг темир қондаларига бўйсунмавермайди: ҳис-туйғулар оқимини кузатарак кечинмаларини гоҳида қоғозга пардозсиз туширади. Шартли равишда айтсак аксари битиклари "ёввойи назм" тоифасига мансуб. Ва баъзан у ўзи севган, ўзи ўйлаб топган ақидаларга бўйсунди.

Китобларининг номи ҳам галати: "Чўмилаётган дарё", "Қора табассум..." Дарё чўмиладими? Чўмилтирмайдими ахир?

"Юлдузлар этимга жунжжикиб ботар. Ҳовучга сизмайди менинг юрагим", "Ўлиб қолсам бу юртга кўмма, Юлдузларга сотиб юбор, гулим" деб ёзади.

Шоир гоҳида ташбеҳ қўлламасдан гўзал шеърлар яратади. "Аёл" сарлавҳали шеъри бор-йўғи олти мисрадан иборат. Аммо, маъно қатида нафислик жилваланиб, хаёлни узоқ-узоқларга тартади:

Деразада
Туриб қолди ой.
Юлдузлар навбат талашур.
Демак
Устидан кўрна
Сирғалиб тушган.

Бу янглиғ қисқа-ю сержило шеърлар шоирнинг кетма-кет босилган уччала китобида ҳам талайгина бор. М.Ғаффор битикларида қадим тарихга мурожаатлар кўп учрайди. Айниқса шоирни туркийларнинг қадимий аждодлари руҳияти қизиқтиради. Утмиш ва бугунни чоғиштириб хулоса ясаш - севимли усул. Алалхусус, унинг битикларини ўқиб зерикмайсиз, идрокингиз ҳузурланади.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

* * *

Ойни излар тераклар,
Булутларни титкилаб.
Қиз пойлаган юраклар,
Ўтиришар ўт қалаб.

Бирдан осмон йиртилар,
Ойни ўйнар тераклар.
Бир хўрсиниб қўяди,
Қиз пойлаган юраклар.

Тўда-тўда булутлар,
Кетиб борар тесқари.
Тарқалишар йигитлар,
Тарқагандай кўпқари.

Ойни ўйнар тераклар...

УСТОЗ

Миразиз Абзам

Катталиги
бир муштдек
келар

Оғирлиги
бир муштдек
келар.

Тугилган муштга
ўхшайди ахир
тугилган фикр.

* * *

Ой кулди -
Жим-жима қўшиқлар
Сочилиб кетди.

Ой тугилди,
Деразанг ланг
Очилиб кетди.

Ой хўрсинди...

* * *

Биласан одатим, қаҳрим ҳам қаттиқ
Сени кечирмайман, энди ҳеч қачон.
Биласан, одатим - бош эгмайман, йўқ,
Қўзимга кўринма, бевафо жонон.

Барибир орқангдан қараб қоламан,
Сени кузатади кўзларим интиқ.
Мен томон югурсанг, нима қиламан,
Билмайман, сўзимда тураманми, йўқ.

* * *
 Ой
 қишлоқни оралаб
 нимани излаяпти?
 Кудуққа
 тушиб кетса-я!

ОНАМ МАКТУБИ

Деҳқон болам дея ерни ўпади,
 Амалдор нул билан дурни ўпади.
 Шоир қалам билан шеърни ўпади,
 Шеърни ўпганлигинг рост бўлсин, болам.

Подишоларга сиғиниб ўтганни кўрдим,
 Синов майдонидур бу ёруғ олам.
 Гултож, шон-шухратдан асрагин дилинг,
 Оллоҳни севганинг рост бўлсин, болам.

* * *

Ташқарида ёғар экан қор,
 Қандай қилиб ўтирасан жим.
 Деразангни чертиб беозор,
 Севинч халтанг тўлиб борар лим.
 Ташқарида ёғар экан қор,

Ҳазин юзга ярашар кулгинг.
 Фарзандларга бермасдан озор,
 Ширингина келади ўлгинг.

ХОТИРА

1959 йил,
 баҳор.
 Ҳовлимиз лиқ тўла одам,
 Тўрда ухлаб ётибди онам.
 Ўкириб йиғлайди отам,
 Букилиб йиғлайди момом,
 Мен эса ўйлайман,
 Ҳозир уйғониб кетади Онам,
 Отамни қойийди:
 "Ёш болага ўхшайсиз".
 Момомни суюди,
 Сизга нима бўлди, онажон.
 Менга-чи,
 Менга,
 Бир дўппи майиз,
 Ўртоқларинг билан бўлиб е!
 Ҳозир уйғониб кетади онам,
 Ҳозир...
 Ҳозир...

ҚИШЛОҚ ОДАМААРИ

Кўнгли
 Осмондай кенг -
 Ҳеч нарсаси йўқ Осмондай.

Пахта эгатининг
 Бошида ўтирар
 Пул ишлаётган посбондай.

Оналар
 Айтаётган аллага
 Рақсга тушар ой.

Улар, улар
 Ҳаммадан
 Бой.

ҲИЖОИЯТ

Раиснинг қизини мақтайди отам
 Холамнинг қизини мақтайди онам.
 Мулланинг қизини мақтайди момом,
 Қўшни қиз ҳақида
 ҳеч ким гапирмас.

Буни фақат -
 Укам билади.
 Бурчакда -
 Қиқир-қиқир кулади.



НАЗМ

Нажмиддин МИРЗО

Тул юзингни истадим

ЎЗЛИГИНГ УНУТМАГИ

Бу дунё жуда гўзал, ҳикматдир шеър гагал,
 Утар дунёдан азал, ўзлигинг унутмагил.
 Аслида тупроқ эдинг, меҳрдин йироқ эдинг,
 Дийдорга муштоқ эдинг, ўзлигинг унутмагил.
 Улуғлардан ўғит ол, яхши инсон бўлиб қол,
 Комилларга йўқ завол, ўзлигинг унутмагил.
 Нафсинга бўлмагил қул, доимо яхшилик қил,
 Излагил каъбаи дил, ўзлигинг унутмагил.
 Бир синовдир бу жаҳон, гоҳо адашар инсон,
 Сенда гар бўлса иймон, ўзлигинг унутмагил.
 Ҳар кимга эзмагил бош, сирингни этмагил фош,
 Сувда қолар оғир тош, ўзлигинг унутмагил.
 Яшамоқ бир сафардир, йўллари пурхатардир,
 Келганинг бир хабардир, ўзлигинг унутмагил.
 Нажми Мирзо қон бағир, дилдан сўзлашга қодир,
 Дилга етгай у ахир, ўзлигинг унутмагил.

НАЙЛАЙИН

(Ҳофизни тинглаб...)

Дилни бир сўргувчи йўқ эй моҳи тобон найлайин,
 Дилда кўп орзуларим, қалбимда армон найлайин.
 Догдир кўнглим чу лола, кўзёшим дарёи сел,
 Машираби девонадек бағрим тўла қон найлайин.
 Раҳму шафқат бўлса, эй, ёр, боғлагил дил риштасин,
 Ўтга тушган риштадек куйдирди ҳижрон найлайин.
 Донаи холинг мени ром этти ёр, домингдаман,
 Қисматимни билмадим, асрори пинҳон найлайин,
 Бахтим излаб йўлга чиқдим бир адашган қуш каби,
 Ёмғиру селларда қолдим, бўлди тўфон найлайин.
 Сувга сузмоқ истадим дунёи дун уммониди,
 Заврақим тўфонда қолди, бўлди вайрон найлайин.
 Ишқ аро ғамбода кўнглим эй гўзал раҳм айлагил,
 Киммаким меҳру вафо йўқ аҳди ёлғон найлайин.
 Нажми Мирзо ёрни деб ағёрга ошкор этти дил,
 Холиқо, гар қилмасанг мушқилни осон найлайин.



Шухрат РИЗАЕВ



ДИСКОТЕКА

(2 қисм, 7 кўринишли)

Замонавий ёшлар ҳаётидан саҳналар

Иштирок этувчилар:

Ойбек - Иқтисодиёт коллежининг охириги курсини битириш арафасида турган жисмоний бақувват, кўркем йигит.

Сабоҳат - Ойбекнинг собиқ синфдоши, тиббиёт коллежи битирувчиси.

Дилбархон - 42-43 ёшларда. Ойбекнинг онаси. Мактабда муаллима.

Шавкат - 46-47 ёшларда. Ойбекнинг отаси. Университет доценти, филолог.

Зоир ота - 80 ёшларда. Шавкатнинг отаси. Ёшига муносиб, озода кийинган.

Мастурахон - 40-42 ёшларда. Сабоҳатнинг онаси. Одми қиёфада.

Малоҳат - 14-15 ёшларда. Сабоҳатнинг синглиси. Мактаб ўқувчиси.

Гулнора - 36-38 ёшларда. Сабоҳатнинг холаси. Замонавий дид билан кийинган.

Санжар, Равшан, Феруза, Кундуз - Ойбек ва Сабоҳатнинг синфдош дўстлари. Турли коллеж, академик лицей талабалари. Барчалари кўп қаватли уйларнинг бир ҳовлисида яшашади.

Воқеа шу кунларда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Биринчи қисм 1-кўриниш.

Театр саҳнаси тўлиқ дискотека шаклида жиҳозланган. Овоз кучайтиргич аппаратлари ўрнатилган. Кичик саҳна — эстрада. Диск-жокей эҳтирос билан бугунги дискотека репертуарини тушунтиради, сўнг навбати билан саҳнада 17-19 ёшлар чамасидаги бир неча йигитлар замонавий эстрада қўшиқларини куйлайдилар. Гоҳи машҳур чет эл хонандалари ижросидаги энг янги эстрада қўшиқлари ёзилган дисклар қўйилади. Дискотекага келган ёшлар спектаклга келган олий ўқув юртлари, коллеж ва академик лицейлар талабалари, юқори синфлар ўқувчилари ҳамма росмана дискотекада бўлганидек ўзини ҳис этиши, уйин-кулгу билан машғул бўлиши лозим.

Пьеса қаҳрамонлари Ойбек, Сабоҳат, Равшан, Феруза, Санжар атрофидаги тенгеурлари билан берилиб рақсга тушмоқдалар. Ойбек гоҳи ажралиб, ўртоқларига поп ёки рок, данс ва ҳоказо уйинларини намойиш этиб, улар ҳақида айрим маълумотларни ҳам гапириб туради, керакли ҳаракатларини аввал ўзи кўрсатиб бериб, қолганларни ҳам шу тахлит ҳаракатлар қилишга ундайди. Барча қўйилади. Юқорироқда бар - турли спиртсиз ичимликлар, шарбат қутилари билан безатилган. Қўйироқда мўъжазгина столлар ва стуллар. Даврага чиқмаганларнинг айримлари сув, кола, турли шарбатлар ичиб, айримлари енгил бутерброд, гамбургерлар истеъмол

қилиб ўтиришибди. Дискотека ниҳоятда қизгин давом этади. Муסיқа ва рақслар авжига чиққанида рақсга тушаётганлар орасидан Сабоҳат ажралади чиқиб, чеккароқ столда якка ўзи қола ичиб, рақс тушаётганларни диққат билан кузатиб ўтирган Қундузнинг олдига яқинлашади.

Сабоҳат: Қундуз, томоша қилиб ўтираверасанми? Рақсга тушмайсанми?

Қундуз: Нима, халақит беряпманми? Маза қилиб томоша қиляпман ўйинга тушаётганларни... Ана, ана, қара, Ойбекни... роса келиштириб ўйнайди-да. Эҳтиёт бўл, йигитингни тортиб олишмасин, атрофидан қизлар кетмай қолди.

Сабоҳат: Нима қилибди? Чиройли ўйнаган одамга ҳамма эътибор қилади-да. Ойбек ҳам рақсга тушяпти, ҳам бошқаларга ўргатиб турибди. Диск жокейниям бир чеккага чиқариб қўйди.

Қундуз: Рашк қилишниям билмайсан-а, Сабо?!
Сабоҳат: Рашк, шубҳа ишончсизликдан келиб чиқади. Мен Ойбекка ишонаман...

Қундуз: Жуда соддасан-да! Ҳозирги йигитларга ишониб бўларканми?! Бойваччароқ ликилдоқларни кўрса, оғиб кетаверади ўшаларнинг кетидан. Ана, биттаси келяпти, бўғриқиб...

(Санжар шодон ҳолда, ўйноқлаб келиб, Қундузнинг яримлаган "кола"сини олиб, бутилкадан кўтаради)

Қундуз: Бунча ютоқмасанг, тиқилиб қолмасин, тагин.

(Шу тобда Санжар қалқиб кетиб, Қундузга оғзидаги "кола"сини пуркаб юборади. Сабоҳат кулади)

Қундуз: Э-эй, жиннимисан, Санжар?!

Санжар: Сув ичаётганда илон ҳам чақмас экан. Сен бўлса "вишиллаб" турасан. Мана ўзингга ўзинг қилдинг. Сабога ўхшаб жим турсанг, ҳеч нарса бўлмасди. Юрларинг, рақсга тушамиз. Нимага келгансанлар бу ерга ўзи?

Сабоҳат: Санжар, беодоблик қилиб қўйиб, бир оғиз кечирим ҳам сўрамайсан-а?

Қундуз: Шу кечирим сўрайдимми?! Калламни олиб ташларман...

Санжар: *(сурларча):* Нима ман, парот қилдимми? Ҳаммадаям бўлади-ку, тўсатдан.

Қундуз: Ойбек тўсатдан акса урсаям узр сўрайди.

Санжар: *(жаҳл билан):* Ман Ойбек эмасман...

Қундуз: Бўлолмайсан ҳам!

Сабоҳат: Қўйинглар, болалар.

(Шу сонияда уларга шодон ҳолда ўйноқлаб Феруза яқинлашади)

Феруза: Эй, ўйнаб олсаларинг-чи, мазза қилиб. Бирпасдан кейин дискотека ёпилади-ку! Санди, Сабо, Қундуз, юрларинг...

Қундуз: Э, сан бормидинг энди. Бор, сакрайвермайсанми?!

Санжар: Бўпти, жириллайверма! Бошқа "кола" олиб берсам қутиламаними?!

Феруза: Ҳаммамизга, гамбургери билан... Ўзи нима муносабат билан зиёфат қиляпмиз?

Санжар: Қундузнинг қовоғи очилсин, чакаги ёпилсин деб... *(бар томонга кетади)*

Қундуз: Ўв, оғзингга қараб гапир! Зормасман ўша сан олиб берадиган "кола"га.

Сабоҳат: Қундуз, қўйсанг-чи, ҳозир бир ишқал чиқарасан!

Қундуз: *(зарда билан):* Ўзини кўрмайсанми, кўполлигини!

Сабоҳат: Сенга эркалик қилди-да. Ҳаммамиз ахир бирмиз-ку! Бир-биримизга ҳаддимиз сиққанидан шунақа қилди. Хафа бўлма!

Феруза: Қизлар, ўйнайлик, юрийлар...

Равшан: *(даврдан чиқиб, қизларга қараб келади):* Эй, ҳозир бирпасда тугайди дискотека, мазза қилиб олсаларинг-чи!

Феруза: Мен ҳам шунга айтяпман-да...

(Бир қўлида гамбургерлар тахланган тарелка, иккинчи қўлида учта "кола" кўтариб олган Санжар столга яқинлашади. Феруза қийқиб юборади) Санди, даҳшат-ку, зўрсан-да, ўзинг!

Қундуз: *(Ферузага зарда билан):* Очингдан ўлиб қоляпсанми, намунча ютоқасан?!

Равшан: Э... э... "Пир" экан-да бугун...

Сабоҳат: Ойбекниям чақирайлик...

Равшан: Ойбексиз ҳеч нарса ўтмайди-а, томофингиздан?!

Феруза: Тўғри-да, ҳаммамиз бирга ўтирайлик деяпти Сабо.

(Ойбекни чақирайшади. Олтовлон стол атрофида жам бўлишади. Айримлар тик, баъзилари ўтирган ҳолатда)

Равшан: Дискотека деган нарсани чиқарган одамга қойилман-да!

Ойбек: Ҳа, ўзиниям унутмаган, ўзгаларниям.

Феруза: Бу нима деганинг?

Ойбек: Айтмоқчиманки, дискотекани ўйлаб топган одам аввало чўнтагини ўйлаган. Ўзи бошида энди-энди грампластинкалар чиқа бошлаган пайтда пластинкалар сақланадиган жавонни дискотека деб аташган. Ресторан, барларда шунақа жавонлардан пластинкаларни олиб, қўйиб турадиган махсус одамлар бўлган.

Равшан: Чойчақаси тузуккина бўлган бўлса керак-де, а?

Санжар: Албатта, нима, сенга текинга қўядими? Кейин, дуч келган музикани қўявермайди-ку! Одамларни хоҳишига, дидига қараб танлаб қўйган-да, пластинканиям...

Ойбек: Тўшпа-тўғри. Худди ўшанақа одамларни диск-жокей дейишган. Қараса одамларга шу нарса ёқяпти. Улар бир жойга йиғилиб олиб, ўйнайди-кулади, маза қилади. Маза қилиш эса пул туради, тушундингми?

Санжар: *(маъноли кулиб):* Маза учун доим пул тўлаш керак, шунақами?

Қундуз: Нима, олган нарсаларингни миннат қиляпсанми?

Санжар: Сасима ўв, нима бугун чап томонинг билан турганмисан?

Сабоҳат: Боллар, урушаверманглар ҳадеб.

Ойбек: Лекин Санжар тўғри айтяпти. Мазза учун доим пул тўлаш керак. Ҳеч ким бекорга иш қилмайди.

Қундуз: Нима деяпсан, Ойбек? Ҳовлимиздаги чол-кампириларнинг қандай иши бўлса, югуриб-елиб, бажариб юрасан-ку! Ё улар ҳам бекоргамасми?

Ойбек: Чол-кампирилар бошқа. Улар қариб, куч-қувватдан қолган одамлар. Қарашадиган кишиси йўқ, қарияларга раҳмим келади.

Равшан: "Ҳамма ҳар куни савоб иш қилиши керак", тўғрими?!

Ойбек: Тўғри, савоб иш қилиш керак... Шиорлар ҳам бекорга ёзилмайди-ку! Бир нарсага эътибор қилганмисилар, болалар. Кўчаларда энг кўринадиган жойларга ҳар хил шиорлар осиб ташланган. Шуларни олдида ҳамма бепарво ўтаверади. Қизиги шундаки, кунига ўн марта ўтсак, ўн марта кўз қиримизни ташлаб, ўқиб қўямиз-у, барибир аҳамият бермаймиз. Қачонки ҳаётингга шиорда айтилган гапга мос воқеа юз берса, шунда унинг қадрини ҳис қиласан. Шиор шунчаки сўзлар эмас, энди у ҳодисага айланади, сен учун маъно-мазмун касб этади. Шунинг учун қачон ўша шиорни ўқиб қолсан, бирдан ўзимга савол бераман: бугун нима савоб иш қилдим, деб. Кейин ўша ҳовлимиздаги қариялардан бир хабар олиб қўяман.

Феруза: Ана, беминнат, бекорга иш қиларкансан-ку!

Ойбек: Очиғи, буниям бекорга деб бўлмайди. Савоб иш қилиб ҳам маза қилиш мумкин. Бечора одамларга ёрдамим тегса, ич-ичимдан ҳузур қиламан.

Сабоҳат: Қанийди, ҳаммаям шунақа ҳузур қилса?!

Санжар: Бечора одам бу қўлидан бир иш келмайдиган, ношуд одам дегани. Бунақаларга ачиниш керакмас...



Кундуз: Эшиттингларми, бу олдига қўл чўзиб келса, гадоийга бир тийин бермайди.

Феруза: Жуда оширвординг...

Санжар: Тўғри, бермайман! Нега берар эканман? Гадоийларнинг дастидан на кўчада бемалол юроласан, на машинада бирор светофор олдида тўхтоласан.

Равшан: Машинада-ку эшик ойнасини ёпиб олиб, без бўлиб ўтираверасан, охири тоқати тоқ бўлиб, ўзи кетиб қолади. Катта кўчадаги, парклардаги гадоий қизча, болачалар ёмон. Искирт қўлини оёқ-қўлларингга теккизиб, ўпиб, хиралик қилаверади.

Ойбек (Сабоҳатга маъноли қараб кулиб): Айниқса, қизи билан кетаётганлар бўлса, ёмон ёпишади-а?

Феруза: Уялганидан ҳам бериб юборади дейди-да. Улар ҳам анойимас. Болачаларнинг орқасидан оналари ўргатиб туради...

Санжар: Хўш, шулар бечорами?! Шуларга ёрдам бериш керакми?!

Ойбек: Йўқ, булар бечорамас, фирт текинхўр! Уларга садақа берган одам нотўғри иш қилади. Биологияда ўқитишган-ку, ҳар қанақа микроб текинхўрлик ҳисобига урчиб кетади. Шулардан кўтилай деб ўша ёш болачаю оналарига садақа бердингми, тамом, улар текинхўрлигини давом эттираверади. Билиб-билмай ўзимиз айбдор бўлиб чиқамиз шунақа ишларда.

Кундуз: Қизиқсан-а, Ойбек! Бир бечора дейсан, бир текинхўр. Қайси гапингга ишониб керак.

Ойбек: Менинг ҳамма гапимга ишонавер.

Феруза: Нима, гадоийларни муҳокама қилишга келганимизми?! Бўлди, туриглар, рақсга тушамиз...

(Санжарнинг қўлидан тортиб, иккови рақс тушаётганлар даврасига қўшилишади)

Равшан: *(Ойбекка қарата)* Анаву кунги учрашувда ҳазиллашмадингми. Ойбек?

Ойбек: Ахир қўл ташлашдик-ку!

Равшан: Тўғрику-я, лекин... Уйингдигиларга нима дейсан?

Ойбек (уйланиб): Билмадим, энг қийини - адамлар... Ойим тушундилар, уларни кўндирса бўлади. Аммо адамга тушунтириш оғир. Бирдан ёниб кетадилар...

Кундуз: Нима ҳақида гаплашяпсизлар? Биз ҳам билсак бўладими?

Равшан (ҳазил билан): Болатой, ҳар нарсанинг вақти-соати бор. Кўп билсанг, эрта қарийсан.

Кундуз: Вой савил-эй, жуда доно бўлиб кетибсизларми?!

Сабоҳат: Бир-биримиздан ҳеч нарсани яширмаймиз деб келишувдик-ку!

Ойбек: Йўқ, сир эмас, қизлар. Фақат ҳали хом гап. Шунинг учун очик айтмай турибмиз.

Равшан: Тушунмаяпман, Ойбек! Бир қўл ташлашдик дейсан, бир хом гап дейсан...

Ойбек: Уртоқ, гап битта, ниятимдан қайтмайман! Фақат уйдагилар билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш керак дедим-ку. Шунинг учун ҳозирча очик айтолмаяпман.

Кундуз: Ҳамонки гап бошладингми, айт...!

Равшан (кулиб): Бўлмаса Кундуз "тарс" ёрилиб кетади...

Сабоҳат: Қўй, Кундуз! Айтиб бўлмайдиган гапдурда... Вақти билан билиб олармиз...

Кундуз (Сабоҳатга): Ҳа, писмиқ. Сенинг ҳам тилинг бир. Ҳаммасини биласану, сир сақлайсан...

Ойбек: Сир эмас дедим-ку, Кундуз. Шунчаки пишмаган бир гап - ман мустақил бўлмоқчиман.

Кундуз (энсаси қотиб): Нима, қанақа мустақил? Қулоғимга лағмон осмоқчимисан?!

Равшан (истеҳзо билан): Нега тушунмайсан? Мустақиллик деган сўзни бир кунда юз марта эшитасан-ку, шу-да.

Кундуз: Сиз давлат жуни билан шахсий жунигини аралаштирманг. Биз ҳам жуда тупой эмасмиз!...

Ойбек (кулиб): Прикол! Ясадинг, Кундуз!

Кундуз (жаҳл билан): Борларинг э, ман сенларни одам десам... *(ўрнидан туриб нари кетади)*

Сабоҳат: Жуда оширворасанлар-да... *(Кундузни юпатиш учун туриб кетади)*.

Равшан: Хафа бўладиган гап қилмадик, шекилли?

Ойбек: Кундузнинг жаҳли бурнининг учиде туради. Лекин юрагида кири йўқ, Кўнглидагини шартта айтади қўяди.

Равшан: Шунинг учун уни кўпчилик "ҳазм қилолмайди"-да. Биласан-ку, мактабда уришмаган ўқитувчиси қолмаган эди.

Ойбек: Тўғри, лекин шу характери учун ҳам ҳурмат қилса арзийди. Эсингдами, кураторимиз ҳадеб бўлар бўлмаста пул йиғаверганда, фақат шу қиз туриб: "Сиз ўқитувчимисиз ё пул йиғадиган инкасатормисиз", деб айтганди. Биз бирортамиз журъат қилолмасдик. Фақат норози бўлиб, ўзимизча мингфирлаб қўярдик.

Равшан: Нега энди, сен ушанда унинг ёнини олгансан-ку! Лекин эртасига у ҳам, сен ҳам ҳамма қатори пул олиб келиб бергансизлар...

Ойбек: Ор-номус деган гаплар бор-да, ўртоқ, пасткаш деган ном олгим келмасди...

(Сабоҳат яқинлашади)

Сабоҳат: Кундузнинг феълени биласизлар-ку! Шунга қараб муомала қилсанглар бўлмайди? Болалар мени мазах қиляпти деб, жуда хафа бўляпти.

Равшан: Бўлди, ўзим юпатаман уни. Даврага тортиб, бир ўйнатай...*(туриб кетади)*

Ойбек: Сен билан ҳам ёлғиз қоладиган пайт бўларкан-ку, Сабо. Бирпас ўтир.

Сабоҳат: Ҳа, нима дейсан, гапинг бормиди?

Ойбек: Сенда қачон гапим бўлмаган?

Сабоҳат (қизариб ерга қарайди): Жуда қизиқсан-да, Ойбек. Яхшиси кетайлик. Ойимларга икки соатда келаман дегандим. Уч соат бўлиб кетди.

Ойбек: Бироз тўхта! Борасан ўша томи қийшиқ уйингга...

Сабоҳат: Ўйлаб гапиряпсанми? Худди ойимнинг феълларини билмайдигандайсан-а?!

Ойбек: Биламан, *(кулиб)* бошингда ёнғоқ чақадилар, лекин ойинг менга ишонадилар-ку!

Сабоҳат: Ҳа, ишонадилар... Лекин бу кеч келганим учун менга индамай қўя қоладилар, дегани эмас-да.

Ойбек: Ҳа, бўпти, кетамиз. Фақат бир саволимга жавоб бер.

Сабоҳат (ҳайрон бўлиб): Нима савол экан у?

Ойбек: Нега ўзингни билмасликка соласан? Кечаги гап-чи?! Ахир ўқишлар тугашига бир ҳафта қолди-ку!

Сабоҳат (ерга қараб, уйланиб қолади): Тўғри-ку, аммо у гапни ойимдан сўраш даҳшат... Сен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан.

Ойбек: Эртаю кеч тиним билмай, қизларининг дардида ёниб-қуйиб юрган ойинг унақа жуда қисти-бастига олмасалар керак?!

Сабоҳат: Шундай дейсан-у, лекин сира журъатим етмаяпти.

Ойбек: Ўзинг, холам бор, шуларни баҳона қиламан деб, жуда пухта режалар тузиб қўйувдинг-ку!

Сабоҳат: Тўғри, ҳалиям ўша режадан воз кечганим йўқ, бироқ қанақадир бир далла, туртки керак бўляпти-да.

Ойбек: Мана мен далда...*(беғараз қувлик билан)* Мени ўйлаб турсанг, журъат ўз-ўзидан келади. Ёки мени ўйласанг, тилинг айланмай қоладими-а...

Сабоҳат (енгил кино билан): Жуда ўзингизга ортиқча баҳо бериб юбормаяпсизми?

Ойбек: Ҳа, нима... ойинг мени яхши кўрадилар...

Сабоҳат (беғубор истеҳзо билан): Яхши кўрадилар эмас, ҳурмат қиладилар. Сени жуда ақлли бола дейдилар. Аслида эса томинг кетганлигини билмайдилар.

Ойбек: Нима, нима... *(ёлғондан ҳезланар)*. Умуман олганда тўғри, сизларни уйда мени яхши кўрадиган одам битта, *(жиддийлашиб, ҳаяжон билан)* фақат битта... *(маъноли жилмаяди)*.

Сабоҳат (*қизариб, кўзини ерга қадайди, бир-икки сониядан сўнг*): Бўпти, энди кетайлик.

Ойбек: Савол жавобсиз қолди-ку?!

Сабоҳат (*ташвишланиб ва қизариб*): Бугун-эрта айтишга ҳаракат қиламан, бўлдими, кетдик. Мен болаларни чақирай.

(*Шу тобда музика тинади. Дискжокей дискотека тугаганини эълон қилади. Саҳнада пайдо бўлган икки-уч каттароқ ёшли бақувват кўриқчи йигитлар дискотека тамом бўлганини эслатиб, болаларни саҳнадан чиқара бошлайдилар.*)

Парда.

2-кўриниш.

Парда очилади. Кўп қаватли уйнинг ўрточа таъмирланган квартираларидан бири. Тўрда китоблар билан тўла жавонлар, стол-стуллар, диван, кресло. Бу домла Шавкатнинг хонадон. Саҳна чеккароғида яна бир кичикроқ стол. Фартук боғлаб, бошидаги причёскасини рўмол билан энгли танғизан Дилбархон тахтачага қулчатоиларни тахлаб, кесиб, норин хамирини тўғрамоқда. Гоҳ-гоҳ тахтачадаги тўғралган хамирни олдидаги тоғорага бўшатиб туради. Радиомангитафондан Юлдуз Усмонованинг "Болажон" кўшиғи майин таралмоқда.

*Умр оқиб кетар экан тез кунда, ҳей,
Фарзанд катта бўлар экан бир зумда, ҳей,
Тушунмас экансиз уларни
Кунда бир эсланг ёшлик даврини
Сақланг оқибатни...*

Эшик кўнғироғи чалинади. Дилбархон магнитофон овозини пастлаб, бориб эшикни очади. Мастураҳон (Сабоҳатнинг онаси) кириб келади.

Дилбархон: Келинг, келинг, кўшни, бормисиз?

Мастура: Узингиз бормисиз? Қачон Мастураҳон хабар олар экан деб, кутиб ўтирмай, чиқсангиз бўлмайдимиз? Узоқдаги қариндошдан яқиндаги кўшни афзал, деган гаплар бор-а, ўргилай.

Дилбархон: "Дом"чилигам бор бўлсин, Мастураҳон. Эрта кетасиз, кеч келасиз. Келдиз овқатга уннайсиз, кир-чир, уй юмушлари дегандай.

Мастура: Ҳа, Унсинхонни узатиб, бор уй юмушлари ўзингизга қолиб кетди, шекилли... Бунақа десам Ойбек ҳам эркакман деб қараб турадиган боллардан эмас-ку. Ош-овқат, кир-чирга қарашиб кетаверади, шекилли, барака топкур.

Дилбархон: Ҳа, нимасини айтасиз. Ҳар ишга моҳир. Бугун ҳам ўқишидан келди-ю, хамирларни пиширишиб, олдимга қўйиб, гўштини, совуб турсин, келиб ўзим тўғрайман деб, жавоб олиб, чиқиб кетди. Ҳа, айтмоқчи (*савол оҳани билан*), Сабоҳатлар билан бирга нариги мавзедаги дискотекага бориб келамиз деб айтганди-ку?

Мастура: Шундан хавотир олиб чиқдим-да, кўшни. Сабоҳат икки соатларда келамиз деган эди, уч соат бўляпти дарағи йўқ. Сиз билмадизми... келиб қолишармикан?

Дилбархон: Келиб қолишади. Эсли-хушли болалар...

Мастура: Эсли хушлиғи, барибир бола-да. Булар тегмаса, буларга келиб тегинадиганлар бўлар... Бу дискотека деганларида бир кўча ёш-яланг йиғилиб олгандан кейин, худо биледи, не шайтонлар оралмас экан. Ўша ажралмас олтовлон борамиз деганига, қатордан қолмай қўя қолсин девдим-да. Бунақа ҳаяллашларини билсам, сира йўлатмасдим.

Дилбархон: Хавотирланаверманг, тудога шукр, тинчлик-омонлик, ёшлар бари кўчада, вақтларини хуш ўтказишга не-не шароитлар бор. Ҳаёт яхшики, одамлар иш, ўқишдан кейин кўчаларга чиқади, сайр қилади, сайлгоҳларга боради. Ҳар даврнинг ўз хислати, ўз фазилати бор-да... Келинг, ундан кўра менга қарашинг. Бир дунё хамирни қачон тўғраб улгураман... (*Мастура ҳам столча олдида келиб, норин тўғрашга киришади*)

Мастура: Бунча кўп? Шу илиғ-иссиқда бунча норин шартмиди? Ё лозиманда борми?

Дилбархон: Ўзбекчилик ҳам бор бўлсин... Ҳеч лозиманда қамаймайди. Қиз узатиб, тинчийман деган одам чучварани хом санаркан. Қудамизнинг ҳали у опаси, ҳали бу яқини "келин салом"га чақириб чарчашмайди. Иш десанг, баҳона қиялпти дейди, бормасанг бўлмаса...

Мастура: Уртоқжон, емоқнинг қайтмоғи бор дейдилар. Чақириб-чаллаб, ўтказиб қўйгандан кейин қиласиз-да. Бошқа не иложингиз бор. Қуда-анда, орзу-ҳавас шу-да! Тагин ҳам яхши одамлар экан, ҳайит-байрам қилмаймиз десангиз, индамай кўнишиди-ку!

Дилбархон: Вой, вой, вой... Нима деганингиз у?! Мана шунақа маломати ёмон-да! Ахир таклиф қудаларнинг ўзидан чиқди-ку! Аёл қудамиз қулуг сафарга бораман дедилар. Келиним уриниб қолади. Битта катта бош бўлиб турмаса, "ҳайит" қилишнинг ўзи бўладими?! Бу ёқда Шавкат акангиз ҳам, қолаверса ўзим ҳам шу фикрда эдик. 50-60 талаб тоғора қилиб, 3-4 кун эскитиб уларни, кейин хузурини ариғу-зовур кўрадимиз?! Бу исрофгарчиликлар ўрнига, уч-тўрт сўм жамғармаса бўлса, жўяли жўйига сарфлаган маъқулмасми?

Мастура: Удум, ўргилай, удум. Урф-одатимиз ота-бобомиздан ўтиб келаяпти. Ахир ўзинглар ҳам мактабингларда қадрият, урф-одат, деб, ўқитиб ётасизлар-ку! Шу-да қадрият. Улиб-тирилиб мол-ҳол қилиб, қизни узатсангизу, унинг сепи, зеби-зийнанини дўст-душманга ҳайит-байрамларда кўз-кўз қилмасангиз, қадрият бўладими, оқибат бўладими?

Дилбархон: Ёлғон дабабаю, кўзбойламачиликлардан кимга зиён-у, кимга фойда?! Бир сўм пулни пешона тери билан топсангиз, албатта уни нимага сарфлаяпман деб ўйлаб қоласиз. Мана ўзингиз... ахир тун билан қўйлақ тикиб, тонг сахар қасалхонага бориб, супуриб-сидириб, не азобларда топган маблағингизни сувга оқизиб алам қилмайдимиз?!

Мастура: Нега оқизарканман? Нуқул исроф дейсиз. Ҳайит-байрам ўтганидан кейин қариндош-уруғ, кўни-қўшнига улашиб беради.

Дилбархон: Мастураой, бугун ҳеч ким очидан ўлиб, қорин илинжида эшикма-эшик юргани йўқ. Биров бировга зор эмас. Ўзини ҳурмат қилган одам эскиб бузилган таомни емайди. Шундай экан, исрофгарчилик бўлиши аниқ.

Эшик кўнғироғи жириглайди.

Мастура (*чехраси ёришиб*): Болалар келишди, шекилли.

Дилбархон бориб эшикни очади. Хонага кириб келаятган Шавкатнинг ҳазил аралаш товуши эшитилади.

Шавкат: Дилбар — давр қизи, қалайсиз. О... бугун жуда очилиб кетибсиз. "Ҳозадин юзларда тобу, қўллар хинодин лола ранг" (*Фузулий сатрини ўқийди шўх-шаън ва тўйқус Мастурага кўзи тушиб, ўзи ҳам қизирганча кўшини аёл билан сўрашади*). Э.э, Мастураҳон... яхшимисиз, болалар дурустми (*шошиб, ўз хонасига ўтиб кетади*)

Мастура: Шавкат ака жуда ажойиблар-да. Гоҳо телевизорларда чиқсалар, суюниб кетаман шундай одамга кўшнилигимдан. Ишхонада мақтаниб ҳам юраман ҳавасланиб.

Дилбархон: Раҳмат, раҳмат, Мастураой. Акангизнинг топган-орттирганлари шу қуруқ обрў, озгина шон-шўҳрату, бир уй китоб...

Мастура: Вой, нима, камми бу? Шуларнинг орқасида дабабаю асаса билан тўй қилдилар... Каёққа борсангиз тўйингларни овозаси. Ўша Шавкат акани сиз айтган қуруқ обрўю шон-шўҳратларидан шунчалик бўлса, бошқасиники қанақа бўларкин? Ору-ҳавас ҳам жуда ошиб кетаяпти-да (*чуқур хўрсиниб*). Илоё, мени қизларимгаям шундоқ тўйлар насиб қилсин.

Дилбархон: Худо хоҳласа, насиб қилади. Қизларингиз популдай. Хулқи одоби, меҳнаткаш "лочин"лигини айтмайсизми буларнинг. Сабоҳатингиз келин бўлиб тушса, ҳар хонадонни яшнатади, барака топкур.



Мастура: Жуда одамнинг кўнглини кўтарворасиз-да, ўргилай... *(Шу пайтда хонага аста томоғини қириб, уй кийимида Шавкат кириб келади)*

Шавкат: Ҳорманглар, ҳорманглар! Хирмонга барака *(ваннахонага ўтиб боради. Мастура довдираб, салобат босиб, яна салом беради)* Ваалайкум ассалом.

Мастура: Хўжайинингиз жуда салобатлилар-да. Одам ғалати бўлиб кетади... Олим одамни ўзиям, сўзиям қизиқ, ҳали шеър ўқидиларми — ғоз... ғўза деб? Нима дегани у? Кейин нега Сизни доим "Дилбар—давр қизи" дейдилар?

Дилбархон (қулиб): Ғўза эмас, ғоза — қадимгилар упа-элик соладиган қутини шундай деркан... Акангиз Ойбекшунос олимлар. Умр бўйи шу ўзувчининг ижодини ўргангилар. Номзодлик ишлари ҳам Ойбекдан. Урганавериб, ҳаммамизга Ойбек асарларидаги қахрамонлар исмларини қўйиб олганлар. Мениям исмим Ойбекнинг "Дилбар—давр қизи" деган достониди биринчи марта қўлланган экан. Шундан ҳазиллашиб, менга "Давр қизи" деб лақаб қўйиб олганлар.

Мастура: Э, э, Ойбекнинг исмиям шундан экан-да, а...

Дилбархон (қулиб): Қизимиз Унсинхонниқиям.

Мастура: Ҳа-я, "Қутлуг қон" китобида Йўлчининг Унсин деган синглиси бўладику-а?

Дилбархон (хандон ташлаб қулиб): Топдингиз, топдингиз. Бўёғини суриштирсангиз, менинг ҳам исмиمنى эшитиб, ўзимни ҳали кўрмаслариданоқ "шу қизга уйланаман" деб туриб олган эканлар...

Мастура (ҳам қулиб, ҳам ҳайратланиб): Ростданми, вой, тавба, Шавкат ака шунақаман ҳали... *(хонага яна томоқ қириб Шавкат кириб келади)*

Шавкат: Шавкат акангларнинг роса қулоғини қизитаяпсизлар, шекилли. Тинчликми?

Дилбархон: Мастураҳонга сизнинг ойбекшунослигингиз сабаб менга уйланганингизни гапириб бераётувдим.

Шавкат: Ҳа, ҳа, яхши. Ойбекшунослигим туфайли нафақат сизга уйланганман, Мастураҳоннинг синглисига ҳам исми Гулнор бўлгани учун репититорлик қилганман. Айтиб бермаганми?

Мастура: Ҳа, ҳа, айтган. Дастлаб шу уйга кўчиб келганимизда, сизни учратиб қолиб, Шавкат ака мани тил-адабиётдан ўқишга тайёрлаганлар деганди.

Шавкат: Тўғри, шундай бўлган. Яхши юрибдим Гулнор, ўзидан кўпайиб? Ишлари дурустми? Нима қилаяпти ҳозир, врач эди, шекилли?

Мастура: Дўхтир, тиш дўхтир... Ишини давом эттираяпти. Аммо ҳозир у ҳам бизнесмен бўлиб кетган.

Шавкат: Савдогарчилик қилаяптими?

Мастура: Йўғ-э, дўхтирхона очган, "часнўй". Ўзи билан бирга ўқиган қашқадарёлик бир йигитга турмушга чиқиб, ўша ерда бола-чақа, уй-рўзгор қилиб, яшаб юрибди. Эпчилгина, тишли-тирноқли эмасми, жоманага қараб уям эрини ишга солди—тиш даволайдиган поликлиника очишибди. Бийдай далаю-дашларда бунақа нарса фойда берармикан десам, йўқ, бинойидай дейди. Тез-тез кўнғироқ қилиб туради, ишидан хурсанд, тирикчилик яхши дейди. Ҳатто Сабоҳатниям юборинг, бир-икки йил бизга ёрдам бериб юрса, келинлик мол-ҳолини қилиб олмасин дейди. Бе, қиз бола нарсани чўлу биёбонга юбориб бўларканми, дедим.

Дилбархон: Бунини, ўртоқжон, бизнесмен эмас, ишбилармон, тадбиркор дейди, тушундингизми?

Мастура: Ҳа, энди, шу-да, барибир эмасми? Мақсад пул топиш-да!

Шавкат: Тўғри, лекин пул топишдаям топиш бор. Меҳнат билан топса ҳалоли бўлсин.

Дилбархон: Рост-а, Мастураҳон, Гулнорой шунақа ишлар бошлаб юборган бўлса, жўнатинг Сабоҳатни. Ахир борса, ўз ҳоласиникига боради-ку, бегонамас-ку! Сиз ҳам ўзингизни ўтга-чўққа уришдан сал енгиллашармидингиз? Қачонгача иш-иш деб, ўзингизни қийнаверасиз?

Шавкат: Ўйлаб гапиряпсанми? Қиз болага чўлда нима бор?

Мастура: Ҳа-я, нариги кўчага кетиб, бир соат ҳаяллаганига ўзимни кўярга жой тополмай, сизникига хавотир олиб чиқдим-ку, Қашқадарё деган жойларга юбораманми қиз нарсани.

Шавкат: Нега ҳаяллайди? Бориб кела қолмадингизми ўша ерга?

Мастура: Аниқ жойини билмайман... Кейин, Ойбек бош ҳаммалари бирга кетгани учун сал хотиржамроқман.

Шавкат (Дилбарга қараб): Нима, Ойбек ҳам кетганми? Қаёққа кетишган ўзи?

Дилбархон: Дискотекага. Нариги мавзеда янги дискотека очилибди. Шунга борамиз дедди.

Шавкат: Ўзинг жавоб бердингми?

Дилбархон: Ҳа, бесўроқ кетмайди Унсин деган-ку, ўғлингиз, нима қилибди? Бир яйраб келсин дедим, ўртоқлари билан...

Шавкат: Ўйлаб гапиряпсанми, хотин?! Ҳеч иккиланмай болангни жанжалхонага юбордингми? Ўқитувчи, тарбиячи бўла туриб, ўзинг тарбиясизликка бошлаяпсанми?

Дилбархон: Нега унақа дейсиз? Ойбек анча эсини йиғиб олган йигит. Оқ-қоранинг фарқига борадиган бўлиб қолган. Ўқишдан келиб, менга қарашди, кейин жавоб олиб, ўртоқлари билан дискотекага кетди. Нимаси ёмон бунинг?

Шавкат: Ҳамма бало "нимаси ёмон" деб бепарволик қилишдан бошланади. Кўчада нима кўп — маза-бемаза кўнғилочар бар-клублар, ҳар хил ўйинлар кўп. Буларнинг жозибаси шундоқ ёмонки, одамни сеҳрлаб қўяди. Ақлини таниб улгурмаган Ойбекка ўхшаш ўспиринлар бунақанги ўйин-кулгуларга тез берилиб кетади. Қарабсанки, уч-тўртта такасалтанга қўшилиб олиб, енгил-елпи ҳаётга ўрганиб қолади. Ҳаётдан мақсади йўқолади. Ичкилик, сигарет, нарироқ бориб бошқа ҳар хил банг қилувчи нарсаларга ружў қилади. Оқибатда бола-бола эмас, умринингиз азобига айланади. Утгиз ёшга бориб-бормай, касалванд, текинхўр, пиёниста, дайди бир маразга айланади.

Мастура: Худо асрасин. Бунақаларнинг кўпини кўриб, эшитиб юрибмиз.

Шавкат: Ҳа, кўриб, эшитиб юрибсиз. Эрта бир кун ўз оилангизда шундай аҳвол рўй берса-чи? Унда нима қиласиз? Унда кеч бўлади. Шунинг учун ҳозир бепарво бўлмаслик керак. Ёмон ҳулқ-атворнинг бошланиши ана ўشناқа дискотека, бар-клублардан бўлади.

Мастура (ўта хавотирланиб): Вой, ўла-а-й! Бораман деса, индамай хўп деяверганимни қаранг, мен аҳмоқ. Бунақа оқибатлари бўлиши мумкинлигини ҳаёлимга ҳам келтирмабман.

Дилбархон: Ҳай, ҳай, ҳай. Жуда оширвормайлар бунчалик, адаси. Сиз айтган гаплар бир вақтлар капитализмни ёмонлаш учун тарих дарсларида ўқитилар эди. Ахир замон ўзгарди-ку?! Бунақанги қарашлар ёлғон эканлиги маълум бўлди-ку?! Ўша клубу барлар билан тўлиб-тошган хорижнинг олди мамлакатлари тўқликдан гуллаб-яшнаб кетаяпти-ку! Дискотекаларда ўсган йигит-қизлар мамлакатининг ривожига учун зўр ишлар қилиб юрган бўлса, не ажаб?! Болаларга ундай қил, бундай қилма, деб ўргатавериш яхши натижага олиб келмайди. Мактабда йигирма йилдан бери ишлаб, не ҳолатларни кўрмадим! Ҳар йилги битирувчилар ҳар сафар ҳар хил. Йилдан йилга қарашлар, муносабатлар худди либослар каби, балки ундан ҳам тезроқ ўзгариб, янгиланиб бораёпти. Албатта, ҳаммаси ҳам бизларга маъқул эмас. Лекин маъқул эмас деб сунъий тўсиқлар яратиб бўлмайди-ку! Балки тушунмаётган нарсаларимизни номмаъқул деб қабул қилолмаётгандирмиз?! Асли барча иллат катта ва кичик авлодларнинг бир-бирини тушунмаётгани ёки тушунишни истамаслигида.



Ёшлар бизни тушунмаса, бу улар учун оламшумул муаммо эмас. Ўз йўллари, ўз ўзанларида кетаверадилар. Аммо биз уларни тушунишга интилмасак ва билиб ёндошиш ўрнига ё тўсиқ қўйиб ё қуруқ насиҳатбозлик қилсак, мана бу ёмон. Шунинг учун биз дискотекадан эмас, аксинча болаларимизни тушунмай қолиб, йўқотиб қўйишдан қўрқибимиз керак.

Шавкат (овозини сал баландлатиб жаҳл билан): Ваъзхонликни бас қил! Ҳали уйингга чайқалиб, қийшайиб кириб келса, шунда тушунасан болангни тушунмаслигингни...

Мастура: Худо асрасин-а... Ювиб, тараб, катта қилиб, энди орзу-ҳавасини кўраман деган-да ёмон йўллarga кириб кетса, буям бир бало. Ўзи асрасин... (каловланиб) хавотирланиб кетяпман. Мен яхшиси кўчага чиқиб, бир хабар олай... (чиқиб кетади)

Дилбархон: Қўрқитиб юбордингиз бечорани...

Шавкат: Сенга ўхшаб бепарво ўтиргандан, шунисиям маъқул... Мен ҳам кетдим кўчага, ўзим топиб келмасам, арзандангни, ҳали-вери келмайди, шекилли... (чиқади).

3-кўриниш

Мастуранинг квартираси. Магнитофондан баланд овозда ёш эстрада хонандасининг шовқинли қўшиғи янрамоқда. Сабоҳатнинг сингелис Малоҳат китоб-дафтарларини стол устига ёйиб олганича, студда оёқлари-елкаларини муқиқа оҳангига мос ликиллатиб, алланарсаларни ёзиб ўтирибди. Хонага қувалашиб кетма-кет Сабоҳат ва Мастура кириб келадилар. Малоҳат магнитофон овозини настлатади. Сабоҳат Малоҳат ўтирган стол ортига ўтиб, гўё онасидан муҳофазаланади.

Сабоҳат: Жуда қизиқсиз-а, ойи. Синфдошларим олдида шарманда қилдингиз. Қўлингиз ҳам омбурга ўхшайди. Чимчилаган жойингизни узиб оламан дейсиз.

Мастура: Бу ҳам кам. Пишириб қўювмиди сенга шунча ўғил болалар билан бошлашиб тансахонаман-тансахона юришга?!

Сабоҳат: Ахир, ахир ўзингиз рухсат бердингиз-ку! Сўраб кетдим-ку!

Мастура: Сўрасанг икки соатга деб сўрадинг. Ўғил болалар билан қийшанглашиб ресторанма-ресторан юраман демading.

Малоҳат (масхараомуз): Тўппа-тўғри, ойижон. Ҳамма ишни менга ташлаб, юрибди кўчада ўйнаб.

Мастура: Сен жим ўтир, тирмизак. Ҳали сениям ақлингни киргизиб қўяман.

Малоҳат: И-и, "прикол"... менда нима айб?!

Сабоҳат: Ойижон, тухмат қилманг. Ресторан деб ким айтди сизга. Нариги мавзедаги дискотекага борамиз дедимку, ахир. Тўғри, бир оз кеч қолдик. Сал ўйинга берилиб кетибмиз, кециринг.

Малоҳат (қизиқиб): Қаерда экан у дискотека? Роса кайф қилибсизлар-де, а!

Мастура: Мана, кўрдингми, синглинг ҳам сендан ўрناق оляпти. Қиз бола деган бўй-басти етдими, бўлди, уйда ўтириши керак, қозон-товоқ, уй юмушларини қилиб. Бу ёғи "дом"чилиқ — ҳар эшикнинг тешиги бор мўралайдиган. Бўй етган қизга ҳамма қизиқади. Худабехуда кўчага чиқаверсанг, эрта бир кун эшигингга келадиган совчилар қўни-қўшнидан суриштира, ҳа, оёғи олти, боши сайли-байли, кўча хандоқ қиз деса, нима бўлишини ўйлайсанми?! (ийғи аралаш) Ўзи шундоғ ҳам оталаринг туфайли исноддан ҳалигача бошимни кўтаролмай юраман. Нима, бира тўла маломатга кўймоқчимисанлар?

(Икки қиз икки томондан келиб, оналарини кучиб, овтмоқчи бўлишади)

Сабоҳат: Қўйинг, ойижон, шунга шунчами? Борма десангиз ҳеч қаёққа бормайман. Фақат..., (Уйланиб, маънодор оҳангда) фақат... дугоналаримдан қолиб кетмай дейман-да.

Малоҳат (қувлик билан): Дугоналаримданми ё

Ойбекданми?! Жа-а "шумний" бола Ойбек, қизингиз ўлгудей шайтон-да, ойижон.

Сабоҳат (қизариб, сингелисига ҳезланиб): Ҳозир кўрасан мендан. Бўлар-бўлмас гаплар қилмай, дарсингни тайёрласанг-чи. Сенга ким қўйибди, халитдан бунақа гапларни, э "сопляк".

Мастура (Сабоҳатга маъноли тикилиб): Тўхта, тўхта... Ростми шу гап?

Сабоҳат: Ойижон, қўйсангиз-чи... Биласиз-ку, олтига синфдош доим биргамиз. Тўққизинчи синфдан кейин ҳамма ҳар хил коллеж, лицейларга тарқаб кетган бўлса ҳам, бир-биримиздан ажралмаймиз. Болаликдаги дўст-дугоналар барибир энг қадрдони буларкан.

Малоҳат: Ойбек-чи, Ойбек? Уям дугонаизми? Бутун ҳовлидилар билади-ку, юришилани...

Сабоҳат (енгил жеркиб): Учир овозингни... Ким бирга юрса пешлайверар экан-да... Ойбек ўша ўртоқларим қаторида энг яқин дўстларимдан. Биз бир-биримизни бошқаларга қараганда кўпроқ тушунаемиз. Шунинг учун икковимиз гоҳо алоҳида гаплашиб қоламиз. Нима қилибди, бунинг нимаси ёмон?!

Мастура: Ёмон ери йўқ. Лекин бўй етганда қиз билан йигит алоҳида гаплашиб юрса, ким ишонади бунинг фақат дўстлигига. Эркак билан аёл ўртасида дўстлик бўлмайди, билиб қўй.

Сабоҳат: Нима бўлади бўлмаса?

Малоҳат: "Прикол!" Вой муғомбире-ей, нима бўлишини билмасмишлар... (секингина) Бола бўлади, бола...

Мастура: Юм, оғзингни, тирмизак. Қани чиқ, бу ердан. Бор, ошхонага чиқиб дарсингни қил!

Малоҳат: Бўпти, чиқаман, лекин билиб қўйинг, Сабоиз лагмонни чўзиб, қулоғизга осиб қўйса, мани чақириб юрманг...

Сабоҳат: Чиқ, чиқ, бор ошхонага... (Малоҳат кетгиси келмай, аста китоб-дафтарини олиб, чиқиб кетади)

Мастура: Кўряпсанми, сендан нима ўрناق оляпти синглинг...

Сабоҳат: Ойижон, Малоҳатиз ўзи шунақароқ, бировларнинг гапини эшитишни яхши кўради. Мендан уч ёш кичкина бўлсам, мен хаёлимга келтирмаган гапларни биледи...

Мастура: Синглингни қўй, ўзингдан гапир... Жон қизим... биласан, не азобларда сенларни катта қилдим. Отанг бегона хотинга илакишкандан кейин ҳаром бетиниям, ҳаром пулиниям кўрмай дедим. Бўлмаса, ҳали-ҳануз ёрдам бераман дейди. Ўзингниям неча бор йўлингни пойлаган. Йўқ дедим, мен ёқмас эканман, нега мен туғиб ўстирган болаларим ёқиши керак унга. Мени суймаса, болаларимниям суймасин. Ўлсам ҳам ўзим боқиб катта қиламан дедим. Мана, худога шукр, бировдан кам, бировдан ортиқ, вояга етдинглар. Ўзимни ўйламадим, нима топсам, шу икковингга бўлсин дедим. Менга ҳам оғиз солганлар йўқ эмас эди... Болаларим шумшиқ бўлиб, бегона отанинг кўзига жовдираб юрмасин дедим...

Сабоҳат: Ойижон, дадам ўша аёл билан бирга ўқиган эканлар-ку! Севишиб юришган экан...

Мастура (бирдан овозини баландлатиб): Ким айтди сенга? Ким сенларнинг фикрингни бузаяпти? Гапирма у тошбағир ҳақида менга. Бу уйда унинг номиниям тилга олмаларинг, уқдингми?!

Сабоҳат: Бўлди, бўлди, ойижон.

Мастура: Ким айтди сенга бу гапни? Қаердан эшитдинг?

Сабоҳат: Кичкинагина ҳовлида юзлаб одам турса, гап турадими, ойижон.

Мастура: Биламан ким айтганини. (ийғламсираб) Уззукун келинидан ҳасрат қилиб, болаларига кун бермайдиган Ҳатиба холадан чиққан бу гап. Отангнинг опаси қайсидир уругига қуда бўлган. Ушанақа бекорчи гийбатчилардан чиқади бундай гаплар. Қулоқ солма



уларга сира. Эшигингга совчи келса, йўқ ердаги айбларни топиб, ёмонлаб юборишдан ҳам тоймайди булар.

Сабоҳат: Хафа бўлманг, ойижон. Одамларни биласиз-ку...

Мастура: Ҳа, биламан, шунинг учун хафа бўламан-да. Бўлса, кўролмайди, йўқ бўлса, беролмайди. Не машаққатларда эрта-ю кеч меҳнат қилиб, сенларни оёққа турғазганимни гапирмайди, йўқ, уларга фақат фитнес-фасод бўлса. Шуларни ўйлаб сенларни номинг ҳам ёмонга чиқмасин дейман. Ойбек билан дўстлигингни ҳам эртага ўзининг қаричида ўлчаб, оламга дoston қиладиганлар ўшалар. Уларни кўздан нарироқ бўлиш керак. Ҳуда-беҳуда кўчага чиқавермай, ўғил болалар билан керак-нокерак гаплашавермаганинг маъқул, кизим. Сенларнинг бахтинг, келажакнинг мен учун ҳар нарсадан муҳим...

Сабоҳат: Тушундим, ойижон, тушундим.

Мастура: Тушунган бўлсанг, бўпти, билиб ишингни қил.

Сабоҳат (*иккиланиб, журъатсизлик билан*): Ойижон... Сиз билан яна бир нарсга ҳақида гаплашиб олмоқчи эдим... (*Телефон тинимсиз жириглайди*)

Малоҳат (*шошиб кириб*): Ойижон, телефонни олинг, межгород, Қашқадарёдан Гулнор холам, шекилли.

Парла

4-кўриниш

Шавкатнинг уйи. Хонага Шавкат ва Ойбек кириб келадилар.

Шавкат: Бир-икки ҳафтада ўқишларинг тугайди, коллежни битирасан. Наҳотки тайёрлайдиган дарсинг, қиладинг юмушинг бўлмаса?! Эртами-индин бўладиган битириш имтиҳонлари арафасида қандай қилиб кўнгиладингга ўйин-кулгу сиғади. Жиддийроқ қарасанг бўлмайди?

Ойбек: Дада, нега ташвиш чекасиз? Дарсларни тайёрлаб бўлганман. Битириш имтиҳонларидан ҳеч хавотирим йўқ. Йил давоми синов рейтингларим нормальный...

Шавкат: Жуда ўзингга ишонаверма, сендақаларнинг кўпини кўриб юрибмиз.

Ойбек: Дада, балки сиз ўқитаётган болалар "дебила" дир. Мен причём?!

Шавкат (*жаҳл билан*): Гапингни тузат... э валаки-саланг. Ким билан гаплашяпсан?! (*Шу пайт хонага Дилбархон кириб келади. Шавкатнинг авзойи бузилганини сезиб, ўғлини қойийди*)

Дилбархон: Ойбек, даданг гапирганларида эшитгин. Сени ёмон бўлсин демаядилар-ку, ахир.

Ойбек: Ойижон, мен ортиқча ҳеч нарсга деяётганим йўқ. Дарсларимни, ишларни қилиб, кейин ўзингиздан сўраб кетувдим-ку!

Дилбархон: Тўғри, дадаси... айтдим-ку сизга.

Шавкат: Айтдинг, айтдинг. Аммо минг сўраб кетганда ҳам, ҳозир шу кунларда битирув имтиҳонлари топширадиган ўқувчига ўйин-кулгу керакми?

Дилбархон: Ахир, дарсларини тайёрлаб бўлган-да!

Шавкат: Дарсларини тайёрлаб бўлган бўлса, инглиз тилини ўқисин.

Ойбек: Инглиз тили репетиторига борадиган куним эртага.

Дилбархон: Ҳа, ҳафтанинг тоқ кунлари боради репититорига.

Шавкат: Бўлмаса... бўлмаса жуда билими ошиб кетган экан, ана бадий китоб ўқисин, кинога ё театрга борсин. Албатта бўш вақтини дискотекада ўтқазини шартми?

Дилбархон (*Ойбекка қарата*): Бор, ўғлим, қўлингни чайиб чиқ, овқатланамиз... (*Ойбек чиқади*)

Шавкат: Жуда ўғлингизнинг ёнини олмасиз-а?! Нега

гапни тўхтатасан! Нима, мен ўз боламга душманманми?! Ҳўш, ўғлинг шунчалик бекорчи бўлиб қолган экан, китоб ўқисин, бўш вақтини кино, театрга ўтқазсин. Ҳар қалай у ерда маърифати, маънавияти ошади. Биз ҳам хотиржамроқ бўламиз.

Дилбархон: Гапни гап қавлайди-да, қўйинг, дадаси, тинчгина овқатланайлик. (*дастурхон тузашга бошлайди*)

Шавкат: Мени мазах қилипсанми? Мен тоғдан келсам, сен боғдан келасан. Овқатланайлик эмиш. Вей, боланг эртага бир такасалтангга айланиб, банги безори бўлиб кетса, ўшанда ҳам овқатни ўйлаб ўтирасанми?! Худо кўрсатмасину, шундай ҳол юз берса, ичганинг кўз ёш, еганинг заҳар бўлмайди?!... Гапирсам, гапни бурасан... Ёмон бўлсин дейманми?! Ун беш йилдан бери репетиторлик қиламан. Докторлик ишимниям йиғиштириб қўйдим. Нега? Шу болалар билан кўр бўлиб ҳар хил олди-қочди китобларни тахирлаб, таржима қилиб чиқаман. Пули, амали бор пайтда "қора кун" учун илмий даражали бўлиб қолай деб юрган, худо билсин эрта бир кун ўзимга ҳўжайинлик қилиши мумкин бўлган чала мулла олифталарнинг диссертацияларини ёзиб бераман, оилам, болаларимни ризқи бутун бўлсин учун. Охир-оқибат барчаси зое кетса, бугдой экиб, арпа ўрсам, алам қилмайди?!

Дилбархон (*дастурхон тузашда давом этиб*): Ношукур бўлаверманг! Вақтида дарсини, ишини қилса, вақтида ўйин-кулгусини... нимаси ёмон? Бола боладай яшасин-да!

Шавкат: Нима, мен ўйнаб кулмасин деяпманми? Китоб ўқисин, бўш вақтини театр, кинода ўтқазсин, деса ношукурчилик бўладими?

Дилбархон: Шавкат ака, нукул кино, театр дейсиз, ўзингиз мени ясангириб, олдингизга солиб, яқин ўртада бирор кино ё театрга олиб бордингизми?

Шавкат: Нега яна гапни бурасан?

Дилбархон: Йўқ, жавоб беринг, қачон мени кино ё театрга олиб бордингиз охириги йилларда?

Шавкат (*қўлини силкиб*): Дурустроқ бирор асар бўлмаса, нимасига борасан!

Дилбархон: Ҳа-а, яшанг! Дурустроқ спектакл йўқ деб ўзингиз театрга бормаисиз-у, нега ўғлингизга беҳуда вақт ўтқазини раво кўрасиз? Болалар дискотекага чопаётган бўлса, бу бутунги кунни ҳис қилмаётган сизу менинг айбим. Сиз Йўлчивойларга маҳлиё бўлиб, ўн беш йил ичида дераза ортида нималар юз бераётганини тушунолмай қолдингиз. Ҳеч бўлмаса саксон ёшли отангизчалик ҳам бўлолмаёпсиз...

Шавкат: Нима?

(*Ойбек киради*)

Ойбек: Бугун овқатланамизми ё йўқми?

Дилбархон: Ҳа, ҳа ҳозир. Утиринглар... Қазми қайнаган шўрвада бир ҳўл норин қориб берай... (*чиқади*).

Шавкат: Ув, бойвачча!

Ойбек: Нима дейсиз, дада?

Шавкат: Қазининг шўрвасини ичиб, яна дискотекага чопасизми?

Ойбек: ...

Шавкат: Гапир, нега индамайсан? Ахир гирт бекорчисан-ку! Дарсингни тайёрлаб бўлгансан, қиладиган бошқа юмуш йўқ, тўғрими?

Ойбек: Дада, мен ҳеч нарсга деяётганим йўққу!

Шавкат: Ҳа, бирон нарсга айтолмайсан ҳам. Агар вақтинг мазмунли ўтганида, гапирадиган гапинг, таассуротларинг кўп бўларди.

Ойбек: Таассуротларим оз эмас. Сиз дискотека бу шунчаки бемаъни сакраш деб ўйлайсиз. Балки сизларни ёшлигиларда шундай бўлгандир. Лекин ҳозир ундай эмас. Дада, агар дискотека фақат ҳориб-чарчагунча маъносиз сакрайвериш бўлса, ўттиз-қирқ йилдан бери бу соҳа ривожланиб кетмас эди.

Шавкат: Соҳа? Ҳали сен бу от ўйинларни касб деб ҳисоблайсанми?!

Ойбек: Албатта. Касб бўлганда ҳам энг гуркираётган жуда зўр бизнес...

Шавкат: Сакрайвериб миянг суйилиб кетибди.

Ойбек: Йўқ, дада. Айтсам ишонмайсииз. Дискотека очган ишбилармонлар иномарка машиналар миниб, дангиллаган участкалар қуриб юришибди.

Шавкат: Бўлса бордир. Сенлардака тентакларни топиб олиб, бор пулини шилиб, иморат қураётгандир-да.

Ойбек: Нимаси ёмон бунинг?! Бозор иқтисоди шу-да! Фойда қўриш мумкин бўлса, нега фойдаланмаслик керак?

Шавкат: Фойда кўраман деб, ҳар қандай бёманилик, бузуқликни касб қилиб олса бўлаверар экан-да сенингча?

Ойбек: Йўқ, дада, бузуқликни ёйишга ҳеч ким йўл қўймайди. Тўғри, маъно-мазмунни йўқ, шунчаки кўнгилхушликлар ҳам кўп. Лекин бу нарса узоққа боролмайди. Ҳамма касбда ҳам узоқни кўзлаб иш тутмаса, банкрот бўлиш аниқ.

Шавкат: Яхши гап... Фақат касбдагина эмас. Ҳар бир ақли-хушини таниган одам эртасини ўйлаб яшаши керак. Бунинг учун аниқ мақсад, гоё керак. Сенинг ёшингдагиларнинг зўр гоёси бўлиши учун яхши ибрат керак. Чунки инсон ўспирин палласида жуда ишонувчан бўлади. Уни турли томонга оғдириб олиш мумкин. Мана шу пайтда йўл-йўриқ кўрсатмаса, ўз кетидан эргаштирадиган идеаллар бўлмаса, нотўғри қўчаларга бурилиб кетишинглар аниқ. Шунақа бўлди ҳам. Мисол қилириб узоққа бориш шарт эмас. Сенинг ёшингдаги қанча болалар ақилпарастларни таъсирига тушиб қолди. Уларга ваҳҳобийлар идеал топиб берди. Оқибат нима — сароб, фожиа, қанча умр, оилалар барбод бўлди. Маънисиз ўйин, дискотекаларингни охири ҳам яхшилик билан тугатайди. Одамда интиладиган маёқ, ўрнак оладиган идеал бўлиши керак. Бунинг учун китоб ўқиш керак. Инсонга оқ-қорани танитадиган нарса — китоб. Ирода, матонатга ўргатадиган, улуғ ишларга бошлайдиган адабий қаҳрамонлар акс этган асарларни ўқиш керак. Мана (*жавоонлардаги китобларни кўрсатиб*) ҳаммаёқ китоб. Нима, мен буни фақат ўзим учун сақлаб ўтирибманми?! Бўш вақтинг бор экан, нега шуларни ўқимайсан? "Ажойиб кишилар ҳаёти" ҳақидаги китобларни биз кечалари билан ухламай ўқиб чиқар эдик...

Ойбек: Ўқиганман буларнинг кўпини...

Шавкат: Хўш, нима, ибрат бўладигани йўқми? Дискотека булардан кўра қизиқроқ эканми? Наҳотки ўз қаҳрамонингни топмаган бўлсанг?!

Ойбек: Топдим, дада... Нега бунчалик Ойбекни яхши кўрасиз деб, ўша ёзувчининг китобларини ўқидим.

Шавкат: Хўш, ёқдимми?

Ойбек: Ёқди, зўр ёзувчи экан Ойбек, жуда қизиқиб ўқидим. Айниқса "Қутлуғ қон" романи ёқди.

Шавкат (*шодланиб*): Ия, ия... қизиқ-ку. Демак, демак танлаган қаҳрамонинг Йўлчи экан-да.

Ойбек: Йўқ, Йўлчиз вообще ёқмади. Кетмон кўтаришдан бошқа нарсани билмайдиган, ландовур, ҳасадгўй бир дерзила униз...

Шавкат: Учир овозингни!...

Ойбек: Ўзингиз сўрадингиз-ку, ахир...

Шавкат: Тушунмаган нарсангни гапирма! Романини ўқибсан-у, ўқмабсан.

Ойбек: Уқдим, дада. Баъзи жойларини ҳатто икки-уч қайтадан ўқидим.

Шавкат (*таажжуб билан*): Хўш, унда қаҳрамонинг ким. У ерда Йўлчидан ўқтамроқ бошқа ижобий образ йўқ-ку!

Ойбек: Бор! Мирзакаримбой... зўр чол экан.

Шавкат: Нима, ўйин қиляпсанми?

Ойбек: Йўқ, дада, чиндан ҳам Мирзакаримбой ўрнак олса бўладиган ҳақиқий қаҳрамон!

Шавкат: Ё тавба!...

Ойбек: Нега ҳайрон бўласиз? Китоблардан ҳадеб ижобий, салбий образлар қидиртиравериб, тўғриси, ўқитувчимиз ҳаммамизни адабиёт дарсидан бездириб юборган. Ҳатто тест саволларимизда палон асарда нечта салбий ва нечта ижобий қаҳрамон борлигининг аниқ сонини кўрсатинг деб ёзишди. Шунақа қилиб китоб ўқиб бўладими?! Мана ўша ижобий деганингиз Йўлчи — бировларнинг қўлида роса ишлайди, ишлайди-да, кейин нуқул ўзига ўхшаганларнинг орасига кириб, бойларни ёмонлаб ўтиради. Шунинг учун мардикорлигича ўтиб кетади... Мирзакаримбой эса, маҳалла баққолининг ўли Карим читтакдан тadbиркорлиги, ақллилиги, узоқни кўра биладиганлиги учун кимсан Мирзакаримбойга айланади.

Шавкат: Нега энди? Дастлаб соддагина Йўлчи асар охирларида қаҳрамон бўлиб, халқни зулмга қарши курашга бошлаб, мардларча жонини қурбон қилади-ку!..

Ойбек: Хўп, бундан кимга фойда эди. Пушка, милтиқлари бор армияга қарши ўқлов, кетмон кўтариб чиққан ўша халққами?! Ахир уларнинг ҳаммасини Йўлчи ўлимга бошлаб боради-ку! Шунинг учун ҳам Ойбек асар охирида Йўлчининг ўзини ҳам ўлдиради. Катта бир халқни Йўлчига ўхшаган илмсиз қарол, мардикорлар озодликка олиб чиқолмас эди. Буни китобда зиёли Абдишуккур ҳам айтади...

Шавкат: Сан иқтисодчи бўляпман деб ҳар нарсдан фойда қидираверма. Йўлчи "халқ учун, юрт учун, жамики аламзадалар, аламдийдалар учун қон тўқади. Бу қон энг қутлуғ ... қон" эди.

Ойбек: Тўғри, маҳсидўз чол Шокир ота охирида Йўлчининг синглиси Унсинни шунақа деб юпатади. Лекин нега булар ўзини аламзадалар дейишади. Карим читтак удабурунлиги учун Мирзакаримбойга айланиб, Йўлчилар ношудлиги, жоҳилилиги учун қароллигича қолиб кетган бўлса, алам қилиб кўзғолон кўтариши керакми?! Шуми аламзадалиги?! Бу, тўғриси, ҳасадгўйлик эмасми?!

Дилбархон (*патнис кўтариб киради*): Овқат тайёр, қани ҳамма дастурхонга.

Шавкат: Ойбек, сен ноҳақсан. Асарни (*дастурхонга яқинлашиб*) тушунмабсан.

Ойбек: Мен адашимни — ёзувчи (*у ҳам дастурхон атрофида ўтириб*) Ойбекни тушуняпман, дада.

Дилбархон: Бўлди қилинглар! Овқат совийди. (*Барчалари овқатланишга ўтирганларида эшик кўнғироғи жириглайди. Ойбек бориб эшикни очади ва қувонч билан "Буважон" дея қичқиради. Хонага Шавкатнинг отаси Зоир ота қўлида папка ва елим халта сеткаси билан кириб келади. Шавкат ва Дилбархон ўринларидан туриб, салом бериб, оталарини кутиб оладилар*)

Зоир ота: Ваалайкум ассалом! Бормисизлар, яхши ўтирибсизларми? Чол-кампирни эсдан ҳам чиқариб юбординглар, шекилли. Бормайсизлар ҳам... (*ҳаммалари қўл очиб, қария дуо қилади*).

Шавкат: Тинчмисизлар, дада? Ойим яхшимилар? Ҳар куни ойим билан телефонлашиб турибмиз-ку...

Зоир ота: Ҳа, онанг ҳар куни ҳаммангга бир-бир телефон қилиб, ҳол-аҳволларингни билмаса, хотиржам ўтира олмайди.

Дилбархон (*Ойбек билан дастурхонни қайта тузата туриб*): Соғлигингиз яхшими, дада. Ойимлар, Нусратжонлар уй-ичи билан соғ-саломатми?

Зоир ота: Соғлиқ бир нави. Юрибмиз тупроқдан ташқари... Соғлиқни ўйлайверса, одам уйда ўтириб қолар экан. Бирор юмуш билан чалғимасанг, ҳали у еринг, ҳали бу еринг оғриётгандек туюлаверади...

Шавкат: Ҳа, энди ёшингиз саксонга борди. Ҳалиям юмуш қилиб юрсангиз уят бўлар. Маҳалла-қўй нима дейди...

Дилбархон (*чоё узатиб*): Олинг, дастурхонга қаранг. Норин қилган эдик. Шўрвалаб чиқайми?

Зоир ота: Йўқ, йўқ, раҳмат! Биласиз-ку олтидан



кейин овқат смайман. Бизнинг кечки норма бир пиёла қатиқ. Уйга бориб, ётишдан аввал озроқ қатиқ ичаману, эрталаб яна отдек бўлиб тураверамиз. Йигирма йилдан бери шу одат. Худога шукр, қон босим ҳам жойида, юрак ҳам соатдай ишлаб турибди...

Дилбархон: Ҳа, сизни билган таниш-билишларимиз ҳавасланиб юришади. Саксонга бордилар десак, сира ишонишмайди.

Ойбек: Бувамларни ўзлариям ёшлар, қилаётган ишлариям ёшларникидек... "Ништяк" ишлар қилиб ташлабсиз-ку маҳаллада, бува!

Зоир ота: Ҳа, тойчоқ. Сен ҳам эшитдингми?

Дилбархон: Ойимлар телефонда айтувдилар. Жуда катта ишлар бошлаб юборибсиз...

Шавкат: Тинчликми, дада. Яна нима бошладингиз?

Зоир ота: Э, қариганда биз ҳам қуюлмадик..

Биласан, 5-6 йилдан бери ҳеч кимни тинчитмай, маҳаллага янги гузар қурдик. Ҳайҳотдай бинода биргина маҳалла идорасию, беш-ўнта нафақахўр бекорчилар чойхўрлик қилиб ўтирадиган чойхонадан бўлак нарса йўқ. Раисга икки-уч айтдим: Ҳой, бу бинодан яхшилаб фойдалансанг-чи. Тўрт-беш минг аҳоли яшайдиган маҳаллада тайинли новвойхона, дўкон йўқ. Яна маҳалла йўлнинг устида бўлса... Раиснинг парвои палак. Кундуз ўзининг хизматиға бориб келгач, кечқурун бирпас маҳалланинг у-бу ишини қилган бўлади, вақти-фурсати йўқ. Кел, ўзим шу ишга бир уннай дедим. Қараб турсам, маҳаллада ўн-ўн беш Ойбек қатори ўспирин болалар ҳам бекор қолиб, чойхўрларнинг қаторига қўшилипти. Секин-секин карта-қимор деган нарсалар оралаб қолди. Шу болаларниям ишга солай, савоб бўлади дедим. Нусратда машина бор, яна битта машина нимага керак дедиму, шартта ўзим миниб юрган "Жигули"ни сотдим. Гузарнинг орқа томонидаги учта-тўртта хонани мослаб жиҳозлаб, новвойхона, сартарошхона, дўкон, аптека қилдим. Йўл усти эмасми, ижарага олишни хоҳлаган талабгорлар ҳам дарров топила қолди. Маҳалла болаларини ишлатиш, шоғирд қилиш шарти билан ҳалиги жойларни ишга тушириб юбордик. Фойдасидан менга ҳам бўлади, маҳаллага ҳам. Ҳозирча ишлар ёмон эмас. Гузарнинг ён томонида уч-тўрт сотихча сайхон ер бор. Шу жойдан ҳам яхшигина фойдаланса бўлади. Укангнинг қурилиш идораси ҳам ўтириб қолган. Тирикчилигининг тайини йўқроқ. Биласан, машина устачилигига унча-мунча қўли келади. Уша сайхон ерга машина тузатадиган устахоналар курсак. Уканг бош бўлади, ҳам маҳаллани яна беш-ўн боласи ишлик бўлиб қолади. Шунга ёзув-чизувни биласан, ўша ерни хат-хужжатини қилишга ёрдам берасанми деб келиб эдим.

Ойбек: Вой, буважон-эй. Зўрсиз-ку! Мана замонавий (бувасини орқасидан қучиб олиб) Мирзакаримбой, дада.

Шавкат: Тек ўтир, ҳовлиқаверма! Дада, зарурми шу сизга, қариган чоғингизда... оғриманган бошингизга ташвиш орттириб?

Дилбархон: Вой, нима деганингиз бу? Дадам укангизни, жиянларингизни ўйлаптилар. Яна қанча маҳалла болалари ишлик бўлиб қоляпти... Яхши-ку бу!

Шавкат: Вей, ўйлайсанларми сенлар?! Маҳалла-кўй, қариндош-уруғ айтмайдими, иккита ўғли бор одам қариганда идорама-идора сарсон, дўкон очиб, автосервис қуриб, кўчадан бери келмай юрсалар...

Зоир ота: Ҳа, нима қилибди?! Кўролмайдиган бекорчилар гапираверади-да. Агар ўшаларнинг гапи билан ўтираверсам, ҳалигача соғ-омон юрмасдим.

Шавкат: Дада, ҳар ишининг вақти-соати бор. Ёшингизга ярашмайди бу ишлар. Ёшлар қиладиган ишларга уннаб, бирор кор-ҳол юз бермасин дейман. Фарзандларни роҳатини кўриб, дуоғўй бўлиб ўтирадиган пайтинглар ҳозир сизларни...

Зоир ота: Умрингдан бир кун қолса ҳам дарахт эк, деган машойихлар. Ўзинг роҳатини кўрмасанг, болачақанг кўради-ку! Ҳар замонанинг ўзига қараб иш тутиш

керак. Буни тушунмаган одам ношуд одам. Нуқул ҳасрат, шикоят қилиб, замона ундоқ бўлиб кетди, одамлар бундоқ деб вайсашдан нарига ўтмайди.

Шавкат: Шунчалик замонавий экансиз, нега энди ёшлигингизда давлат ишида ишлаб, ойликни кутиб, эрта кетиб, кеч келиб юрардингиз. Номингиз магазинчи эди. Уч-тўртта нон дўкони мудури эдингиз. Қўша-қўша иморатлар солиб, янги-янги машиналар минмадингиз. Ҳатто қўрқиб, дўконингиздан битта нон ҳам қўтариб келмасдингиз. Маҳаллага яқин келиб, атрофдаги дўконлардан нон сотиб олиб, уйга кирардингиз. Нега ўшанда шу тадбиркорлигингиз кўринмаган эди?

Зоир ота: Ўв, бола, айтияман-ку сенга, замонага қараб иш қилиш керак деб. У вақтларда тузуқроқ бир нарса орттираман десанг ўғирлик қилишинг, бировнинг ҳаққига хиёнат қилишинг керак бўларди. Чунки ҳамма нарса давлатники эди. Давлат берса ейсан, бермаса ўласан эди. Ҳозир ҳаммаси хусусий мулк. Бойийман десанг ҳаракат қил, йўл-йўриғини топ, миянгни ишлат. Ана Президентимиз телевизорда ҳар сафар мавриди келганда айтадилар-ку, бекор ётган корхонани текин бўлсам уқувли тадбиркорнинг қўлига бериш керак деб. Ҳамма гап интилишда, ғайратда.

Ойбек: Прикол... яшанг бува! Мен дадамларга Мирзакаримбой зўр чол экан, ишбилармонлиги тўфайли оддий баққолдан заводчи бойга айланган экан, десам жаҳллари чиқяпти. Нуқул Йўлчини пример қиладилар манга.

Дилбархон (қоса-товоқларни йиғиштира туриб): Сизлар гаплашиб ўтира туринглар... (чиқади)

Шавкат: Мана кўрдингизми, дада, ҳозирги замонавий қарашларни. Диёнатли меҳнаткаш Йўлчи ландавор, ичи қора экан-да, "илоннинг ёғини ялаган" Мирзакаримбой яхши эмиш. Мана бу валакисалангларга ибрат, идеал эмиш.

Ойбек: Ибратлиги рост, лекин жуда идеал деганим йўқ-ку! Ахир ер сотма деса, "сандиқда чириб ётган молдан ердаги ахлат аъло" деб, капитал доим движениядя бўлиши керак деса, шу ибратмасми?! Ҳа, энди чол Гулнор-Пулнор деб Йўлчини чувихасига осилиб, сал ошириб юборади-да. Бир ёғи уни ҳам тушунса бўлади, одам-да барибир, яна пули ҳам бор...

Шавкат: Ана сизга замонавий ёндашув...

Зоир ота: Жуда ваҳималанаверма, Шавкат! Нима, ўғлинг ўзининг фикрига эга бўлса ёмонми? Мирзакаримбойларни жуда фаришта деяётгани йўқ-ку! Ишбилармонлигидан ибрат олса бўлади деяпти. Нафсиламбирини айтганда, ўғлинг ҳақ. Шўро замонида бойларни ёмонлайвериб, уларни олабўжи кўрсатиб қўйган. Аслида ўша бойлар бўлмаса, ўтмишдан нима мерос қоларди ҳозир. Мақбараю мадрасаларни ким қурган, ким сув олиб келиб, боғ яратиб, кўприк солган. Ҳеч нарсаси йўқ, мардикор, қаролларми ё сармоялик бойларми? Буни тушуниш учун жуда ақлли бўлиш шарт эмас.

Шавкат: Тўғри, дада, бойларнинг ҳам маърифатлиси бўлган, жоҳиллари бўлган. Ҳўжа Аҳрори Валий, Алишер Навоийга ўхшаган зиёли зотлар катта-катта мол-мулкларини хайрли ишларга, бунёдкорликка сарфлаган. Лекин Мирзакаримбойларни булар билан бир қаторга қўйиш керакмас-да.

Зоир ота: Э, ўғлим! Ҳеч ким буларни бир деяётгани йўқ. Фақат бойлар ёмон, камбағаллар яхши деган беъмани замонлар ўтиб кетди. Энди ақл-тафаккур замони. Ёмондан ҳам, яхшидан ҳам бир сабоқ чиқарса бўлади. Ўғлингнинг шунга ақли етган экан, суюнмайсанми бунга. Қўй ўз ҳолига уни, замонасига қараб яшасин! Аммо вақти-вақти билан назоратингни бўшаштирма. Нима бўлгандаям ёш, ҳаётнинг баланд-пастини кўрмаган...

Шавкат: Ҳа, яшанг! Мен ҳам шунинг учун Ойбекни беҳуда вақт ўтказмасин деяпман. Бу бўлса бемаъни оёқ ўйинлардан бўшамайди.

Зоир ота (неварасига кўз қисиб): Тойчоқ бўлгандан кейин сакрайди-да. Нима ўйин экан у ўзи, Ойбек?

Ойбек: Дискотека, бува, дискотека. Классний техника, света музикалар билан жиҳозланган ёшлар йиғиладиган жой. Энг охирги модадаги "шик" музика-ашуларнинг записларини кўйиб беради. Гоҳи ўзимизни популярний эстрадник болалар келиб, янги кўшиқларини айтади. Ким рақса тушади, еб бир четга ўтиб напиккалар ичиб, мороженолар еб, музика, кўшиқ эшитади. Албатта ким нимани хоҳласа шунақа бўлавермайди. Дискотекани дискжokeй-ўртақаш олиб боради. Дискжokeй классний бўлса, янги хитлар ҳақида, ҳозирги чиқаётган модадаги группалар, уларни дунёдаги рейтингги, умуман замонавий музика турлари, йўналишлари тўғрисида олдин гапириб беради. Болаларга шуларни гапириб бериб, керак бўлса, янгица ўйинлар, ҳаракатларниям кўрсатиб беради. Кейин жуда қаттиқ тартиб сақлайди. Битта-яримтаси яширинча ичса, бировларга халақит бериб, тўполон қиладиган бўлса, дискотеканинг икки-учта штатний дерзилалари тинчитиб ташлайди. Так что, дискотека дегани жуда культурний, ёшлар йиғиладиган, дам оладиған жой.

Шавкат: Ҳа, аравани қуруқ, олиб қочишга жуда устасанлар...

Ойбек: Дада, балки жуда шумний, жанжал бўладиган дискотекалар ҳам бордир. Аммо биз борадиганимиз жуда тартибли, яхши жой. Хоҳласангиз ўзингиз бориб кўришингиз мумкин...

Шавкат (жаҳл билан): Бекорчи вақтим йўқ менинг!..

Зоир ота: Қани, тойчоқ, дискотеканг яхши ўйинларни ўргатаётган бўлса, биттасини кўрсатиб берчи. Магнитофонинг борми? *(Ойбек шартта ўрнидан туриб, магнитофонни кўяди ва замонавий кўшиқ оҳангига мос ёқимли ҳаракатлар қиладди. Ўйнаб туриб, бувасини ҳам тортади ва улар завқ билан ҳар бири ўз билганича рақсга тушадилар. Зоир ота ўзбекча қилиқлар қилиб, неварасини янада завқлантиради. Шавкат ўйин охираганда шартта бориб магнитофонни ўчиради. Шу ҳолат устига Дилбархон кириб келади)*

Дилбархон (ҳайратланиб): Тинчликми?...

Шавкат: Бўлди, бас! Дада, ярашадиган иш қилсангиз-чи!

Зоир ота (кула-кула): Нима, ярашмаяптими? Ўзингизнинг ёшлигингиз эсингиздан чиқдимми? А? Почаси катта клёш шимларни кийиб, вечерма-вечер югирардингиз-ку, ярим кечагача санғиб...

Шавкат: Ҳа... энди... У пайтларда анча маънилироқ бўларди. "Битлз", "Абба", "БониМ" деган яхши ансамбллар бўларди. Ёқимли кўшиқлар айтарди. Ҳозир нуқул шовқин... Аслида биздаям аҳмоқликлар бўлган. Кейин билдик, вақтни анча фойдалироқ ўтказиш мумкин экан... китоб ўқиб, ўз устимизда ишлаб...

Зоир ота: Йўқ, ундай эмас. Ҳар даврнинг ўз завқи, таровати бўлади. Баҳор айни қийғоч гуллаган вақтида қор-совуқ бўлиб, қанчалик нохушлик келтирса, инсон умрининг ҳам баҳори кексалик юмушлари ё фақат ташвиш билан ўтиши керак эмас. "Дискотека" дегани ёшларнинг йиғилиб, кўнгилхушлик қиладиган жойи экан-да... Шунга шунча ваҳимами? Бунга ортиқча аҳамият қилмаган маъқул. Одам тафтини одам кўтаради, дейишади-ку! Инсон табиятан мулоқотга интилади. Рўзгор, уй, бола-чақа ташвиши ёки кунни узоқ ишхонада тер тўқкандан кейин бирон жойда ҳордигини ёзиб, ўзига тенгқурлар билан гурунглашишга мойил бўлади. Ўзбекининг чойхонаси, оврапаликларнинг бар кафелари, ўриснинг пивооналари—барчасининг моҳияти шу: дилтортар суҳбат, вақтни хушхол ўтказиш, кўнгил чигилини ёзиш учун восита. Чойхоналаримизда кўрасан-ку қари-қартанг гурос-гурос йиғилиб, оғиз ҳўлларга битта чойнак, битта пелёнани кўйиб олиб, кун бўйи дунёнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқади. Қизиқ одамлар бор-эй. Уйига фақат кечаси ётоқхонага киргандек думалагани кириб чиқадию, қолган вақтини

тамом чойхонага бағишлайди. Иложи бўлса уйидаги насиба-таомини ҳам чойхонага олиб чиқиб, кўпчилик билан баҳам кўради. Ўрта ёшдаги одамлар аксар ошхўрлик, пивоҳўрлик шаклидаги улфатчиликка танда кўяди. Гап-гаштак қиладди. Уларни хумори ё қозонни "жаз-биз"и ёки пивабоп газакларни териб кўйиб, боксчининг қўлқопидек кружжалардан сариқ суюқликни хўплаб ўтириш билан ёзилади.

Ёш ялангнинг бўлса завқи-шавқи баланд бўлади. Улар кўним билан ўтириб олиб, бамайлихотир суҳбат қилолмайди. Юраги тошиб туради. Сабри чидамайди. Тизгинлаб бўлмайдиган завқи-шавқини гоҳи қора терга ботгунча сакраб, ўйноқлаб босади. Оёқ ўйинларининг бор мазмуни шунда. Бўлмаса ҳар жойини ҳаракатга солиб, қилпилайвершишдан нима маъно толасан. Мана шуларнинг барчаси инсон феълидаги жамоага, ёш-аҳволига муносиб гурун-воситага мойилликдан. Буларнинг бари навбати билан келаверади. Бугун дискотека, эрта ошхўрлик, улфатчилик, хўв нарироқ бориб эзма чойхўрлиги шакаргуфторликлар. Муҳими инсон ўз-ўзига нега бу дунёга келдиму нега кетаман, бу осмону замин орасида нима қилиб юрибман, деган саволларни бера олишида. Ўзидан из қолдира билишида. Майли у из оламшумул ишларда бўлмасин, балки маҳалла-кўй, балки қариндош-уруғлари, балки ўғил-қиз-оила аъзолари қалбида муҳландсин. Шунда ҳаёт мазмунли ўтади, худо берган умрдан наф бўлади. Гоҳи айрим давра-тадбирларда узоқ умр тилаб, юзга киринг, юз эликка киринг деб хушомад қилиб қолинса, энсам қотади. Эй, бемаъни, бекор ўтган узоқ умринг кимга кераги бор. Ҳаётинг шундай мазмунли ўтсинки, ҳар бир кунинг ойларга-йилларга татисин. Шунда умрингни кун санаб, кўринганга ўзинг амал қилмаган хислатлардан насихат сўқиб ўтирмайсан.

Ҳали мени айтди дерсан. Балки ўша ўйинхона-дискотекаларда болангнинг, унинг тенгқурларининг кўнглига катта орзулар тушаётгандир. Ўша ердаги гурун-мулоқотларида нималаргадир ҳавасланиб, нималарнидир инкор этиб ўз келажакларининг суратини чицаётгандирлар. Ажабмаски, бугун сену биз назар-писанд қилимаётган ё келгусидан хавотирга тушаётган шу енгилтак, ўйинқароқлар эрта бир кун оламни яшнатувчилар бўлса. Илоҳо, шундай бўлсин! Омин, Аллоҳу акбар!

Дилбархон (чойнакни ола туриб): Ойбек, буванглар ҳам жуда романтиклар-а... Чойни янгилаб келай... *(чиқади)*

Ойбек: Рост, бува. сиз романтиксиз. Доим ёш бўлганга ўхшайсиз.

Зоир ота: Э, тойчоқ, ўзимизни шунақа тутиб, овутиб юрганмиз. Бўлмаса, биз кўрган азобу қийинчиликларга темир ҳам дош беролмасди. Илоё, сизлар кўрманглар у азобларни.

Шавкат: Қийинчилик дейсиз, булар қийинчилик нималигини тасаввурига ҳам келтиролмайди. Жўмакни бураса иссиқ сув, совуқ сув, ош-овқати тайёр, кийим-кечак бисёр, нима гами бор. Эрта-индин коллежни битиради. Кейин олий мактаб. Ҳаммаси рисоладагидек...

Ойбек: Дада, очиги, мен бу йил институтга ҳужжат топширмайман.

Шавкат: Мана, навбатдаги эркалик. Албатта, сиз топширмайсиз. Сиз учун мана биз топширамыз, биз... Шунга ҳам жонингизни койитасизми?!

Ойбек: Дада, мен чиндан айтаяман. Бир-икки йил ишламоқчиман.

Шавкат: Э-э, йиғиштир олифтагарчиликни! Ким сени ишга оламан деб ўлиб турибди.

Зоир ота: Шавкат!.. Ўғлингизни эшитсанг-чи. Унинг ҳам бир ўйлагани бордир. Ойбек енгилтак бола эмас, худога шукур.

Шавкат: Дада, мана-ман деган хорижни катта университетларини, ўзимизнинг энг зўр дорилфунунларни битириб, тайинлик иш тополмаётганлар қанча-ку, коллежни битирган иқтисодчига жой қайда?!



Зоир ота: Ҳа, нега унда институтга кириши керак Ойбек?

Шавкат: Олий маълумот олса, ҳар қалай касби тайин, ишга жойлашиш имконияти нисбатан кўпроқ. Яна орқадан бир туртки бўлса, у ёғи ўзига боғлиқ.

Ойбек: Дада, мен умуман икки-уч йил бу ердан четроқда ишламоқчиман. (*Дилбархон чой кўтариб киради*)

Шавкат: Хориждами?

Ойбек: Йўғ-эй... вилоятда, масалан Қашқадарёда...

Дилбархон: Ўйлаб гапиряпсанми, ўғлим?

Ойбек: Ҳа, ойи. Жуда пухта ўйладим.

Зоир ота: Хўш-хўш... гапир-чи, ўғлим. Нима режалар тузиб ўтирибсан?

Ойбек: Бува, ҳозир нима кўп — банк кўп, ширкат хўжаликлари, фермер хўжаликлари кўп. Вилоятлардан келган кўп болалар ўқишларини битириб, Тошкентда қолишга ҳаракат қилишади. Балки шунинг учун ҳам иш топиш қийиндир. Тошкент катта шаҳар. Тирикчилигини бир амаллаб ўтқазса бўлади. Лекин қишлоқларда ҳаёт ўзгармаса, жонланиш бўлмаса, тўла ривожланиш ҳам бўлмайди.

Дилбархон: Қишлоқларда ўзгариш йўқ деб ким айтди сенга? Ўзингча тахмин қилаверма! Ўйлаб, ўлчаб гапиргин.

Ойбек: Майли, ойи... Балки ўзгариш бордир, лекин бир нарса аниқки, қишлоқларга биз керакмиз, жуда керакмиз. Ҳеч бўлмаса, ўзимизни ҳам бир синовдан ўтқазиб олармиз. Одам мустақил бўлиши керак-ку, ахир!

Шавкат: Мана сизга романтика! Мустақил бўлармишлар. (*истеҳзо билан*) Қани, қани, эшитайлик-чи... қишлоққа бориб олиб нима каромат кўрсатмоқчилар?

Ойбек (баланд, ўктам оҳангда): Дискотека очаман!

Шавкат (ҳезланиб, Дилбархон йўлини тўсади): Ҳозир шу болани бир нарса қилиб кўяман. Нукул ўйин қилади, мазахлайди одамни...

Ойбек: Дада, ўйин қилаётганим йўқ. Жиддий айтаяпман. Бир ойча аввал коллежимизда Сангин ака деган қашқадарёлик бир фермер билан учрашув бўлди. Хўжалиги зўр, йилдан-йилга кенгайиб, даромади анча-мунча бўлиб қолибди. Қишлоқдаги эллик-олтмишта одамни иш билан таъминлабди. Ишларини яна кенгайтирмоқчи. Ўша атрофда банкрот бўлган консерва заводини ҳам сотиб олаётган экан. Менга ғайратли, ёш мутахассислар керак дейди. Иқтисодчига ҳам иш бор экан. Ўзимиздаги ёшлар энгил пул топаман деб шаҳарга кетиб қолган дейди. Аслида ёшларни қишлоқда ушлаб турадиган бирор кўнгилтортар жой ҳам йўқ экан. Клуб-маданият уйи бор экан-ку, аммо жуда ташландиқ ҳолда экан. Учрашувда унга қандай маблағларни жалб қилиб, ўша клубни ишга тушириш мумкинлиги ҳақида ўзимча таклифларимни айтган эдим, қизиқиб қолди. Ўзинг келиб бирор йил ишлаб берсанг-чи, таклифларингни бирга амалга оширамиз деди. Мен иккиланган эдим, ҳамманинг олдида прикол қилди. Сенлар фақат гап биласанлар, оғизда ботирсизлар дейди. Тўғриси чидолмадим, бўпти, бораман дедим. Қўл ташлашдик... Нима қилибди... Аввал... аввал ўша фермер хўжалигига ўз соҳам бўйича ишга қираман. Секин у ёқ-бу ёқни қараб, маблағ жалб этишга ҳаракат қиламан. Балки кредит олармиз банклардан. Сангин ака пул топамиз деди! Ахир хўжалик ёшларни қишлоқда ушлаб қолишни хоҳлайди-ку! Мана кўрасизлар, бир йил, узоғи билан икки йилда ўз ишимни-дискотекани очаман, ҳаммангларни чақираман. Бува, биригчи меҳмон сиз бўласиз...

Зоир ота: Ҳа, ҳа, умрингдан барка топ, албатта бораман, албатта...

Шавкат: Дада, ростдан ҳам бунинг гапларига ишонаяпсизми?! Бу, бу ҳаёлпараст тентак-ку! Бу қишлоқнинг, ўзбек қишлоғини қандайлигини умуман билмайди. Кўрган бўлса, бир-икки Паркентдаги қишлоқларни кўрган дам олишга чиққанимизда.

Қашқадарёнинг чўлларида ҳеч бир шароитсиз, яқин кимсасиз ёш бола бир ишнинг бошини тутиб кета олар эканми?! Бу романтикамас, гирт аҳмоқона фикр, тентакликдан ҳам баттар.

Зоир ота: Шавкат, ёшинг элликка қараб кетяпти. Айт-чи, сўнгги йилларда бирор марта ўз манфаатингдан нарига ўтиб, ўзгалар учун ҳам бир иш қилдингми? Дунёда фақат ўзим бўлай, мендан бошқаси бўлганча бўлар деб яшаб бўлмайди. Ёшлик бир асов дарё. Юрагида ўт қайнаган пайтда инсон унча-мунча қийинчиликка қарамайди. Муаммо мушқилотларни осон ҳал қилади. Мухими, мақсад аниқ бўлсин, танлаган йўли тўғри бўлсин, куч-ғайратини жўяли сарфлай билсин. Шунда қилган ишидан ўзигаам, ўзгагаам манфаат тегади. Катта қилган қилишни замон сўраб турибди. Мана шу тойчоқлар келажак учун ишламаса, интизмаса, бу юртни ким обод қилиб, ким жаҳонга қўшади. Ота-боболарнинг буюк ишларини гапириб мақтанишни яхши кўрамыз. Ўзинг ҳам телевизорга чиқсанг Имом Бухорий, Нақшбандий, Амир Темур деб оғзингнинг танаби қочади. Хўш, инсон ўтмиш билангина тирикмас-ку?! Бугуннинг, эртанинг буюкларни чиқиши керак-ку! Токайгача улуг тарих, шонли тарих деб ётасанлар? Қўй болангни ўз ҳолига, сен белгиланган йўлдан эмас, ўз йўлидан борсин.

Дилбархон: Дадажон, Ойбек ёш бола-ку ҳали...

Зоир ота: "Бўлар бола ўн бешида бош бўлади, бўлмагури элликдаям ёш бўлади", деган экан бурунчилар. Шунақа режалар тузишга ақли етиптими Ойбекнинг, демек у ёш бола эмас. Ота-онага бола ҳаммиша ёш туюлаверади. Ҳамонки, ўз ақлим билан яшаб, ўз меҳнатим билан бир нарсага эришаман деяптими, демек у ўз ҳаёти учун ўзи жавоб бера олади. Фикрлайдиган одам ҳар нарсага ўз ичиди, "нега" деган сўроқни бериши керак. Ҳар ишни англаб, моҳиятига етиб бажариши керак. Ҳар нарсага мустақил ёндошув керак. Шунда фикр ҳам, ҳаёт тарзям ўзига хос мустақил бўлади. Шунда ўсиш, ўзгариш, тараққиёт бўлади. Фикр ўсмаса, кимнидир дегани ёки қилган иши кўр-кўрона такрорланаверса, ҳаётнинг не маънисию, не чиройи қолади?! Беринглар эркини ўзига! (*Ойбекка кўз қисиб*) Тойчоқ далаларда бир яйрасин. Иродасини, ақл-заковатини синасин. Агар ўша қишлоқларда набирам йўлини топса, мен фақат хурсанд бўламан, бугинамас, фахрланаман ҳам.

Шавкат: Дада, нималар деяпсиз?! Ўзингиз пул топаман деб саксонга борганингизда тadbиркор бўлиб юрибсизу, мени ўзинг учун яшайсан, худбинсан, дейсиз. Яна шу ёш боланинг энгилтак хоҳишларига ён берасиз. Тушуна олмаяпман сизни.

Зоир ота: Ўғлим, сен ўқидинг, китобга берилдинг, олим бўлдинг, худога шуқр, тўғри юриб, тўғри яшадинг. Дунё ўзгариб, баъзи қийинчиликлар пайдо бўлди. Вақт бир жойда қотиб турмас экан. Аммо сен бир жойда туриб қолдинг. Қирққа кириб-кирмай юрагингда олов сўнди. Тинчгина бола ўқитиб, институтга тайёрлаб, биронларни хат-ҳужжати кўриб бериб, топган беш-ўн сўминг қора қозонингни қайнатганига шуқр қилиб, четга ўтиб олдинг. Ўғлинг бунга хоҳламапти. У эл-юртга ҳам нафим тегсин, ўзим ҳам бировдан кам бўлмай деяпти. Яхши еб, яхши киймоқчи. Орузу-хавасли дунёда бою-бадавлат бўлиб яшамоқчи. Тўғрими тойчоқ? Нимаси ёмон бунга?

Ойбек: "Прикол"! Тўппа-тўғри, бува.

Шавкат: Дада, сиз айтаётганингиз хомхаёл. Бою-бадавлат яшашнинг ўзи бўлмайди.

Зоир ота: Албатта, ким сенга барчасини тайёр қилиб беради. Шунинг учун ҳам умр берилган. Барини ўзинг, ўз куч-қувватинг, интилишинг билан яратгин деб. Худога шуқр, юрт тинч, ҳар қанча интиланг йўлинг очик. Яна айтаман, катта ишлар замони ҳозир. Мўлжални ҳам катта олиш керак. Ойбек узоқни кўзлаётган экан, йўлини тўсма!... (*ҳазил аралаш*) Қани, тойчоқ, ўзимизни



ўзбекчасидан ҳам қўйчи, мен сенга болельшиқ. Биз даданг билан қоғозларимизни тахлаб олайлик. Кабинетинга ўтамызми, Шавкат?

(Шавкат гарангсиб, ўйланиб, отаси билан иш хонасига кириб кетади).

Иккинчи қисм

5-кўриниш

Мастуранинг квартираси. Радиода сокин куй таралапти. Ошхонада "жиз-биз" овозлар. Сабоҳат бир нима пиширяпти. Эшиқ кўнғироғи қайта-қайта жиринглайди. Ҳўқудан энди турган Малоҳат эснаб чиқиб, эшиқ томон йўналади.

Малоҳат: Сабо, эшиқни очсанг бўлмайдами? Эшитмаяпсанми?

(Малоҳат эшиқни очади. Замонавий тадбиркор аёллардай ўзига қараб, дид билан сипо кийинган, бир қарашда ёқимли таассурот қолдирадиган қиёфада Гулнара кириб келади. Қўлида чоғроқ чамадон.)

Малоҳат (шодон): Вой, Гулнор хола. (қучоқлашиб кўришадилар. Ошхонадан фартук таққан Сабоҳат ҳам чиқиб келиб, холаси билан кўришади)

Сабоҳат: Гулнор хола, яхшимисиз, поччамлар, Гули, Нигора қизлариз яхшими? Рустам катта йигит бўлиб қолдими?

Гулнора: Ўзингизлар қалайсизлар? Тинч-омон ўтирибсизларми? Ҳалиям ухлаб ётувмидинг, Малоҳат? Ўқиш йўқми бугун? Сен дурустмисан, Сабоҳат, ўқишлар тугаб қолдими? Ойинг қани?... Ҳа-я, ишдадир, ҳойнаҳой...

Сабоҳат: Ҳа, ишдалар... Келиб қоладилар... Холажон, келинг, ўтиринг. (Учовлари стол атрофига ўтириб, дуо қилишади. Сўнг Сабоҳат Малоҳатга) Сен бориб ўқишга кетишинг ҳаракатини қил! Мен ҳозир... Блинчик пишираётвудим. Сиз ўтира туринг... (Малоҳат дастурхон ёзиб, сервантдан қанд-қурслар олиб кўя бошлайди)

Гулнора: Малоҳат, сен ўқишингдан кеч қолма, кириб кийинавер... Айтмоқчи, Сабоҳат ҳам ўқишга бориши керак-ку?

Малоҳат: Йўқ, Саболарнинг ўқиши тугаб қолган (дастурхон тузашда давом этиб). Битириш имтиҳонларини топширяпти.

Гулнора: Сенчи? Мактабни қачон битирасан?

Малоҳат: Бир йил бор ҳали. Бу йил тўққизга ўтаман.

Гулнора: Ҳа-я, ҳали бироз бор-ку сенга. Аммо кўрган одам сени мактаб боласи демайди...

Малоҳат: (қувлик билан) Тўғри, хола, мактабга бориб, дарс тайёрлайвериб эзилиб кетдим. Боғча боласига ўхшаб қолибманми?!

Гулнора (хандон ташлаб қулиб): Вой қурмагурэй, жуда аломатсанда Мало... Очилиб кетибсан деяпман. Бўй-бастингни қара. Ҳойнаҳой битта-яримта йигитинг ҳам бордир?

Малоҳат (тап тортмай ҳазил билан): Яримтамас, манга бир яримта келадиган "додахўжа" йигитим бор эди. Жа "шумний" бола. Мактабда бировни яқинлаштирмасди. Олдин синфда ҳамма болалар Мало, Малошка деб атрофимда ўралашиб юрарди. Бу дерзила ҳаммасини тинчитди. Қарасам, яккамоҳов қилиб қўйяпти, рейтингим тушиб кетяпти. Шаргта бордим-да, "ўв, пацан, дедим, чочиб ташайман, ўт бу ёққа" дедим. Мани Мало-бало дейдилар, сандақа чурвақаларни копейкага олмайман, ман независимий қизман дедим, "ўч" дедим. Ўчди. Ўшандан бери рейтинг яна кўтарилган. Ҳамма болалар менга парвона. Так што, битта-яримтамас, целий мактаб йигитим бор. Ҳозир кириб, "шиқ" кийиниб чиқсам, янаям очилиб кетаман.

Гулнора (қулиб): Вой қурмагур Мало ей-й..., Мало-бало деганча борсан-да...

Сабоҳат бир қўлида қўймоқ тахланган тарелка, иккинчи қўлида чойнак суҳбат устига кириб келади.

Сабоҳат (енгил койиб): Ҳали шу ердამисан?! Бор тезроқ ўқишингга, кеч қолдинг-ку?

Малоҳат (йўлақай тарелкадан битта қўймоқни олиб): Бораманда, ўқитувчилар барибир мени кутиб туради дарс бошламай...

Гулнора: Ия, бу қанақаси бўлди? Сенлар ўқитувчини кутиш ўрнига, у сизларни кутадими?

Малоҳат: Ҳамманимас, битта мени кутади. Хола, ким билан гаплашаётганингизни биласизми? Мен авторитетман синфда. Мен бориб синфни тинчитиб берганимдан кейин, ўқитувчи дарс бошлайди...

Гулнора: Ростданми, ҳали мактаблар шунақа бўлиб кетганми?

Сабоҳат: Бор, бор, лағмон илавермай, ўқишингга бор, тезроқ (Малоҳат чиқади). Сиз ҳам солдасиз-да, хола, ҳамма гапига ишониб ўтирибсиз-а?

Гулнора: Ким билади, биз содда қишлоқилар ўн-ўн беш йилдан бери шаҳар ҳаётидан узоқлашиб, бу ерларда нималар бўлаётганлигидан беҳабармиз-да. Келсак, битта-ярим қариндош-уруғниқига тўй-ҳашамга ров келиб, ров кетамиз. Шаҳар болалари, мактаблар бунақа бўлиб кетганини билмаймиз ҳам, очиги ишимиз ҳам йўқ. Бизнинг болалар ёш, балки ҳали кичкина синфларда бўлгани учун ҳам сезилмас. Лекин дарс бўлмади, муаллим шаҳарга пул ишлагани кетиб қолибди, ремонтга пул беринг, синфни жиҳозлаб беринг деган гапларни тез-тез эшитамиз. Аммо ўқитувчи дарс бошламай, ўқувчисини кутиб ўтириши... ақл бовар қилмайдиган иш...

Сабоҳат: Хола, қизиқмисиз, Малонинг ўнта гапидан биттаси рост бўлса бор, бўлмаса унисигаям ишонч йўқ. Ҳамма билан шунақа ҳазил-хузул қилиб, кулишиб кетаверади. Сизниям бир кулдирай деган-да!

Гулнора: Вой, қурмагур Малоҳат-ей. Жуда шўх қиз бўлибти-да бўлмаса, менга тортиб. Мен ҳам шунақа, ерга урса кўкка сапчирдим. Ойинг у, ҳалимдеккина бўлиб, бир гап гапирса уялиб, қизариб ўтирарди. Сен ҳам онангга ўхшадинг. Уй иши, майда-чуйда омушлар билан қўймаланишаверасан... Майли, бу гапларни қўяйлик. Сабоҳат, сан ақли, мулоҳазали қизсан. Ўқишинг ҳам битиб қолибди. Келажагингни уйлаяпсанми? Тўғриси, мен сени олиб кетгани келдим. Бу ерда ҳамшираликка жойлашиш жуда қийин. Жойлашган тақдирингда ҳам топганинг ўзингнинг юриш-туришингдан ортмайди. Ойинг айтгандир, биз поччанг билан хусусий стоматологик клиника очганмиз. Мен тишларни даволайман, поччанг эса ортопед-коронка, протезлар ясаб, тиш қўяди. Беш қўлни оғизга тикмай, ўша ернинг, одамларнинг шароитига қараб инсоф билан ишласа, кам бўлмас экан инсон. Даволанувчилар кундан-кун кўпайиб, иш қизиб кетяпти. Клиникани кенгайтирмасак, мижозларни йўқотиб қўямиз. Шу келишда яна битта стоматологик стол-комплект олиш масаласини ҳал қилиб кетишим керак. Демак унда ишлайдиган врачлар, ҳамширалар муаммосиниям ҳал этиш лозим. Табиий, ойлик маош ишига қараб, плюс жой-шароитига қараб, давлатнинг клиникаларидан беш-олти баробар кўп бўлади. Сен мана тайёр ҳамшира бўлсанг, нима қиламан мўмай ойликни бировга бериб. Бу ёқда ойингнинг аҳволини сал енгиллатармидик... Айни орзу-ҳавас кўраман деганда, саҳар мардондан пол ювиб, фаррошлиқ қилиб келиб, яна игна-ипга кўз нуруни тўкиб, емай-ичмай сенларнинг мол-ҳўлини қилиб, умрини шундай ўтказавералими?

Сабоҳат (суюниб, сўнг суюнганини яширишга уриниб, сиполик билан): Холажон, тўғри ҳамма гапларингиз. Мен ҳам ойимга жуда ачинаман. Нима кўрдилар ҳаётда. Дадам билан турмушлари ўхшамади. Улар ёрдам бераман десалар, ёрдам у ёқда турсин, ҳатто номлариниям тилга олдирмайдилар. Ўзлари эса меҳнат-машаққатдан бўшамайдилар...

Гулнора: Нима, даданг билан кўришиб турасанларми?



Сабоҳат: Фақат мен яширинча учрашиб тураман. Гоҳо ўқшимга келиб, аҳволимдан хабар олиб кетадилар. Малоҳат яқинлаштирмайди. Ойимга ўхшаб гордий уям. Ё ойимлардан чўчийдими, ҳар қалай мактабига уч-тўрт борсалар, кўзларига кўринмай, қочиб кетибди. Мен дадамни ҳам тушунаман. Суймаганга суйкалма дейишади-ку! Балки ойим бечора фақат уй, иш-юмуш деб юравермасалар, ҳаётлари бошқачароқ бўлармиди...

Гулнора: Майли, қўй бу гапларни, вақти келиб ҳаммалари тушунишар ким ҳақ, ким айбдор... Сен бу томонини ўйла. Дипломингни қачон оласан? Мен беш-олти кун шу ерда бўламан. Ҳалиги масалаларни ҳал қилишим керак. Рози бўлсанг, ўзим билан олиб кетаман...

Сабоҳат (ўйланиб ер чизиб): Ўзимга қолса, йўқ демасдим, хола. Меҳнатдан сира қочмайман. Аммо, лекин...

(Шу пайт ичкаридан башанг кийинган тор шим, енгил қизил кофтада, пардоз-андоз қилиб олган, қўлида сумкача Малоҳат чиқиб келади).

Малоҳат: Ўтирибсизларми, компания бўлиб?

Гулнора (ҳайрат билан): Вой Мало-о... Жуда бошқачасанку-а?! Бу ерда мактабга шунақа аҳволда борса бўладими?

Сабоҳат: Форманг қани, Мало? Мактабга кетяпсанми ё ўйнаганими?

Малоҳат: Ишинг борми менда... Сиз кечаси билан дискотекада юрсангиз майлию, мен ўтираверайми кўмилиб... Мактабда барибир тайинли дарс бўлмайди. Чораклар якунланган, эрта-индин каникулга чиқамиз. Номига бориляпти... Синфдош болалар билан бир-икки соат мактабда бўлиб, кейин "Рандеву"га бормоқчимиз. Жа класний ўйинлар бор, нарёги фонтан...

Гулнора: "Рандеву"нинг нимаси?

Малоҳат: Билмайсизми, хола? Сайлгоҳ борку, кечаси-кундузи одам қайнаб ётади, ўйинлар, караоке, хоҳласангиз ашула айтасиз, хоҳласангиз расмингизни чизиб ташайди, бедний художниклар... вообшеш зўр... ҳеч зерикмайсиз...

Сабоҳат: Ойим биладиларми? Сўраганмисан?

Малоҳат: Ойимларни бугун ҳали кўрмадим-ку, қандай қилиб сўрайман?!

Сабоҳат: Сўрамаган бўлсанг, мактабга бориб, сўнг тўғри уйга келасан, тушундингми?

Малоҳат: Ақл ўргатаверма, ўзим ҳам биламан. Ойим келиб қолсалар сўрайман деб турибман-да, санинг олдинда кўзингни мазолит қилиб.

Гулнора: Катта кўчаларда шунақа аҳволда юришга кўрқмайсанми, ёшгина қиз?

Малоҳат: Нимадан кўрқади? Нааборот, болаларнинг ўзи кўрқади бизлардан. Мен қаратэга қатнийман. Уже белбоғим бор. Қани биттаси яқинлашсин, "тўквораман", мана бунақа приём қилиб ташлайман (*қаратэ машқларини кўрсатиб беради*), тамом, секундда ўчади...

Гулнора: Вой Малоей-й... балосанда, бало...

Сабоҳат: Бўлди, бас қил совуқ қилиқларингни... Мактабингга бор, кеч қоласан ойимни кутсанг. Дарсдан кейин келиб, сўраб кетасан...

Малоҳат: Бўпти, мен кетдим бўлмаса, хэлло май френд, хэлло (*инглизча хиргойи қилиб чиқиб кетади*).

Гулнора: Синглинг ҳеч зериктирмайдиган қиз бўлибти-да, бировга тил бермаса керак сира?

Сабоҳат: Малонинг кўнгли жуда тоза, хола. Бир иш қилса, ёпишиб қилади, охирига етказмагунча қўймайди. Кейин жуда киришимли, ҳамма даврага кириб кетаверади ва бир пасда даврадагиларни ўзига қаратиб олади. Гапга ҳам уста. Шунинг учун синфдошлари ҳам, кўшнилари ҳам яши кўришади уни. Ўқшлари ҳам ёмонмас. Яна, ҳали кўрдингиз-ку, қаратэга қатнаб, мусобақаларда қатнашяпти. Фақат ўйинқароқроқ. Бир жойда кўп туролмайди.

Гулнора: Ҳа, тегиримонга тушса, бутун чиқади Малоҳат. Бировга ҳақини осонликча бериб

қўядиганлардан эмас. Ўзи асли ҳаётда шунақа бўлиш керак. Ушлаган жойингни кес. Мақсадни аниқ қўйиб, шунга жадал интилиш керак. Бизни ўзбекчиликда нима кўп, беҳуда, кераксиз уринишлар, одамни чалғитадиган майда-чуйда юмуш, ташвишлар кўп. Ҳар хил лозимандалар, латта-путталарга ўралашиб, умрни арзимас нарсаларга сарфлаб юборамиз. Мана, ойинг. Сенларни мол-ҳолингни бут қиламан деб тиними йўқ. Зарурми шунчалик десам, қизларимни бахти тўқис бўлсин дейди... (*ўйланиб қолиб бир зум хўрсиниб*). Кошки бахт шу латта-путталарда бўлса?! Майли, нима бўлгандаям онангни оғирини енгил қилиш керак... Хўш, кетасанми мен билан?

Сабоҳат (*яна ўйланиб*): Ойимлар кўнмайдилар барибир.

Гулнора: Ўзинг рози бўлсанг, онангни мана мен кўндирарман!...

(Эшик қўнғироғи жириглайди).

Сабоҳат (*эшикка йўнала туриб*): Вой, ана ойимни ўзлари келиб қолдилар, шекилли...

6-кўриниш

(Дастлабки сахнадаги дискотека. Ҳали эртароқ бўлгани учун шовқин йўқ, шўх ўйинлар бошланмаган. Сокин куй тараланти-Лотин Америкаси оҳангарида. Сахнада муъжаз стол-стуллар. Томашабинга таниш чехралар-олти синфдошдан учтаси "кола" ичиб, суҳбатлашиб ўтирибди.)

Феруза: Ойбекнинг кетиши аниқ бўлди ми болалар?

Санжар: Аниқ! Бугун хайрлашув кечаси...

Равшан: Ойбекка қойилман. Дадасини барибир кўндирибди...

Санжар: Бувасига раҳмат дейиш керак. "Миравоё" чол экан.

Феруза: Энди нима бўлади?

Санжар: Нима бўлади, кетади энди!

Феруза: Тўғри кетади, лекин бу ёғига нима бўлади. Сўспайиб қишлоқда ўтирмайди-ку!

Равшан: Нега сўспайиб ўтираркан. Ишлайди. Фермер ҳўжалигида экономист бўлиб ишлайди. Сенга хатлар ёзади "шаҳардаги дугонамга" деб.

Феруза: Ойбекнинг ўзининг хат ёзадиган дўғонаси бор. Зор эмас менга.

Санжар (*маъноли қилиб*): Сенгайм зорлар топилиб қолар.

Равшан (*бир оз қизариб, ҳаяжонланиб*): Ҳа, ҳа, тўғри.

Санжар (*Равшанга*): Лавлагиз чиқиб кетди...

Феруза: Жиннимисан, Санди?! Равшаннинг Ойбекка ҳаваси келяпти...

Равшан: Очиғи, ростдан ҳам ҳавасим келяпти.

Санжар: Э, буларнинг ҳаммаси уч-тўрт кунлик кислород. Кислород балонни кўрганмисан? Сваркага ишлатади-ку. Бўшагандан кейин алмаштиришади. Ойбекниям пари чиққандан кейин, милинкий бўлиб қайтиб келади.

Равшан: Қайтмайди. Ойбек ориятли бола. Ўлса ҳам гурури синадиган иш қилмайди.

(Кундуз кириб келади. Ўзига жуда оро берган-очишиб кетган)

Кундуз: Қалайсизлар!...

(Ҳамма Кундузни кўриб, бир муддат тикилиб қолади.)

Феруза: Даҳшат! Вообше "шик"!

Санжар: Тахта қилиб қўйдингку, вэй!

Равшан: Эҳтиёт бўл, юрагингдан уриб қолмасин. *(Кундуз ўзини кўз-кўз қилгандай бегубор жилмайиб туради)*

Санжар: Йиқиламан ҳозир!

(Кундуз столда очиқ турган "кола"дан хўплаб, Санжарнинг юзига пуркайди)

Феруза: Прикол!

Санжар (*ўзига келиб*): Ўв, томинг кетдими?
Кундуз: Менинг эмас, сенинг томинг кетди. Йиқилиб тушмагин дедим. Биру бир.
(*Равшан, Феруза хандон ташлаб кулиб юборишади*)
Равшан: Боппадинг. Аёл кишини макридан қўрқ, деб бекор айтишмаган, оғайни. Барибир ўчини олади. Шунинг учун уларни фақат яхши кўриш керак.
Кундуз: О, донолар доноси. Бу гапларни албатта, ёзиб қўйиш керак. Феруз, дафтарингни ол...
Феруза: Ростдан, Кундуз. Жуда очилиб кетибсан.
Кундуз: Узинглар хайрлашув куни дединглар-ку! Шунга бироз ўзимга қараб қўйдим-да...
Равшан: Бирозгинаси шунақа бўлса, росманаси қанақа бўлади? Қара, Санжар бечорани ҳалиям тили айланмаяпти.
Санжар (*қизариб*): Бўлди, лағмон қилаверма!
(*Ойбек кириб келади. Болалар билан ҳавода қўл уриштириб сўрашади*)
Ойбек: Зўрмисизлар, болалар. О, Кундуз, Кундуз... Санди, мени чимчилаб қўй! Даҳшат-ку! Ништяк бўлиб кетибсан. Қойилман... Сабо келмадимми?
Феруза: Ойбек, Кундузни мақтайсан-у, Сабоҳатни сўрайсан-а?
Санжар: Сенинг ҳам юрагингда "дирка" бўлса, ўша юрагингни тешганни ўйлайсан.
Равшан: Демак, ҳозирдан бошлаб Санжарниям юраги "дирка".
Санжар: Писта қил, ўв... Тўкиб қўяман, ҳозир.
(*Шу пайт Сабоҳат кириб келади*)
Сабоҳат: Бизниям даврага қўшасизларми?
Кундуз: Худди келишиб олгандай-а...
Феруза: Сабо, бормисан! Намунча ҳаялладинг? Вақтлроқ учрашамиз деб келишувдик-ку.
Сабоҳат: Эй, ойимларга бир соат тушунтиришга тўғри келди. Дискотеканг ёмон жой экан, болалар бузилиб кетар экан деб, сира юборгилари келмади. Борасану хайрлашиб тезда қайтасан деб, бир соатга зўрға жавоб бердилар.
Равшан: Мана, Ойбек, эшитдингми, бўлғуси қайнонанинг дискотекага муносабатлари қандай экан. Сен бўлсанг Қашқадарёга бориб дискотека очаман деб юрибсан.
Санжар (*ҳазилга буриб*): Ҳа, нима, жуда аҳдидан қайтмас, қизларини бермай қўя қоладилар-да...
Сабоҳат (*қизариб*): Жиннимисизлар, болалар. Оғизга келган гапни айтавериш эканда!
Ойбек: Гапирларинг, гапираверларинг... дадамга ўхшаб, сизлар ҳам барибир тушунмайсизлар.
Кундуз: Тушунгир биз омиларга! Мактабни битираётганда бир-биримиздан ҳеч нарсани яшириш йўқ деб, ҳаммамиз келишгандик-ку! Сен бўлса кеча кўришганимизда ҳам қўнглингдани очиқ айтмадинг. Орқаваротдан эшитиб юрибмиз. Яна бирдан бугун "хайрлашув куни" дейинди...
Ойбек: Нега энди? Ахир бир проект бор, яхшилаб пишиқиб олгандан кейин ўзим айтаман деган эдим-ку.
Равшан: Пишиқими, ишқилиб?
Ойбек: Ҳозирча икки киши мен томонда. Дадамни кўндириш қийин бўляпти.
Санжар: Тўғри-да! Ёлғиз ўғил, эрта-индин инситутга кирадиган "каллалар" бола, ҳаммасини ташлаб, чўл-биёбонга кетаман деса, ким тушунади, оғайни?
Ойбек: Қарши ҳозир жуда гўзал шаҳарга айланган...
Кундуз: Да-а, омиларни лол қолдиришга жуда уста бўлиб кетяпсизлар, жаноби ўғил болалар! Марҳамат қилиб бизларга ҳам тушунтирсанглар, бўлмаса биз...
Ойбек: Бўлмаса, биз акли ноқислар хайрон бўлиб ўтираверамиз, демоқчимизан?
Сабоҳат: Ойбек, жуда ҳақдингдан ошма!
Ойбек: Ҳазил! Болалар, мен Қаршида дискотека ташкил қилмоқчиман. У дискотека бутунлай бошқача бўлади. Менинг дискотекамда ҳамма учун мусиқа бўлади: ўзбек эстрадаси, классик мусиқа, шашмақом, чет эл,

рус эстрадаси, классикаси, 60-, 70-, 80- йиллар мусиқаси, кексалар учун ретро мусиқа. Ашула айтмоқчи булганларга караоке. Албатта у ерда рубоб, дутор, гижжак, доира, акардионга ўхшаган асбоблар бўлади. Кимнинг қўлидан келса олиб чалаверади. Хуллас, одамларнинг хоҳишидан келиб чиқадиган дискотека бўлади.

Кундуз: Нимага Қаршида, Тошкентда эмас?

Ойбек: Яхши савол. Аввалам бор бундай ишни Тошкентда бошлаш учун менда етарли маблағ йўқ. Кейин эса...

Санжар: Қаршида бошлашинг учун маблағинг борми?

Ойбек: Йўқ. Бир ойча аввал коллежимизда қашқадарёлик бир фермер билан учрашув бўлганини айтувдим-ку, эсингдами? Хўжалиги зўр, жуда гуриллаётган экан дедим. Хуллас... ўша фермер хўжалигига ишга бораман. Кейин маблағ топишга ҳаракат қиламан. Кредит оламан банклардан. Ўша фермер Сангин ака ёрдам беради! Қолаверса, мана сен борсан, Санжар, ёрдам бермайсанми?

Санжар: Менми... мен...

Кундуз: Санжар, йўқ деб қўяқол. Ойбекка катта пул керак.

Санжар (*Кундузга*): Сен даллоллик қилма. Мен, Ойбекдан ҳеч нарсамни аямайман. Лекин, Бек бу ишинг хом иш. Реал эмас. Хомхаёл. Романтик хаёлларга маблағ сарфлаш эса - аҳмоқлик.

Ойбек: Майли, хомхаёл бўлсин. Мен ўша хомхаёлни ҳақиқатга айлантирмоқчиман.

Равшан: Нима учун сен?

Ойбек: Нима учун мен? Яхши савол. Мен яқинда телевизорда бир лавҳани кўриб қолдим. Риштонда бир йигит бор экан. Телемастер. У йигитнинг қўллари йўқ.

Сабоҳат: Вой. Қандай, қўллари йўқ?

Ойбек: Шундай. Ампутация қилинган.

Сабоҳат: Қўллари бўлмаса қандай ишлайди?

Ойбек: Оёқлари билан ишлайди. Отверка, паяльник, ҳамма нарсани оёқлари билан бажаради.

Феруза: Вой, мен ҳам кинода кўрганман. Биттаси оёқлари билан бутилка очади, пиво қуяди, милтик отади, расм чизади. Кулиб қотган эдим.

Кундуз: Майли, буни сенга нима дахли бор? Ахир сен соппа-соғсан-ку.

Ойбек: Ҳамма гап шунда-да. Соппа-соғман. Қаллам жойида. Қўл-оёғим бутун. Лекин ногиронга ўхшаб яшайман. Дадам ёрдам беради, онам қўлтиқлайди, тоғам ўрнимни топиб ўтказиб қўяди, холам жойлаштириб қўяди. Мана шу ногиронлик эмасми?! Ҳамма нарса олдиндан белгиланган, худди трамвай изидагидек бекатлар аниқ: мактаб, институт, сердаромад жой, ҳашаматли уй, уйланиш, бола-чақа, карьера... Бир қадам у ёқ, бу ёққа ўтиш имкони йўқ. Фақат реле бўйича.

Равшан: Сен трамвайда эмас, таксида юрмоқчисан, шундайми?

Ойбек: Мен ўзимни нимага қодирлигимни билишни истайман. Ўша сизлар айтган хом хаёлни ҳақиқатга айлантира оламанми, йўқми, умуман бирор нарсага ярайманми йўқми? Шуни билишни истайман.

Санжар (*Истеҳзо аралаш*): Болалар, тост! Мен мана шу колани ширин ва гўзал орзулар учун, дўстимиз Ойбек мисолида зўрға жон сақлаётган романтиклар учун ичишни таклиф қиламан. Бек, сен бизнинг фахримизсан, Ойбек учун! Унинг "Дискотека"си учун!

(*Ҳамма ичади*)

Хонимлар ва жаноблар! Дискотека бу ёшларнинг эркинлик зонаси. Биз бу ерда барча нарсалардан озодмиз. Бугунги кеча дўстимиз Ойбекка бағишланган экан, значить гуляем! Соққаси биздан..!

Феруза (*уйноқлаб*): Мана буни сахийлик дейдилар!

Кундуз: Ойбек, яна битта савол берсам майлими?

Ойбек: Марҳамат.

Кундуз: Қароринг қатъий, шекилли? Ота-онангни



ҳам кўндирдинг дейлик, лекин ундан кейин нима бўлади? Улар ўз ҳолича, сен ўз ҳолингча бошқа-бошқа яшайсизларми?

Равшан: Биз туғилганимиздан то ҳаётимизнинг охиригача ота-онамиз билан боғланганмиз, улардан ажралиб чиқиб кетиб, мустақил яшашимиз қийин...

Ойбек: Бизларнинг ота-оналаримиз - ўз даврларининг одамлари. Улар шундай яшаб келишган. Уларнинг тушунчасида болани катта қилиш, уни ўқитиш, уй-жойли қилиш, уйлантириб қўйиш, фарзандлари олдидаги бурчлари.

Равшан: Тўғри, биз ҳам бу бурчни бузилмас қонун деб билиб, ота-онамиздан умидвор бўлиб тураемиз. Бундан ташқари яна, ўзимиз ҳам вақти келиб шундай қиламиз. Демак, бу бизни қонимизга жуда қаттиқ сингиб кетган. Ундан қутилиш мумкин эмас. Бу абадий анъана!

Ойбек: Тўғри, лекин шу тарзда яшайверамизми? Ахир дунё ўзгарди-ку! Бизнинг ўз йўлимиз, ота-оналаримизникидан бошқача, ундан афзалроқ йўлимиз бўлиши керак эмасми? Олдимизга аниқ мақсадлар қўйиб, уни рўёбга чиқариш учун ҳаракат бошлаш зарур.

Қундуз: Ойбек, ниятларинг жуда яхши-ю, гапларинг ниҳоятда баландпарвоз-да, ўртоқ. Худди Олий мажлис минбаридан айтилаётгандай. Қарсақ чалиб юборгим келяпти.

Ойбек: Чал қарсагингни! Ниятлар юксак бўлгандан кейин унга баландпарвозлик ярашади-да, мен сенга айтсам.

Қундуз: Ойбек, сен ўша азалий анъаналарни инкор қилиб, ота-онанг хоҳишларини рад этиб, нимага эришмоқчисан? Кимга нимани исбот қилмоқчисан?

Ойбек: Ҳеч кимга, ҳеч нарсани исбот қилмоқчи эмасман. Мен ота-онамни хоҳишларини рад этиб, умуман бош олиб чиқиб кетмоқчи ҳам эмасман. Мен фақат ўзим мустақил, ҳеч кимнинг "поддержка"сиз, ўз кучим билан ўз "ишим"ни бошламоқчиман. Мен ўзим учун жавобгарликни ўз бўйнимга оладиган пайтим етиб келди деб ўйлайман.

Равшан: Ҳаёт учун жавобгарлик? Бундай жавобгарлик ҳаммамизнинг зиммамизда бор. Фақат бу жавобгарликни ота-оналик бурчидан ажратиб, улардан бошқа-бошқа тушуниш керак эмас.

Ойбек: Худди шундай! Биз ўша жавобгарлик борлигини биламиз, лекин уни ўз вақтида бўйнимизга олишдан қўрқамиз. Ёки уни кераклича ҳис қилмаймиз. Бундай жавобгарлик анчагача ота-оналаримиз елкасида бўлади ва биз шунинг учун ҳам узоқ вақт уларнинг қарамоғида яшаймиз.

Санжар: Жуда қизиқ гаплар бўлапти-ку! Нима, мен ота-онамнинг айтганини қилмаслигим, улардан бўлак яшашим керакми?

Ойбек: Менинг, сенинг ёки унинг мустақил бўламан деганимиз, ота-онасидан буткул бўлак бўлиш дегани эмас, ҳар бир инсон ота-онаси билан умрбод боғланган.

Қундуз: (Санжарга тикилиб, истеҳзо билан) Айниқса "баъзилар"...

Санжар: Тушунмадим.

Қундуз: Ўзингни гўлликка солма, Санжар.

Санжар: Гўлликка солаётганим йўқ. Нима демоқчисан сен ўзи?

Қундуз: Бу гапларнинг сенга ҳеч қандай дахли йўқ демоқчиман. Сен ота-онангнинг пинжидан нари кетолмайсан. Бунга ҳожат ҳам йўқ. Улар сен учун ҳамма нарсани тайёр қилиб беришади...

Санжар: Нима, бунинг учун мен айбдорманми?

Қундуз: Ҳеч ким сени айбдор деяргани йўқ. Фақат бу ерда сенга дахлдор бўлмаган масала тўғрисида баҳс борапти. Сен бориб бемалол ўйинга тушаверишинг мумкин.

Санжар: Сен ҳаддингдан ошаверма, мен...

Сабоҳат: Бўлди қилинлар, нима кераги бор ҳозир бу тортишувнинг. Баҳс қилишни билмаймиз. Бирпасда мана бунақа уришиб кетамиз. Келинлар, яхшиси....

Санжар: Яхшиси рақсга тушамиз. (Қундузнинг рўпарасига келади)

Қундуз: Ҳа, гапинг борми менда?

Санжар: Бор! Юр рақсга тушамиз!

Қундуз: Сен биланми?

Санжар: Мен билан, нима қипти?

Қундуз: Сен билан бир усулга тушолмайман-да. Оёгингни босиб оламан!

Феруза: Мен билан тушақол рақсга.

Санжар: Э, борларинг-э!

Ойбек: Қундуз, сенга нима бўлди?

Қундуз: Менинг бирор марта рақсга тушганимни кўрганмидиларинг? Рақсга тушмайман дедим, бўлди-да!

Сабоҳат: Бас қилинлар, болалар! Мен бошқа чидаёлмайман! Кетайлик. Ойимдан балога қоламан яна.

Равшан: Шошмай тур, Сабоҳат! Ойинг биладилар-ку, сен бутун Ойбек билансан. Бутун эса Ойбекнинг куни.

Санжар: (Унинг ишораси билан бармен бу сафар шампан винолари қўйилган бокалларни олиб келади) Мен яна бир бор Ойбек учун ичишни таклиф қиламан. Бек, сен мард йигитсан, ҳақиқий дўстан. Мен сен билан фахрланаман. Сенинг бошлаган ишинг ҳақиқий йигитнинг иши. Бўш келма, дўстим! Билиб қўй, Тошкентда сенинг дўстларинг бор ва улар сени ёлғизлатиб қўйишмайди. Ёрдам керак бўлса — тортинамасдан сўра. Ҳар доим тайёрмиз. Гапим тўғрими, болалар?!

Хамма: Тўғри!

Санжар: Бек, сен учун! Сенинг орзуларингни рўёбга чиқиши учун!

(Қундуздан бошқа ҳамма ичади)

Равшан: Қундуз, нима шампан виноси ичмайсанми?

Қундуз: Йўқ, ичмайман. Носамимий гапларни эса сира ёқтирмайман.

Санжар: Тушунмадим...

Қундуз: Нега тушунмайсан? Мен сенинг иккинчи маротаба қайтарган қадаҳ сўзингни назарда тутаяпман.

Санжар: Мен Бекни ҳурмат қилишимни айтдим, холос. Буни керак бўлса учинчи марта ҳам қайтаришим мумкин.

Қундуз: Ўн марта ҳам қайтаришинг мумкин. Бироқ гап билан амалий ёрдам бошқа-бошқа нарсалар.

Санжар: Нима, ишонмайсанми?

Қундуз: Очиғи, йўқ!

Санжар: Сен бутун мен билан бутунлай юзкўрмас бўлмоқчимисан?

Феруза: Қундуз, мен ҳам ҳеч нарсага тушунмаяпман. Нима демоқчисан ўзи?

Қундуз: (Ферузага қарата) Нимага тушунмайсан? Ойбек қаерга кетаяпти?

Феруза: Қаршига, дискотека очиш учун. Хўш, нима қилибди?!

Қундуз: Биз унга нима билан ёрдам беришимиз мумкин?

Феруза: Мен... йўлга тухум қайнатиб беришим мумкин. Товуқ қовурибми...

Санжар: Феруза, бор, бориб ўйинга тушиб тур! Оёгинг каллангдан яхшироқ ишлайди сени. Бор!

Феруза: Беҳазил. Йўлга эрмак учун бирон нарса олса зўр бўлади. Бек, чипсини яхши кўрасанми?

Санжар (бақариб): Феруза! Бас қил!

Қундуз: Нега ўшқирасан? Феруза Ойбекнинг бошқа бегона шаҳарга бориб, дўстларисиз, ёлғиз қолишини тасаввур қилмаяпти. У ерда яшаши учун, ўз ишини йўлга қўйиши учун анча-мунча пул кераклигини билмаяпти. Ҳар хил чипсилар билан ёрдам бериб бўлмаслигини тушунмаяпти.

Санжар: Бек, сенга пул керакми?

Ойбек: Керакликка керак, лекин мен ҳеч кимдан пул сўраганим йўқ.

Санжар: Сўрашнинг ҳожати йўқ. Пул тўғрисида муаммо йўқ деб ҳисоблайвер, дўстим.

Ойбек: Раҳмат. Санжар. Мен...мен...сизлардан...
Санжар: Бўлди, бўлди. Сабо, тезроқ ўйинга таклиф қил, бўлмаса, йиғлаб юборди.
Собоҳат: Мен ўйинга тушмайман, мен кетаман.
Ойбек: Тўхта, Сабо! Нимага кетасан? Сенга нима бўлди? (*Сабоҳат жавоб бермайди*)
Гапирсанг-чи?!
Сабоҳат: Нимани гапирай? Сен гапираяпсан-ку, бўлади-да...
Ойбек: Мендан хафамисан?
Сабоҳат: (*кесатиб*) Йўқ, хурсандман. Сен ўзинг ҳаммадан билагонсан, ҳамма нарсани яқка ўзинг ҳал қилаверасан. Мен билан нима ишинг бор сенинг...
Ойбек: Бу нима деганинг, Сабоҳат? Ахир келишмаганмиз-ку!
Феруза: Вой писмиқлар-эй!
Сабоҳат: Мени тўғри тушун, мен сен билан кетишни истаганимда ҳам барибир боришим гумонга ўхшайди...
Ойбек: Нега, нима, ваъдалар ёлғонмиди? Ёки... ёки бошқа биронтаси билан...
Сабоҳат: Аҳмоқ.
Ойбек: Бўлмаса, нима бўлди? Гапирсанг-чи.
Сабоҳат: Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Фақат мен ойим билан гаплашиб олдим.
Ойбек: Сабоҳат, сен дунёдаги энг яхши қизсан. Ойинг сира хавотир бўлмасинлар... сен бахтли бўлишинг учун ҳамма ишни қиламан. Фақат, фақат ёнимда бўлсанг бас!
Сабоҳат: Мени кечир Ойбек, ойимни ўйласам... уларни ташлаб кетишга ҳеч кўзим қиймаяпти...
Санжар: Қани, Бек, наҳотки сен шундай қизни ташлаб кета олсанг? Наҳотки сени дискотеканг мана шу, сени севгучи гўзал қалбдан афзалроқ бўлса?
Сабоҳат: Санжар, мен ҳали охириги гапимни айтганим йўқ...
Қундуз: (*истеҳзо билан*): Гапир, Ойбек! Қароринг ўзгармадими? Ўз сўзида турадиган эркакмисан, ёки...
Санжар: Ҳа, Қундуздан кўрқиб керак... Ҳадисларда, Бек, отанинг ўз боласига тарбия бериши, бирор хунарни ўргатиши, уйли-жойли қилиб қўйиши унинг бўйнидаги қарзи деб ёзилган.
Қундуз: Қойилман. Ўзингнинг манфаатингга бўлса, ҳадисларнинг эслаб қоларкансан-а? Ўша ҳадисларда отанинг бўйнидаги қарзини бажаришини қўтиб, боласи оғзини очиб ўтириши керак деб ёзилмаганми?
Равшан: Мусулмончиликда "сендан ҳаракат, мендан баракат" ҳам дейилган.
Санжар: Бек, сен бир нарсани эсингдан чиқариб қўяяпсан.
Ойбек: Нимани?
Санжар: Оилани. Оила мустаҳкамлиги унинг бирлигида. Мустаҳкам оиладан бутун бир эл, миллат, мамлакат пайдо бўлади. Қадимдан маданий давлатларда ҳар бир оила аъзоси унинг бирлиги учун, демак миллатнинг, давлатнинг бирлиги учун жавобгар бўлган.
Ойбек: Демак, сенингча мен давлат бирлигини бузаётган эканман-да?
Санжар: Сен давлат бирлигини бузолмайсан. Лекин ўз оиланг бирлигини бузишинг мумкин. Ота-оналаримиз бизни катта қилиб, вояга етказиб, оёққа тургазганларида, бизга суянишга ҳақли бўлмайдиларми?
Ойбек: Ҳақли. Фақат мен айнан ўзим оёққа турмоқчиман. Ўзим, тушунасанми, ўзим.
Санжар: Ўзим, ўзим. Ўзимлайверасанми? Ҳозир гап сенда эмас. Азалдан ота-она ўз ўглининг касб ўрганишига, тўғри йўлни топиб олишга ёрдам берган. Ўз хунари сирларини ўелига ўргатган ва ҳоказо...
Қундуз: Айнан мана шу одат ноёб касбларнинг, нозик хунарларнинг сир-синоатлари буткул йўқолиб кетишига ҳам сабабчи бўлган.
Санжар: Бу нима деганинг? Аксинча, ҳунар авлоддан-авлодга ўтиб борган...

Қундуз: Ўзинг айтаяпсан-ку — оталар ўз касблари сирларини фақат ўғилларига ўргатишган, холос. Боласи отасига ўхшаб иқтидорли чиқмаганда эса, касбнинг сири ўша бола билан биргаликда кўмилган. Кўпгина хунарлар шу тахлит йўқ бўлиб кетган...
Санжар: Нима, сен анъаналарга қаршимисан?
Қундуз: Асло! Мен фақат ҳар бир нарсада маъно бўлиши, ҳар бир нарсага ақл билан англаб ёндошиш керак демоқчиман холос.
Санжар: О-о-о! Энди мен қолиб урф-одатларимизга хурж бошланди, шекилли. Қундуз ота-боболардан қолган анъаналаримизни ўзгартирмоқчи! Қундуз, сенинг ақлли қиз эканлигинга шубҳамиз йўқ, лекин бу ерда ақл ортиқча. Сендан олдин ҳаммаси ўйлаб, аниқлаб бўлинган, энди ундан фақат фойдаланиш керак холос. Ўйлашинг кераги йўқ.
Қундуз: Аксинча, ўйлаш, фикр қилиш ҳар доим керак.
Санжар: Ўйласанг-ўйламасанг, ҳеч нарсани ўзгартиролмайсан.
Ойбек: Йўқ! Ўзгартириш керак!
Санжар: Чепуха! Гапларингнинг ҳаммаси чепуха! Бўлмаган, бекорчи гаплар.
Ойбек: Тушунмадим. Менга гапираяпсанми?
Санжар: Ҳа, сенга! Умуман ҳаммаларингга.
Равшан: Қани, қани, эшитайлик-чи...
Қундуз: Керак эмас, Равшан, қўй уни. Ундан яхши гап чиқмайди.
Равшан: Нимага? Санжар айтганидай, бу ер дискотека — эркинлик зонаси. Бутун бу ерда ҳамма ўйлаганини, нима хоҳласа шуни гапириши мумкин. Гапир, Санди.
Санжар: Балки ҳожати йўқдир?
Равшан: Нимага, жуда ҳожати бор-да.
Ойбек: Сўзла.
Санжар: Сўзлаганим билан сен ҳеч нарсани эшитишни хоҳламаяпсан-ку! Ҳали ҳеч бир нарсанинг улдасидан чиқмай туриб, ўзингни ҳамма ишни қойилмақом қилиб қўйган қаҳрамон қилиб кўрсатаяпсан! Сизлар эса, унинг бурни қонашини кўриш учун бу авантюрага гиж-гижлаяпсизлар.
Равшан: Сенингча биз Ойбекни калака қилиб ўтирган эканмиз-да?
Санжар: Бўлмасан-чи! Фақат аҳмоқ, калласи йўқ одамгина бундай афсонага ишонади. Фақат аҳмоқ одамгина иссиққина уйини, унинг учун ҳамма нарсага тайёр турган ота-онасини қақшатиб, севган қизини, дўстларини ташлаб, қандайдир дискотека учун бир ёқларга кетади. Одамнинг қилаётган ишида мантиқ бўлиши керак. Сенинг ўша дискотеканг шунча қурбонликка арзийдими?
Қундуз: Жиддий айтаяпсанми?
Санжар: Албатта. Бу ҳаммаси — туш, Сароб. Ҳўш, ўша томонларда дискотека барпо бўлди деб ҳам фараз қилайлик, гарчи бунга мен мутлақо ишонмасам ҳам. Ҳўш, нима бўлади? Кимга керак ўша жойларда дискотека? Ҳеч кимга! Ҳозир бошқа замон. Мақсад пул қилиши - бунинг йўллари жуда кўп. Бозор, савдо - сотиқ, уй-жой олиб сотиш, хуллас ақлни ва оёқни ишлатсанг бас! Сўм, бакса, евро — келаверади. Сенинг дискотеканг, кечирасану, қуруқ гап. Дискотекангга борадиган аҳмоқ топилармикан ўша сен айтган ерларда. Бир ойлаёқ банкрот бўласан-қоласан. Янгитдан елосипед ихтиро қилишнинг нима кераги бор?
Равшан: Ҳали жуда оғиз кўпиртириб, "дискотека бу ёшларнинг эркин зонаси, улар бу ерда ҳамма нарсадан озодлар" деб катта гаплар қилаётган эдинг-ку, нега энди бирпасда фикринг ўзгариб қолди.
Санжар: Фикрим ўзгаргани йўқ. Ҳамма ишнинг ўз ўрни бор. Ана кўряпсанми, анаву ёшларни. Бориб сўрагин-чи, қаерлик эканлар улар. Қаршидан. Намангандан, Бухородан... Булар Тошкентда жойлашиб олганлари. Қолганлари эса, Россияда, Қозоғистонда



мардикорлик қилишяпти. Так что, сенинг дискотеканга келадиган ёшлар қолган эмас ўша ерларда.

Ойбек: Балки гапингда жон бордир. Лекин бундай аҳволни ҳозир ҳамма ерда кузатиш мумкин. Ўша Қозоғистону Россиянинг ўзидан ҳам қанча одамлар яхшироқ ҳаёт илнжида чет элларда сарсон бўлиб юрибди. Агар ўз жойида дурустроқ иш, даромад топса, ким бошқа юртларда сиғинди бўлиб яшагиси келади. Сенга ўхшаш пулдорлар маблағини кераксиз орзу-ҳавас деб ҳавога сарфламай ё хасислик билан ёстиқни ичига йиғмасдан, ўша чекка жойларда кичик корхоналар очса ё бирор жўяли ишларга сарфласа, янги иш ўринлари яратилиб, ёшлар ҳам ўз ерига қаттиқроқ боғланиб қолармиди? Сангин аканинг ҳам, менинг ҳам мақсадимиз шу аслада...

Санжар: Ҳар ернинг тулкисини ўз лочини билан овлайдилар, огайни. Қашқадарёда ҳам ҳам қачон Ойбек акаминз келиб, бизга дискотека очиб берарканлар деб, озини очиб ўтиришмагандир. Сенга ўхшаган улдабурон ўша жойда ҳам бордир? Ҳар жойнинг ўз қонун-қоидалари бор. Улар нонларини туя қилишинга қараб туришмаса керак? Бу ерда ҳазил кетмайди. Шундай экан, Бек, бизнесинг ҳали бошланмасдан туриб энасини кўради деявер!

Ойбек: Бизнес? Ким айтди сенга буни фақат бизнес деб?

Санжар: Нима бўлмаса? Оммавий-маданий талбирми? Ёки гуманитар ёрдамми? Балки хайриядир?! А?

Ойбек: Сенинг тилингда буларнинг ҳаммаси ҳақоратга ўхшаш эшитилаяпти.

Санжар: Ҳақорат эмас, Бек, бу ҳақиқат. Бундай хайрия ишларни қилишдан аввал яхшигина маблағ тўплаш керак бўлади.

Ойбек: Қанақа маблағ? Сен ўйлагандай бирини дўпписини бошқасига кийдириб, алдаб пул топишми?

Санжар: Кечирасан, дўстим, киноянгни ножўя ишлатдинг. Мен алдаб деганим йўқ, ишлаб топиш керак дедим.

Ойбек: Қандай қилиб?

Санжар: Қўлидан келганича. Масалан бизнес орқали.

Ойбек: Бизнес дегани нима ўзи? Мен омига тушунтириб берсанг. Бизнес дегани фақат муттаҳамликми?

Санжар: Бизнес бу ақлни, каллани ишлатиш дегани. Агар ақл бўлмаса, унда эшшакдай ишлайвериш дегани.

Ойбек: Равшан, эшитаяпсанми? Сен ғирт аҳмоқ экансан. Қурувчи бўлиб ишлаб юрибсан. Қурилиш материалларини жойига ишлатдим деб, унинг бир қисмини мўмайгина сотиб юборишинг мумкин. Сабоҳат, сенинг онанг ҳам нотўғри иш тутадилар. Эртаю кеч ишлаб, клиентлардан кўпроқ материал талаб қилиш, кўпроқ пул ундириш хаёлларига ҳам келмайди. Менинг ота-онам-чи, о-о-о-о! Ўта содда одамлар. Бугун умр ўқувчилару студентларнинг қуруқ раҳматига ишлаб келишади. Бир жавон қоғоз — раҳматномалар, фахрий ёрликлар, откриткаю телеграммалар.

Санжар: Худо ақл бермаса, шунақа-да!

Ойбек: Нима дединг?

Санжар: Эшитганинг...

(Ойбек Санжарга ташланади. Равшан, Қундуз, Сабоҳат уни ушлаб қолишади)

Феруза: *(чинқириб юборади)* Болалар, уришманглар, илтимос...

Ойбек: Сен, ифлос менинг ота-онамга тил теккизма! Сен ҳали ўша бизнесингда бирор тийин ҳам ишлаб топмагансан. Сен меҳнат нима эканлигини биласанми? Отангнинг пулига қариллаб юрибсан...

Санжар: Нега бўлмаса гадоёйга ўхшаш мenden пул сўраб юрибсан?

Ойбек: Сенданми? Мен пул сўрадимми? Тупураман сенинг пулларингга!

Санжар: Пулларимга тупурсанг, дискотеканг нима бўлади?

Ойбек: Бу сенинг ишинг эмас.

Санжар: *(Сабоҳатни кўрсатиб, масхаралаб)* Мана, тикувчи қайнанангдан сўрасанг, ёрдам қилади.

(Равшан Ойбекни қўйиб юбориб, Санжарга бир мушт тушуради.)

Санжар: Айтдим-ку, ақл ишламаганда, қўл ишлайди деб.

Равшан: Яна керакми?!

Қундуз: *(Равшаннинг йўлини тўсади)* Керак эмас, Равшан. Қўлингни ҳаром қилма. Бу...

Санжар: Ҳозир мен сенга кўрсатиб қўяман. *(Телефон қила бошлайди)* Алло! Милициями? Мени кўпчилик бўлиб...

(Қундуз Санжарнинг қўлидан телефонни тортиб олиб, батареякасини чиқариб олади)

Қундуз: Кечирасан, телефоннинг батареякаси тугади.

Санжар: Кўрқоқлар! *(кулиб турган Қундузга қараб)* Нега ишшаясан?

Қундуз: Ниҳоят асл башарангни кўрганамдан қувонаяпман. Яширишга кучинг етмади. Жуда зўр бериб уриндинг, бўлмади. Чидолмадинг. Уртага пул аралашгандан сўнг, чидоёлмадинг.

Санжар: Сенлар мен билан фақат пулим борлиги учун дўст тутиниб юрасанлар. Ҳа, менда бор, менда ҳамма нарса бор. Мендаги бор нарса сенларда ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди ҳам!

Қундуз: Ниманг бор сенинг? Пулингми? Сенда бир тийин ҳам йўқ. Пул ҳаммаси отангники. Отангнинг чўнтагидаги пул билан гердаясан сен. Бугун ҳам ўзингни кўрсатиш учун Ойбекка пул бермоқчи бўлдинг. Мақтанишга мақтандингу, кейин, пулни қаердан оламан, деб кўрқиб кетдинг.

Санжар: Келиб-келиб сенларга бераманми? Пул ҳайф сенларга!

Қундуз: Аввалига Ойбекни табриклаётган, ёлгон ваъдалар бериб, унинг дискотекаси учун кетма-кет қадахлар кўтараётган эдинг. Масала жиддийлашганини сезгач, шартга касетани ўзгартирдинг. Зўр бериб уни қоралай бошладинг. Ҳўш, сен "бизнесменнинг" қайси гапинга ишониш керак? Қайси бири сенинг ҳақиқий башаранг?!

Санжар: Сен ўзинг-чи, ўзинг фариштамисан? Зўр бериб ўзингни Ойбекка ҳайрихоҳ кўрсатмоқчимисан? Аслида Ойбек ҳам, унинг осмондаги орзулари ҳам сени заррача қизиқтираётгани йўқ. Сени фақат мен қизиқтираман халос. Пайти келганда мenden ўз қасдингни олиш ниятидасан. Шундай эмасми?

Қундуз: Сендан? Қасд олиш? Бу нима деганинг? Очикроқ гапир!

Санжар: Айтардим-ку, бироқ ўзингга ёмон бўладида...

Қундуз: Йўқ, айтасан! Мард бўлсанг, айтасан!

Санжар: Хафа бўлмайсанми?

Равшан: *(чидай олмасдан)* Гапир гапирадиганингни, олифтагарчилик қилавермасдан!

Санжар: *(Равшанга)* Бўлмаса қулоқ солинглар!... Қундуз, мактабдалигимизда менга ёзган ишқий хатларинг эсингдами? Ҳаммасини сақлаб қўйганман, хоҳласанг қайтариб беришим мумкин. Ҳўш, бунисига нима дейсан?

(Қундуз юзларини қўллари билан тўсиб, йиғлаб юборади)

Феруза: Санди, Санжар, шу қадар пасткашмисан-а? *(йиғлаб юборади)*

(Равшан Санжарга ташланади. Ойбек унинг йўлини тўсиб тўхтатиб қолади. Ўзи Санжарга яқинлашиб, кутилмаганда бир зарб билан уни қулатади)

Ойбек: Аблаҳ! Йўқол.

(Санжар ҳам муштлашишга шайланади. Сабоҳат билан Равшан тўсиб оладилар, сўнг Қундуз яқинлашади)

Қундуз: Тўғри, мен сенга ишқий хатлар ёзганман. Кейин ҳам ёздим. Фақат кейингиларини сенга беришни

лозим топмадим. Шу бугунги кунгача ҳам сенга бепарқ эмас эдим. Сенинг ҳуснинг, қадди-қоматинг, кийинишинг, ўзингни тутишинг ёқарди менга. Ўзгина мақтанчоқлигинг, гуруринг, жасурлигинг ҳам ўзингга ярашарди. Байрамларда қимматбаҳо совғалар улашишинг, ўтириш-учрашувларда ҳаммадан олдин пул ташлаб, ҳотамтойлик қилишларинг ҳам ёқимли эди. Аммо ана шу фазилатларинг секин аста худбинлик, гердайиш, ман-манлик, ясамалик, шафқатсизлик билан алмашиб бораётганини ҳам сезардим. Барибир кўнглиминг қаеридадир Санжар жуда тамом бўлган эмас, у самимийлигини сақлаб қола олади деб ишонардим, ҳатто умид қилардим. Ферузага муносабатинг эрмак эканлигини сезсам-да, рашк қилардим. Бугун эса энг тубан аблаҳга айланганлигингни тўла ҳис қилдим.

Феруза: Ўзинг кетавер!

Санжар: Ия, сизизям тилиз чиқиб қолипти-ку! Ҳали кетимдан итдай ялиниб келасан...

Феруза: Ҳеч қачон!

Ойбек: Йўқол, мараз!!

Қундуз: Йўқ, тўхта Санжар! Мана бу хатни ол! *(Қунтагидан хат олиб узатади)* Бу менинг сенга ёзган сўнгги ишқий мактубим. Буни кеча ёзган эдим. Ол!... Энди кет!

(Санжар каловланиб, бироз туриб қолади. Сўнг чиқиб кетади.)

Равшан: Яхши иш бўлмади, болалар...

Феруза: Бети курсин, у ҳақда ўйлашни ҳам истамайман...

Равшан: Балки вақти келиб у ҳам тушунар. Мен Санжарнинг яна даврамизга қайтишини хоҳлардим.

Ойбек: Болалар, тушунинглар! Бировнинг қўлига қараб, текин тамоқ бўлиб ўтириш ҳам ёки ҳаммага ўхшаб бир хил ҳаёт кечиришга мажбурлаш ҳам онгли инсонни таҳқирлаш билан баробар. Гуё қандайдир бир куч тажриба ўтқазаетгандек. Тажриба муваффақиятли тугагач, минглаб, миллионлаб нусхалар кўпайтирилгандек, умр такрорланиб ўтаверади. Менимча уни фақат кашф этиш, ўзгартириш, ўз ақлинг, ўз қўларинг билан яратиш иштиёқи завқлантиради. Ўтаётган кунларингта мазмун, ранг беради. Мен балки ўзим орзулагандек дискотека қуролмасман чекма ерларда. Ундан бир дунё пул топиб, бойиб ҳам кетмасман, балки. Ёки аксинча ҳам бўлар. Ҳар қалай мен ақлим етган ва қўлимдан келадиган ишга уннаб кўрмоқчиман. Мен учун муҳими — натижаси қанақа бўлишидан қатъий назар, ўз ишимни очиб, ўз йўлимдан юриш. Керак бўлса, бировларникига ўхшамайдиган ва ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ўз ҳаётимни яратмоқчиман. Мени хаёлпараст дейсизларми, тентак ёки ҳатто аҳмоқ дейсизларми ўзларингиз биласизлар. Барибир фикримдан қайтмайман!

Парда

7-кўриниш

Ёшиқ парда олди, гўё вокзал томон йўл. Саҳнадан Мастура, Гулнора чамадони билан, Сабоҳат йўл сумкаси кўтарган ҳолда ҳамда синфдош дугоналар Феруза, Қундуз ўтиб борадилар. Орада бир ҳафта вақт ўтган.

Гулнора: Бизники купейний... Поезднинг бошроғида, тезроқ юрайлик, қизлар...

Мастура *(ийғламосираб):* Гулнор, нақ бағримни шилиб кетяпсан-да! Ёши ун саккизга етиб, бирор кун кўзимдан нари бўлмаган эди. Қандоқ чидарканман-а?! Ишқилиб яхши бўлармикан?!

Сабоҳат: Ойижон, бегона юртга, бегоналар олдига кетаётганим йўқ-ку! Холамникида яшасам, холам билан ишласам, нимасидан хавотир оласиз?

Гулнора: Опа, обидийдангни бас қилгин! Мунча ташвиш чекмасанг? Жуда ичиксанг, уч-тўрт ҳафтадан кейин бир борарсан Малоҳатни олиб. Баҳонада ҳаво алмаштириб, уйингдан бошқа жойлар борлигини ҳам билиб, кўриб келасан. *(Ўтиб кетадилар. Улардан кейин синфдош дўстлар — Санжар, Равшан, сумка кўтариб олган Ойбекни қуршаганча саҳнадан ўтиб борадилар.)*

Ойбек: Болалар, мана кўрасизлар, бир йилдан кейин сизларни Қашқадарёга, дискотекага чақираман.

Равшан: Нима деяпсан? Нима биз бир йил қачон Ойбек чақираб экан деб кутиб ўтираемизми?

Феруза: Бир ойдан сўнг бизни кутавер. Бир Қарши томонларни гуллатиб келамиз...

Ойбек: Бўпти, бўпти, болалар, кутаман...

(Йўқотиларнинг ортидан Шавкат ва Дилбархон ўтиб борадилар.)

Дилбархон: Адаси, бундай шошила қолмайсиз-а! Болалар илгарилаб кетишди, йўқотиб қўймайлик, тагин.

Шавкат: Йўқотиб бўлдинг ўлигини, яна нимасини йўқотасан...

Дилбархон: Ахир ўзингиз ҳам розилик бердингиз-ку!

Шавкат: Эртаю кеч мингиллайверганларингдан кейин, хўп дедим-да. Қани кўрамиз, бузоқнинг югургани сомонхонагача... Бир-икки ҳафтада бурнини оқизиб, "ойижон, қўйнаиб кетдим" деб йиғлаб келмаса, отимни бошқача кўяман.

Дилбархон *(ҳазилнамо):* Ҳай-ҳай, ҳай, адаси бу гапингиздан қайтинг. Яна сизнинг Шавкатилла номингиз қолиб, Йўлчиной ака деб юрмай...

Шавкат *(жиддий):* Ҳали кўрасан, "йўлчи" кимлигини! *(Ўтиб кетадилар. Поезд юриши эълон қилиниб, вагонлар силжиган овозлар эшитилади. Саҳнага синфдошларини кузатиб, Феруза, Қундуз ва Равшан кириб келадилар.)*

Феруза: Болалар, Сабоҳат билан Ойбекка жуда ҳавасим келяпти.

Равшан: Ҳа, улар ҳақиқий романтиклар...

Қундуз: Жуда ичидан пишган экан икковиям. Гапни бир жойга қўйиб, йўлини топганини қаранглар, буларни.

Феруза: Нима, сениям ҳавасинг келяптими? Ё ҳасад қилаяпсанми?

Қундуз: Унисиям, бунисиям...

Равшан: Қизлар, ичинглар қуримасин. Хўп десанглар, бир-икки ойдан кейин бориб келамиз.

Феруза: Йккаласи бир жойга бормаса керак. Айтган туманлари бошқа-бошқа-ку! Вагонлари ҳам бири бу бошда, иккинчиси охиrhoғида.

Қундуз: Феруз, жуда соддасан-да... Вагони бошқа бўлгани билан, поезди бир-ку!

Равшан: Туманлари ҳам бошқа-бошқа бўлгани билан, манзиллари бир. Энг муҳими юраклари яқин, кўнгиллари бир. Мана шуниси зўр-да!

Феруза: Боллар, бугун коллеж битирувчилари учун марказдаги дискотекада шик "хит"лар бўлар экан. Крутой эстрадниқлар ҳам келаркан... Кетдикми?!

Барчалари: Кетдик...

(Ҳаммалари югуриб кетадилар. Шўх, шовқинли замонавий мусиқа садолари янграйди.)

ҲОЗИРЧА ТАМОМ!





Абдураззоқ ОБРУЙ

ПАРОВИЯЛАР

ЮСУФНИНГ ҚУВУРИ ЙЎҚ

Юсуфим, қудуғинга тушир мени, чўкойин.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизининг
"Ҳажрга отма мени" шеърідан.

Юсуфнинг қудуғи йўқ, ваннаси бор,
Кранидан сув бир чиқса, бир чиқмайди.
Маржалардан таниши — Аннаси бор,
Неча марта чўмилди у, ҳеч чўкмайди.
Аллақачон қудуғи кўмилганКку,
Тополмайсиз излаб ҳатто ўрнини.
Иш деб бориб, Каспийда чўмилган у,
Не жойларга суқиб кўрди бурнини.
Нега бундай бўлган билиш қийинҚда,
Уйи ҳам паҳса эмас, темир-бетон.
Кимлардандир қарзи талай бўйинда
Чўнтагида чақа эмас, метро жетон.
Юсуфнинг қудуғи йўқ, ваннаси бор,
Кранидан сув бир чиқса, бир чиқмайди.
Маржалардан таниши — Аннаси бор,
Неча марта чўмилди у, ҳеч чўкмайди.

ТАВБИРКОР

Мен бу дунёга яшаш учунмас,
Балиқ тутиш учун келдим.

Баҳром
РЎЗИМУҲАММАДнинг
"Балиқ ови" шеърідан.

Бу дунёга яшаш учунмас,
Бир чўзилиб ётгани келдим.
Кимки қуйса, дўст эрур манга,
ТўйибКтўйиб отгани келдим.

Бу дунёга яшаш учунмас,
Тошбақани тутай деб келдим.
Ҳали йўлга чиқмаган бўлса,
Чиқишини кутай деб келдим.

Бу дунёга яшаш учунмас,
ЎтКоловда куйишга келдим.
Ростин айтсам, даканг хўрозни,
Тутиб олиб сўйишга келдим.

Бу дунёга яшаш учунмас,
Зўр матолар кийишга келдим.
Қасамига амал қилмаган
Эчкиларни тийишга келдим.

Бу дунёга яшаш учунмас,
Эшакларни минишга келдим.
Сиз устимдан кулмоқ бўласиз,
Қаранг, қандай зўр ишга келдим.

ВЎСТАЛАРИМ

Қийналиб ҳаётни юритган кишилар,
Кўнглида ҳавасни қуритган кишилар,
Эзгулик дардида ўртанган кишилар,
Лекин бор ҳолатга ўрганган кишилар,
Сиз менинг дўстларим,
Мен сизнинг дўстингиз.

Омон МУХТОРнинг "Қийналиб
ҳаётни..." шеърідан.

Уйдан ҳайкал қўйган кимсалар,
Бойлик тоғдай уйган кимсалар,
Фақат пулни суйган кимсалар,
Қоринлари тўйган кимсалар —
Сиз менинг дўстларим,
Мен сизнинг дўстингиз.

Кимнинг бўлса қўллари узун,
Қалин бўлса териси юзин,
Эплаб айтса, айтмаса сўзин,
Тавоб қилай ундайлар изин —
Сиз менинг дўстларим,
Мен сизнинг дўстингиз.

Хотинин қўш қилган хўрозлар,
Ботинин бўш қилган хўрозлар,
Савобни туш қилган хўрозлар,
Мўҳтожга мушт қилган хўрозлар —
Сиз менинг дўстларим,
Мен сизнинг дўстингиз.

Уйдан ҳайкал қўйган кимсалар,
Бойлик тоғдай уйган кимсалар,
Фақат пулни суйган кимсалар,
Қоринлари тўйган кимсалар —
Сиз менинг дўстларим,
Мен сизнинг дўстингиз.

КЎЗ ҚИСИШ

Ўтмас тиг юрагим тиглайди,
Мен сени соғиндим, Нозима.

Темир ҚУРБОНнинг "Тунларни
кутардим бетўзим" шеърідан.

Райҳонани соғиндим мен, Райҳонани,
Тезроқ келсин, тўлдирмасин паймонани.

Темир ҚУРБОНнинг "Райҳона"
шеърідан.

Ошуфта кўнглилар висол истайди,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Темир ҚУРБОНнинг "Нега ерга
қарайсан, Раъно?" шеърідан.

Нози ширин Нодира,
Дилинг ишққа қондирай.
Лабларингда ўт чақнаб,
Бўсам изин қолдирай.

Темир ҚУРБОНнинг "Нози ширин
Нодира" шеърідан.

Балиқ кўп тутишга
Қармоқ етмайди.
Севганим санашга
Бармоқ етмайди.

Биласиз, оппоқдир
Тарвузнинг хоми.
Ўзича туғилмас
Ёзиш илҳоми.

Ҳаётда пишмаган
Ошиқ боламан.
Севдимми, исмини
Шеърга соламан.

Қизларга дуч келгум,
Ҳар бир қадамда.
Мен шеърни кўраман,
Ҳар бир санамда.

Сиз билан гап сотдим,
Вақтим кетмоқда.
Кўчага бир қаранг,
Қизлар ўтмоқда.

Мен кетдим, бирига
Кўзимни қисай.
Ақаси ... не қилай,
... қаерим қисай?!

Балиқ кўп тутишга
Қармоқ етмайди.
Севганим санашга
Бармоқ етмайди.



O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

Jamoatchilik kengashi raisi:

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Gulruh A'ZAMOVA

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Nurmat OTABEKOV

Minhojiddin MIRZO

Shunqor XUDOYBERDIEV

Ahmad USMONOV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali, 1982 yildan chiqib boshlagan.

© "Yoshlik" № 5 (216) 2007 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA

IIYIMOIIY HAYOT

Sanjar ABDURAHMONOV. Millatga xizmat. 1

NAZM

Dilorom O'RMONOVA. Hoqonliging unutm. 2

Zebo MIRZAEVA. Ming yil yuragimni saqladim toza. 3

Muhammad G'AFFOR. She'rni o'pganliging rost bo'lsin. 27

Najmiddin MIRZO. Gul yuzingni istadim. 28

NASR

Zulfiya QUROLBOY qizi. Mashaqqatlar girdobi. 6

DRAMATURGIYA

Shuhrat RIZAEV. Diskoteka. 28

YELPUG'ICH

Abdurazzoq OBRO'Y. Parodiyalar. 47

Muqovalarimizda

1-betda: *Iste'dodli shoira Zebo MIRZAYEVA.*

2-betda: *A. Qahhorning 100 yilligi.*

3-betda: *Shoir Toshpo'lat AHMAD.*

4-betda: *Surxondaryolik fermer Yo'ldosh BEKMURODOV.*

Manzili: Toshkent shahri, O'zbekiston ko'chasi, 16A-uy.

Telefon: 227-08-23, **E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

Bosishga 22. 10. 2007 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.

Indeks 822 ISSN 0207-9137

Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi» deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 143

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.